• БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ •

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

11-12

СОЛИҚЛАР ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

65.9(5У)26
П 21

Тақризчилар: Абдукаримов И.Т. — И.ф.д. профессор, Халқаро ахборотлаштириш академияси ҳақиқий аъзоси, академик.
Ибрагимов Н.А. — И.ф.д. Самарқанд вилояти бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси директори.

Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И.
Молиявий таҳлил: (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбоми). — Т.: «Иқтисолият ва ҳуқуқ дунёси», 1999. — 368 б.
Сарл олдида: Самарқанд вилояти бухгалтер ва аудиторлар ассоциацияси.
1. Автордош.

Услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбомида молиявий таҳлилнинг назарий асоси, унда қўлланиладиган усуллар, молиявий натижалар ва молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари чизма ва жадваллар орқали тасвирлаб берилган. Таклиф қилинган назарий тавсиялар, амалий таҳлил учун қўлланиладиган формулалар аниқ амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда ёритилган.

Альбом корхоналар раҳбар ходимларига, тадбиркорлик ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчиларга, бухгалтерлар, солиқ ва банк ходимларига, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бизнес мактаблар ўқитувчилари ва талабаларига, малака ошириш институтлари (факультетлари) тингловчиларига кабинетлар фаолиятидаги барча мутахассисларга мўлжалланган.

ББК 65.9(5У)26я73

© Самарқанд вилояти Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, М.К.Пардаев, 1999.

© «Иқтисолият ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент ш., 1999.

КИРИШ

Бозорли иқтисодиёт бу ўта чигал ва мураккаб жараёнлар тизимидан иборат манфаатлар қарама-қаршиликлари курашида кенг рақобат майдонига эга бўлган иқтисодиётдир. Зеро, бу иқтисодиётда мулкдор ва тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилади. Шу боисдан энг аввало булар билан ёлланган меҳнаткашлар ўртасидаги зиддият мавжуд бўлса, мулкдор билан давлат, давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги зиддиятлар ҳам шу зиддиятлар оламида маълум ўринга эгадир. Шу туфайли барча иқтисодий, сиёсий, маънавий механизмлар бозор иқтисодиёти шароитида турли манфаатларни мувофиқлаштиришга ва шу орқали мавжуд зиддиятларга барҳам беришга қаратилмоғи лозим. Бундай механизмлардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини мунтазам равишда таҳлил қилишдан иборатдир.

Бозорли иқтисодиёт шароитида мулкнинг турли шаклларга мансублиги ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда эркин рақобатнинг ҳукм суришига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир корхонанинг яшовчанлигини ўзи таъминлаш заруратини туғдиради. Бунга ҳам фақат таҳлил орқали эришиш мумкин. Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил етарли даражада ривожланиб ўзининг мазмуни, предмети ва объектига эга бўлган эди. Аммо унинг асосий қисми ёки бир тури бўлган молиявий таҳлилга деярли эътибор берилмади, чунки бунга объектив ҳолда зарурат ҳам йўқ эди. Энди ликда молиявий таҳлилнинг шаклланиши ва ривожланиши учун объектив зарурат пайдо бўлди.

Тўғри, молиявий таҳлил бозорли иқтисодиётга асосланган мамлакатларда фан сифатида ўрнатиладиган дара-

жада, бошқарувнинг асосий функцияси сифатида шаклланган. Аммо уларни бизга бевосита жорий қилиб бўлмайди. Чунки бизнинг иқтисодимиз ўзига хос бўлган ўз тамойилларига эга иқтисодиётдир. Шу туфайли бизда шаклланадиган молиявий таҳлил ҳам ўзига хос бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳисоб сиёсатини ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Бу эса шунга мос алоҳида йўналиш ва таркибга эга бўлган молиявий таҳлилни яратишни тақозо қилади.

Ушбу ишни муаллифлар айнан ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда яратишга ҳаракат қилган. Иш асосан уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим молиявий таҳлилнинг назарий асосига, иккинчи бўлим молиявий ҳолатни таҳлил қилишга ва учинчи бўлими молиявий натижаларнинг таҳлилини ўрганишга бағишланган. Бу мантиқан кетма-кетликни, корхона молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилишга услубий жиҳатдан тўғри ёндошишни таъминлайди. Зеро, ҳар бир фан ўзининг назарий асосига эга бўлиши лозим. Молиявий кўрсаткичларнинг шаклланиши ҳам энг аввало бухгалтерия баланси маълумотларига асосланган ҳолда бошланади. Шу туфайли кўрсаткичларнинг жойланиши маълум даражада мантиқий кетма-кетлик қонуниятига асосланганлир.

Ишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, барча молиявий кўрсаткичлар таҳлил қилинганда уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини баҳолаш усуллари рақамлар ёрдамида кўрсатиб берилган. Бу эса ўз навбатида ишнинг амалий аҳамиятини янада оширади, чунки барча рақамлар аниқ бухгалтерия ҳисобларида ифодаланадиган кўрсаткичларга асосланган.

Шундай қилиб, молиявий таҳлилда корхонанинг молия-хўжалик фаолиятига батафсил баҳо берилади. Хусусан, унда корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳияти, уларнинг ҳолати ва самарадорлиги, молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш йўллари, корхона молия-хўжалик фаолиятига иқтисодий жиҳатдан таъсир кўриш, унинг тўловга қодирлик, кредит олиш қобилияти, рақобатбардошлик каби муҳим кўрсаткичлари аниқланади ва таҳлил қилиш усуллари ёритиб берилади.

Ишнинг назарий қисмида молиявий таҳлил тушунчаси, таркиби, мазмуни аниқ чизмалар орқали кўрсатилган.

Унда қўлланиладиган усулларнинг деярли барчаси ўз аксини топган. Барча усулларни қўллаш йўллари аниқ рақамлар ёрдамида кўрсатиб берилган. Ишнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, унда молиявий таҳлилда қўлланилаётган ахборот манбалари, уларнинг аниқ таркиби ва тузилиши ҳам чизмалар орқали ёритиб берилган. Бунда бухгалтерия балансига алоҳида аҳамият берилган, чунки у молиявий таҳлилда асосий ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ишнинг асосий иккинчи қисми корхонанинг иқтисодий салоҳиятини (потенциалини) баҳолаш ва таҳлил қилишдан бошланади. Бунда иқтисодий потенциалнинг мазмуни ва таркиби, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими келтирилган. Асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий фаоллар ва меҳнат потенциали таҳлили ҳам алоҳида бобларда ёритилган. Булардаги барча кўрсаткичлар жадваллар ва чизмаларда ўз ифодасини топган.

Ишнинг махсус боби корхонанинг молиявий салоҳиятини таҳлил қилишга бағишланган. Унда корхонанинг ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларнинг ҳолати, улардан фойдаланиш йўллари ҳам батафсил кўрсатиб берилган. Барча кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ҳам аниқ маълумотларда ўз ифодасини топган.

Бозорли иқтисодиёт шароитида корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ишда ушбу мавзуга алоҳида ўрин беришга тўғри келди. Эркин рақобат ҳукм суриб турган шароитда ҳар бир корхона иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши лозим. Шу туфайли ишда корхонанинг молиявий ва иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари биринчи марта кўтариб чиқилган. Бу масала ҳам назарий жиҳатдан тавсия қилиниши билан бирга амалий маълумотлар билан исбот қилинган.

Бозорли иқтисодиёт шароитида корхона иш фаоллигининг таҳлилига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки корхонанинг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги унинг иш фаоллигига боғлиқ. Аммо турли адабиётларда бу масала турлича ёритилган. Буни инобатга олиб корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларига алоҳида услуб билан илмий асосланган тарзда ёндашишга тўғри

келади. Бунда келтирилган далиллар фақат амалиёт ходимлари учун эмас, балки иқтисодий таҳлил назариясининг ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Таъкидланганидек, ишнинг учинчи бўлими корхонада молиявий натижалар таҳлилига бағишланган. Бунда корхонада молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Фойда таҳлили ва рентабеллик таҳлиллари алоҳида-алоҳида бобларда ёритилган. Ишнинг охирида савдо акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари келтирилган.

Ишнинг алоҳида хусусияти шундаки, унда ҳар бир кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар, уларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари аниқ маълумотлар ва рақамлар орқали ифодаланган. Буларнинг барчаси мантиқан кетмакет тарзда жадвал ва чизмаларда ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбомида молиявий таҳлилда қўлланиладиган деярли барча кўрсаткичлар, уларни баҳолаш, ҳисоблаш ва таҳлил қилиш йўллари бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Унда охирги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар инобатга олинган. Ишда, албатта, мунозарали томонларнинг бўлиши табиий. Шуни инобатга олиб, Сиз ҳурматли ўқувчилардан ҳолис таклиф ва тавсияларингизни кутамиз ва улар албатта ушбу ишнинг навбатдаги нашрларини такомиллаштиришга ёрдам беради деган умиддамиз.

Ушбу ишнинг 1.2, 1.3, 2.1, 2.3, 2.7, 2.14, 2.16-бобларини ёзишда Б. Исроилов, 2.10, 2.15-бобларида А. А. Абдиев, III бўлимини ёзишда Б. Исроилов, Д. Чориев, Р. Номозовлар, 3.4-бобини ёзишда Ш. У. Ҳайдаровлар иштирок этдилар.

Муаллифлар ушбу ишни тайёрлашда қимматли маслаҳатларини берган профессор И. Т. Аблукаримов ва доцент Ш. У. Ҳайдаровларга ўзларининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

I-бўлим

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ НАЗАРИЙ АСОСИ

1.1. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ, ШАКЛЛАРИ ВА МАҚСАДИ

* Бозорли иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг таркибий қисмлари
* Молиявий таҳлилнинг таркиби
* Молиявий таҳлилнинг мақсади ва асосий босқичлари
* Молиявий таҳлилнинг вазифалари
* Молиявий таҳлилнинг субъектлари
* Молиявий таҳлил субъектларининг мақсади ва манфаатлари
* Молиявий таҳлилнинг асосий шакллари
* Молия-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи
* Молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими
* Молия-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар матрицаси



* Бозорли иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг таркибий қисмлари

БОЗОРЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- Корхона молиявий натижалари ва молиявий ҳолатига умумий баҳо бериш
- Корхонанинг иқтисодий потенциали (салоҳияти) ҳолати ва самаралигига баҳо бериш ва унинг яхшиланиш йўлларини ишлаб чиқиш
- Корхонанинг молиявий салоҳиятининг ҳолати ва самарадорлигига баҳо бериш ва уларни яхшилаш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш
- Корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва уни мустаҳкамлаш йўлларини ишлаб чиқиш
- Корхона молия-хўжалик фаолиятига ташхис қўйиш, унинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигига баҳо бериш
- Корхонанинг ишдаги фаоллигига баҳо бериш ва иш фаоллигини ошириш чораларини ишлаб чиқиш
- Корхонанинг бозордаги фаоллигига баҳо бериш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш
- Корхонанинг тўловга қодирлигига (ликвидлигига) баҳо бериш ва банкротлигининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш



БОЗОРЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАНФААТЛАРИ

Таҳлил қилувчилар	Мақсади ва манфаатлари
1. Корхонани бошқарувчилар (менежерлар)	Молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигига баҳо бериш, ички имкониятларни топиш ва уларлан фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш эвазига корхонанинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини таъминлаш.
2. Акциядорлар ва бошқа инвесторлар	Ўзларн олядиган дивиденд миқдорини, акциянинг бозор баҳосини аниқлаш. Корхонанинг келгуси истиқболини билиш.
3. Солиқ идоралари	Солиқларнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ тўланганлигини текшириш.
4. Банк муассасалари, кредиторлар	Пул маблағлари ва бошқа кредит ресурсларинд аниқлаш, олинган кредитни ва бошқа мажбуриятларни тегишли фонзи билан тўлашга қодирлиги даражасини текшириш.
5. Статистика ва истиқболни белгилаш идоралари	Статистик жиҳатдан ҳисобга олиш ва умумлаштириш.
6. Товар жўнатувчилар	Жўнатиладиган товарлар учун тўлайдиган маблағи бор ёки йўқлигини билиш.
7. Товар олувчилар	Маҳсулот баҳосининг асослилиги, сифати андозага тўғрилиги, вақтида етказиб бера олишини билиш.



Молиявий таҳлилнинг асосий шакллари

КОРХОНАДА МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАСНИФИ (КЛАССИФИКАЦИЯСИ)

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ (СИСТЕМАСИ)

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИПК и ЛП
№ У2333

МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР МАТРИЦАСИ

Кўрсаткичлар аҳамияти / Кўрсаткичлар сўралади	Маҳсулот ҳажми (М)	Фойда (Ф)	Асосий воситалар (Ав)	Айланма маблағлар (Ам)	Ходимлар сони (Х)	Капиталнинг умумий қиймати (К)
Маҳсулот ҳажми (М)	0	М/Ф	М/Ав	М/Ам	М/Х	М/К
Фойда (Ф)	Ф/М	0	Ф/Ав	Ф/Ам	Ф/Х	Ф/К
Капиталнинг умумий қиймати (К)	К/М	К/Ф	К/Ав	К/Ам	К/Х	0
Асосий воситалар (Ав)	Ав/М	Ав/Ф	0	Ав/Ам	Ав/Х	Ав/К
Айланма маблағлар (Ам)	Ам/М	Ам/Ф	Ам/Ав	0	Ам/Х	Ам/К
Ходимлар сони (Х)	Х/М	Х/Ф	Х/Ав	Х/Ам	0	Х/К

1.2. ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

Ушбу бобда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган анъанавий усуллар назарий ва амалий жиҳатдан кенгроқ ҳолда қаралади.

- Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар таснифи
- Солиштириш усули
- Мувозанат усули
- Қайта ҳисоблаш усули
- Занжирли алмаштириш усули
- Индекс усули
- Фарқли усул
- Интеграл усул
- Нисбий кўрсаткичли усул
- Кичик сонлардан фойдаланиш усули

СОЛИШТИРИШ УСУЛИ

Солиштириш усулида бир-бири билан миқдорлар солиштирилади. Булар учга бўлинади:



ЎРТАЧА МИҚДОРЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Таҳлилда кўп қўлланиладиган айрим ўртача миқдорлар



ЎРТАЧА ГАРМОНИК УСУЛ



Бунда: $\overline{X}$ — ўртача миқдор;
n — ўртача аниқланаётган кўрсаткичлар сони;
x — ўртачани аниқлашга киритилган кўрсаткич;
$\frac{1}{x}$ — ўртачани аниқлашга киритилган кўрсаткичнинг тескари миқдори;
ω — кўрсаткичнинг салмоғи.

Маҳсулот тури	Ялпи маҳсулот, ц	Ҳосилдорлик
А	110	22
Б	650	26
В	600	30
Жами	1360	x

Ўртача ҳосилдорлик ушбу йўл билан қуйидагича аниқланади:

$$X = \frac{110 + 650 + 600}{\frac{110}{22} + \frac{650}{26} + \frac{600}{30}} = \frac{1360}{5 + 25 + 20} = \frac{1360}{50} =$$

27,2 центнер

Бир гектар ернинг ўртача ҳосилдорлиги 27,2 центнерни ташкил қилади.

ЎРТАЧА ХРОНОЛОГИК УСУЛ



$$\overline{y} = \frac{\frac{1}{2} y_1 + y_2 + \ldots + \frac{1}{2} y_n}{n - 1}$$

$$\overline{y} = \frac{\Sigma y}{n}$$

$$\overline{y} = \frac{(y_1 + y_2)t_1 + (y_2 + y_3)t_2 + \ldots + (y_{n-1} + y_n) \times t_{n-1}}{2\Sigma t}$$

$$\overline{y} = \frac{\Sigma yt}{\Sigma t}$$

Бунда: $\overline{y}$ — ўртача миқдор;
y — динамик қатордаги кўрсаткич миқдори;
n — динамик қатор сони;
t — динамик қаторни ифодалайдиган вақт;
Σ — жамлаш белгиси.

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ МУВОЗАНАТ УСУЛИ БИЛАН ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Товар мувозанати

$Бк + Кт = С + Хч + Ок$

Натижа ва омиллар боғлиқлиги

$С = Бк + Кт - Хч - Ок$

Биринчи омил таъсири

$\Delta Сбк = Бк^{Х} - Бк^{Р}$

Иккинчи омил таъсири

$\Delta Скт = Кт^{Х} - Кт^{Р}$

Учинчи омил таъсири

$\Delta Схч = Хч^{Х} - Хч^{Р}$

Тўртинчи омил таъсири

$\Delta Сок = О_{К}^{Х} - О_{К}^{Р}$

Барча омиллар таъсири

$\Delta С = Сбк \pm Скт \pm Схч \pm Сок$

1-жадвал

Товар оборотн ҳажмининг ўзгаришига товар мувозанати кўрсаткичлари билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳисоботда	Фарқи (+, −)	Омиллар таъсири
1. Товар захираларининг бошланғич қолдиғи (Зйб)	648.0	641.8	−6.2	−6.2
2. Келиб тушган товарлар (Кт)	3069.8	3176.1	+106.3	+106.3
3. Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетиши (Хч)	0,4	0.3	−0.1	+0.1
4. Товар захираларининг охирги қолдиғи (Зох)	695.9	698.9	+3.0	−3.0
5. Товар оборотн (С)	3021.5	3118.7	+97.2	х

Товар обороти 97,2 минг сўмга ошган. Бунга тўртта омил таъсир қилган.

1. Товар захираларининг 6,2 минг сўмга кам бўлганлиги товар оборотини ҳам 6,2 минг сўмга камайтирган:
$641,8 - 648,0 = -6,2$

2. Келиб тушган товарларнинг 106,3 минг сўмга ошганлиги товар оборотини шу миқдорга кўпайтирди:
$3176,1 - 3069,8 = +106,2$

3. Товарларнинг ҳар хил чиқиб кетишининг 0,1 минг сўмга камайиши товар оборотини 0,1 минг сўмга кўпайтирган:
$0,4 - 0,3 = +0,1$

4. Товар захираларининг охирги қолдиғи режага нисбатан 3,0 минг сўмга кўп қолган. Бу товар оборотини 3,0 минг сўмга камайтирган:
$695,9 - 698,9 = -3,0$

5. Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:
$-6,2 + 106,3 + 0,1 - 3,0 = +97,2$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

$$Н = О_1 \times О_2$$

бунда: Н — натижа;
О — омиллар

$$\Delta Н = Н^{Х} - Н^{Ў} = (О_1^{Х} \times О_2^{Х}) - (О_1^{Ў} \times О_2^{Ў})$$

бунда: Х — ҳақиқий;
Ў — ўтган давр

Қайта ҳисобланган натижа:

$$Нқҳ = О_1^{Х} \times О_2^{Ў}$$

Натижанинг биринчи омил эвазига ўзгариши:

$$\Delta Но_1 = Нқҳ - Н^{Ў} = (О_1^{Х} \times О_2^{Ў}) - (О_1^{Ў} - О_2^{Ў})$$

Натижанинг иккинчи омил эвазига ўзгариши:

$$\Delta Но_2 = Н^{Х} - Нқҳ = (О_1^{Х} \times О_2^{Х}) - (О_1^{Х} \times О_2^{Ў})$$

Натижага барча омиллар таъсири:

$$\Delta Н = \Delta Но_1 \pm \Delta Но_2$$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ ЧИЗМАСИ



Товар оборoти ҳажмига асосий капитал ва улар самарадорлигининг таъсирини қайта ҳисоблаш усулини қўллаб аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+, −)		
				жами	АК эвазига	КС эвазига
Товар оборoти, минг сўм	42850.0	44520.0	42636.3	+1670.0	−213.7	+1883.7
Асосий капиталнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	26664.5	26531.6	26531.6	−132.9	X	X
Асосий капиталнинг самарадорлиги, сўм (1қ : 2қ)	1.607	1.673	1.607	+0.071	X	X

Натижа 1670,0 минг сўмга ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Асосий капитал ўртача йиллик қийматининг 132,9 минг сўмга камайиши товар оборoти ҳажмини 213,7 минг сўмга камайтирди:

$$42636{,}3 - 42850{,}0 = -213{,}7$$

2. Асосий капитал самарадорлигининг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 7,1 тийинга ошганлиги товар оборoти ҳажмини 1883,7 минг сўмга кўпайтирди:

$$44520{,}0 - 42636{,}3 = +1883{,}7$$

Шу икки омил таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$-213{,}7 + 1883{,}7 = +1670{,}0$$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

$$H = O_1 \times O_2 \times O_3 \times O_4 = \prod_{i=1}^{4} O_i$$

бунда: H — натижа;
O — омиллар;
i = 1, 2, 3, ..., n, (i=1,n)
П — натижа билан омиллар ўртасида боғлиқликнинг кўпайтириш бўлганда қўлланиладиган белги.

Натижага биринчи омил таъсири:

$$\Delta Ho_1 = Ho_1 - H^P = \left(O_1^X \times O_2^P \times O_3^P \times O_4^P\right) - H^P$$

Натижага иккинчи омил таъсири:

$$\Delta Ho_2 = Ho_2 - Ho_1 = \left(O_1^X \times O_2^X \times O_3^P \times O_4^P\right) - Ho_1$$

Натижага учинчи омил таъсири:

$$\Delta Ho_3 = Ho_3 - Ho_2 = \left(O_1^X \times O_2^X \times O_3^X \times O_4^P\right) - Ho_2$$

Натижага туртинчи омил таъсири:

$$\Delta Ho_4 = Ho_4 - Ho_3 = \left(O_1^X \times O_2^X \times O_3^X \times O_4^X\right) - Ho_3$$

$$\Delta H = \Delta Ho_1 \pm \Delta Ho_2 \pm \Delta Ho_3 \pm \Delta Ho_4$$

ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИНИНГ ЧИЗМАДА КЎРИНИШИ



Натижага 3 та омил таъсир қилганда:

$$H^P = O_1^P \times O_2^P \times O_3^P$$



Натижанинг биринчи омил эвазига ўзгариши:

$$Ho = O_1^X \times O_2^P \times O_3^P$$
$$\Delta Ho = Ho_1 - H^P$$



Натижанинг иккинчи омил эвазига ўзгариши:

$$Ho_2 = O_1^X \times O_2^X \times O_3^P$$
$$\Delta Ho_2 = Ho_2 - Ho_1$$



Натижанинг учинчи омил эвазига ўзгариши:

$$Ho_3 = O_1^X \times O_2^X \times O_3^X$$
$$\Delta Ho_3 = Ho_3 - Ho_2$$

5-жадвал

Натижага омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули ёрдамида ҳисоблаш йўллари

Кўрсаткичлар	Белгиси	Режада	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштириш		
				1	2	3
1. Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши	X	Xo	X1	X1	X1	X1
2. Ҳар бир ходимга тўғри келадиган иш куни, кун	K	Ko	K1	Ko	K1	K1
3. Ходимларнинг ўртача бир кунлик меҳнат унуми,юргизги, сўм	M	Mo	M1	Mo	Mo	M1
4. Товар оборати, минг сўм	T	To	T1	Tx	Tк	Tм

Натижа ўзгариши $\Delta T = T_1 - To$

Натижага биринчи омил таъсири
$\Delta Tx = Tx - To$

Натижага иккинчи омил таъсири
$\Delta Tк = Tк - Tx$

Натижага учинчи омил таъсири
$\Delta Tм = Tм - Tк$

Натижага барча омиллар таъсири
$\Delta T = \Delta Tx + \Delta Tк + \Delta Tм$

6-жадвал

Чакана товар оборотига аҳолининг сони ва уларнинг пул даромади билан боғлиқ бўлган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш йўллари

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштириш		
			1	2	3
Аҳолининг ўртача йиллик сони, киши	50265	50986	50986	50986	50986
Битта аҳолига тўғри келадиган ўртача пул даромади, сўм	778.2	781.6	778.2	781.6	781.6
Аҳоли пул даромадининг товар оборoти билан қамраш даражаси, %	72.5	76.4	72.5	72.5	76.4
Чакана товар оборoти, минг сўм	28359.3	30445.9	28766.0	28891.7	30445.9

Натижа ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилган

1. Аҳолининг ўртача йиллик сонининг 721 кишига ошганлиги товар оборoти ҳажмини 406,7 минг сўмга кўпайтирди.

$$28766{,}0 - 28359{,}3 = +406{,}7 \text{ минг сўм}$$

2. Аҳолининг ўртача пул даромадининг 3,4 минг сўмга ошганлиги товар оборотини 125,7 минг сўмга кўпайтирди.

$$28891{,}7 - 28766{,}0 = +125{,}7 \text{ минг сўм}$$

3. Пул даромадининг қамралиш даражасининг 3,9% ошганлиги товар оборотини 1554,2 минг сўмга кўпайтирди.

$$30445{,}9 - 28891{,}7 = +1554{,}2 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$406{,}7 + 125{,}7 + 1554{,}2 = +2086{,}6 \text{ минг сўм}$$

НАТИЖА БИЛАН ОМИЛЛАР ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК КАСРЛИ БЎЛГАНДА ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

$$H = \frac{O_1 \times O_2}{O_3}$$

Биринчи омил таъсири

$$\Delta Ho_1 = \frac{O_1^X \times O_2^P}{O_3^P} - \frac{O_1^P \times O_2^P}{O_3^P}$$

Иккинчи омил таъсири

$$\Delta Ho_2 = \frac{O_1^X \times O_2^X}{O_3^P} - \frac{O_1^X \times O_2^P}{O_3^P}$$

Учинчи омил таъсири

$$\Delta Ho_3 = \frac{O_1^X \times O_2^X}{O_3^X} - \frac{O_1^X \times O_2^X}{O_3^P}$$

Барча омиллар таъсири

$$\Delta H = \Delta Ho_1 \pm \Delta Ho_2 \pm \Delta Ho_3$$

7-жадвал

Рентабеллик даражасига фойда, асосий ва айланма капиталлар ўзгаришининг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Занжирли алмаштириш		
			1	2	3
1. Фойда, минг сўм	51.7	62.7	62.7	62.7	62.7
2. Асосий капиталнинг ўртача қиймати, минг сўм	985.6	997.2	985.6	997.2	997.2
3. Айланма капиталнинг ўртача қиймати, минг сўм	245.0	231.5	245.0	245.0	231.5
4. Рентабеллик даражаси, % [1қ : (2қ + 3қ) × 100]	4.20	5.10	5.10	5.05	5.10

Натижага қуйидаги омиллар таъсир қилган

1. Фойда суммасининг 11,0 минг сўмга кўпайиши рентабеллик даражасини 0,9% га оширган

$$5{,}10 - 4{,}20 = +0{,}9\%$$

2. Асосий капиталнинг ўртача йиллик қийматининг 11,2 минг сўмга ошганлиги натижани 0,05% камайишига олиб келган

$$5{,}05 - 5{,}10 = -0{,}05\%$$

3. Айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати 13,5 минг сўмга камайганлиги рентабеллик даражасини 0,05% га оширган

$$5{,}10 - 5{,}05 = +0{,}05\%$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0{,}9 - 0{,}05 + 0{,}05 = +0{,}9\%$$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ИНДЕКС УСУЛИ БИЛАН ҲИСОБЛАШ

$$Н = О_1 \times О_2 \times О_3$$

Бунда: Н — натижа;
О — омиллар

$$Н = \frac{О_1^Х \times О_2^Х \times О_3^Х}{О_1^Р \times О_2^Р \times О_3^Р} \qquad Iн = i_{о_1} \times i_{о_2} \times i_{о_3}$$

Натижага биринчи омил таъсири:

$$\Delta Но_1 = Н^Р i_{о_1} - Н^Р$$

Натижага иккинчи омил таъсири:

$$\Delta Но_2 = (Н^Р \times i_{о_1} \times i_{о_2}) - (Н^Р \times i_{о_1})$$

Натижага учинчи омил таъсири:

$$\Delta Но_3 = (Н^Р \times i_{о_1} \times i_{о_2} \times i_{о_3}) - (Н^Р \times i_{о_1} \times i_{о_2})$$

Натижанинг умумий ўзгариши барча омиллар таъсирига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Н = \Delta Но_1 \pm \Delta Но_2 \pm \Delta Но_3$$

$$\Delta Но_1 = \frac{О_1^Х \times О_2^Р \times О_3^Р}{О_1^Р \times О_2^Р \times О_3^Р} \qquad \Delta Но_2 = \frac{О_1^Х \times О_2^Х \times О_3^Р}{О_1^Х \times О_2^Р \times О_3^Р}$$

$$\Delta Но_3 = \frac{О_1^Х \times О_2^Х \times О_3^Х}{О_1^Х \times О_2^Х \times О_3^Р}$$

Пойабзал маҳсулоти бўйича товар оборотига таъсир қилувчи кўрсаткичларнинг индивидуал индексларини аниқлаш йўли билан омиллар таъсирини ҳисоблаш усули

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Индивидуал индекслар
1. Аҳолининг сони, минг киши (з)	10.4	10.9	+0.5	1.048
2. Ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси, жуфт (и)	2.6	2.9	+0.3	1.115
3. Ўртача баҳоси, сўм (р)	36.2	37.4	+1.2	1.034
4. Пойабзал маҳсулоти бўйича товар оборати, минг сўм (Q)	978.8	1182.2	+203.4	1.208

Умумий индекс индивидуал индекслар кўпайтмасига тенг:

$$Jq = Iз \times Iи \times Ip = 1{,}048 \times 1{,}115 \times 1{,}034 = 1{,}208$$

1. Аҳоли сонининг 0,5 минг кишига ошганлиги пойабзал маҳсулоти бўйича товар оборотини 47,0 минг сўмга кўпайтирган.

$$\Delta Qз = (978{,}8 \times 1{,}048) - 978{,}8 =$$
$$= 1025{,}8 - 978{,}8 = +47{,}0 \text{ минг сўм}$$

2. Аҳолининг ўртача жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражасининг 0,3 жуфтга ошганлиги натижани 118,0 минг сўмга кўпайтирган.

$$\Delta Qи = (978{,}8 \times 1{,}048 \times 1{,}115) - 1025{,}8 =$$
$$= 1143{,}8 - 1025{,}8 = +118{,}0 \text{ минг сўм}$$

3. Ўртача баҳонинг 1,2 сўмга кўпайганлиги натижани 38,4 минг сўмга оширган.

$$\Delta Qp = 1182{,}2 - 1143{,}8 = +38{,}4 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$47{,}0 + 118{,}0 + 38{,}4 = +203{,}4 \text{ минг сўм}$$

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдори ва баҳосининг таъсирини индекс усули билан аниқлаш

Маҳсулот турлари	Миқдори, дона		Баҳоси, сўм		Маҳсулот ҳажми	
	режада	ҳақиқатда	режада	ҳақиқатда	режада	ҳақиқатда
А	450	500	15	16	6750	8000
Б	230	235	8	6	1840	1410
В	670	710	7	9	4690	6390
Жами	x	x	x	x	13280	15800

Режанинг бажарилиш индекси $= \frac{15800}{13280} = 1{,}190$ ёки 119,0%

Натижанинг умумий фарқи 15800 − 13280 = +2520 сўм

Натижа ўзгаришига маҳсулот физик ҳажмининг таъсири

$$\frac{(500 \times 15) + (235 \times 8) + (710 \times 7)}{13280} = \frac{14350}{13280} = 1{,}081 \text{ ёки } 108{,}1\%$$

ёки 14350 − 13280 = +1070 сўм

Натижанинг ўзгаришига баҳонинг таъсири

$$= \frac{15800}{14350} = 1{,}101 \text{ ёки } 110{,}1\%$$

ёки 15800 − 14350 = +1450 сўм

Натижанинг умумий индекси шу икки омил индексига тенг:

$$1{,}081 \times 1{,}101 = 1{,}190$$

Натижанинг умумий фарқи шу икки омил фарқига тенг:

$$1070 + 1450 = +2520 \text{ сўм}$$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ФАРҚЛИ УСУЛ БИЛАН ҲИСОБЛАШ

$$H = O_1 \times O_2 \times O_3$$

Бунда: H — натижа;
O — омиллар

Натижанинг ўзгариши:

$$\Delta H = H^{x} - H^{ў} = \left(O_1^{x} \times O_2^{x} \times O_3^{x}\right) - \left(O_1^{ў} \times O_2^{ў} \times O_3^{ў}\right)$$

Бунда: х — ҳақиқий миқдор;
ў — ўтган даврдаги миқдор

Натижанинг биринчи омил эвазига ўзгариши:

$$\Delta Ho = \left(O_1^{x} - O_1^{ў}\right) \times O_2^{ў} \times O_3^{ў}$$

Натижанинг иккинчи омил эвазига ўзгариши:

$$\Delta Ho = O_1^{x} \times \left(O_2^{x} - O_2^{ў}\right) \times O_3^{ў}$$

Натижанинг учинчи омил эвазига ўзгариши:

$$\Delta Ho = O_1^{x} \times O_2^{x} \times \left(O_3^{x} - O_3^{ў}\right)$$

Барча омиллар таъсири:

$$\Delta H = \Delta Ho_1 \pm \Delta Ho_2 \pm \Delta Ho_3$$

Товар оборотининг ўзгаришига савдо шохобчалари, уларнинг савдо майдони ва самарадорлигининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)
1. Савдо шохобчалари сони, бирликда	128	130	+2
2. Битта савдо шохобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдони, кв.м	4.1	4.5	+0.4
3. Бир кв.м савдо майдонига тўғри келадиган товар оборoти, минг сўм	47.34	45.17	−2.17
4. Товар обороти, минг сўм (1қ × 2қ × 3қ)	24844.0	26424.5	+1580.5

Натижанинг 1580,5 минг сўмга кўпайганлиги қуйидаги омиллар эвазига амалга ошган:

1. Савдо шохобчалари сонининг иккитага кўпайганлиги товар оборотини 388,2 минг сўмга кўпайтирган.

$$2 \times 4,1 \times 47,34 = +388,2 \text{ минг сўм}$$

2. Битта савдо шохобчасига тўғри келадиган ўртача савдо майдонининг 0,4 кв. м га кўпайиши товар оборотини 2461,9 минг сўмга оширган.

$$130 \times 0,4 \times 47,34 = +2461,8 \text{ минг сўм}$$

3. Савдо майдони самарадорлигининг 2,17 минг сўм камайганлиги товар оборотини 1268,5 минг сўмга камайтирди.

$$130 \times 4,5 \times (-2,17) = -1269,5 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг.

$$388,2 + 2461,8 - 1269,5 = +1580,5 \text{ минг сўм}$$

Товар оборотя ҳажмига ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони ва меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақи-қатда	Фарқи (+, −)		
			жами	ходим-лар сони	меҳнат унум-дорлиги
1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сони, кишн	8038	8057	+19	X	X
2. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	6282.0	6365.5	+83.5	X	X
3. Товар оборотн, минг сўм (1қ × 2қ)	50495	51287	+792.0	+119.3	+672.7

Товар оборотн, яъни натижа ҳисобот йилида 792,0 минг сўмга кўпайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган

1. Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сонининг 19 кишига кўпайгани натижани 119,3 минг сўмга кўпайтирган.

$$19 \times 6282{,}0 = +119{,}3 \text{ минг сўм}$$

2. Меҳнат унумдорлигининг 83,5 минг сўмга ошганлиги товар оборотини 672,7 минг сўмга кўпайтирган.

$$8057 \times 83{,}5 = +672{,}7 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши мумкин:

$$119{,}3 + 672{,}7 = +792{,}0 \text{ минг сўм}$$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ИНТЕГРАЛ УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

$$H = O_1 + O_2$$

Натижа ўзгаришига биринчи омил таъсирини аниқлаш

$$\Delta Ho_1 = \Delta O_1 \times O_2^P + \frac{\Delta O_1 \times \Delta O_2}{2}$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омил таъсирини аниқлаш

$$Ho = \Delta O_2 \times O_1^P + \frac{\Delta O_1 \times \Delta O_2}{2}$$



ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ИНТЕГРАЛ УСУЛ БИЛАН ҲИСОБЛАШ

$$H = O_1 \times O_2$$

Бунда: H — натижа
O — омиллар



Бизнес режада

$$H^P = O_1^P \times O_2^P$$



Ҳақиқий натижа

$$H^X = O_1^X \times O_2^X$$

$$O_1^X = O_1^P + \Delta O_1, \quad O_2^X = O_2^P + \Delta O_2$$



Натижага биринчи омил таъсири

$$\Delta Ho_1 = \Delta O_1 \times O_2^P + \frac{\Delta O_1 \times \Delta O_2}{2}$$



Натижага иккинчи омил таъсири

$$\Delta Ho_2 = \Delta O_2 \times O_1^P + \frac{\Delta O_1 \times \Delta O_2}{2}$$

Ялпи маҳсулотга асосий фондлар ва улар самарадорлигининг таъсирини интеграл усулда аниқлаш

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+, −)
Ялпи маҳсулот, минг сўм	М	43420	45850	+2430
Асосий саноат ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	АФ	47115	47825	+710
Фондлар самарадорлиги (бир сўм фондга тўғри келадиган товар маҳсулоти), тийин	ФС	92.16	95.87	+3.71

Ялпи маҳсулотнинг 2430 минг сўмга ўзгариши икки омил таъсирида амалга ошган.

1. Асосий фондлар ўртача йиллик қийматининг 710 минг сўмга кўпайганлиги эвазига натижа 668,5 минг сўмга ошган

$$\Delta Мф = 710 \times 92,16 + \frac{710 \times 3,71}{2} = +668,51 \text{ минг сўм}$$

2. Асосий фондлар самарадорлигининг 3,71 тийинга кўпайганлиги эвазига натижа 1761,5 минг сўмга ошган

$$\Delta Мфс = 3,71 \times 47115 + \frac{710 \times 3,71}{2} = +1761,5 \text{ минг сўм}$$

Умумий натижа шу икки омил таъсирига тенг:

668,5 + 1761,5 = +2430,0 минг сўм

Товар захиралари айланиш тезлигига таъсир этувчи омилларни интеграл усул билан ечиш йўллари

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+, −)
1. Савдо зали ходимларининг меҳнат унумдорлиги, минг сўм	X1	120.5	122.1	+1.6
2. Савдо зали ходимларининг умумий ходимлардаги улуши, %	X2	65.2	63.4	1.8
3. Товар захираларининг ходимлар билан таъминланганлиги, киши	X3	40.5	42.1	+1.6
4. Товар захираларининг айланиш тезлиги, марта (1қ × 2қ × 3қ)	У	3.18	3.26	+0.08

Натижанинг кўпайишига меҳнат унумдорлигининг таъсири 0,05 мартага тенг.

$$\Delta Ух_1 = 1/2 \times 1,6 \times (65,2 \times 42,1 + 63,4 \times 40,5) + + 1/3 \times 1,6\ (-1,8) \times 1,5 = +4828,7 \text{ ёки } 0,05 \text{ марта}$$

Натижа ўзгаришига савдо зали ходимлари улушининг камайганлиги уни 0,09 марта камайтирган

$$\Delta Ух_2 = 1/2 \times (-1,8) \times (120,5 \times 42,1 + 122,1 \times 40,5) + + 1/3 \times 1,6 \times (-1,8) \times 1,5 = -9017,7 \text{ ёки } 0,09 \text{ марта}$$

Учинчи омилнинг 1,5 кишига ошиши натижани 0,12 мартага кўпайтирган.

$$\Delta Ух_3 = 1/2 \times 1,5 \times (120,5 \times 63,4 + 122,1 \times 65,2) + + 1/3 \times 1,6 \times (-1,8) \times 1,5 = 11699,0 \text{ ёки } 0,12 \text{ марта}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0,05 - 0,09 + 0,12 = +0,08 \text{ марта}$$

ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛИ УСУЛ БИЛАН ҲИСОБЛАШ

$$Н = О_1 \times О_2$$

Бунда: Н — натижа
О — омиллар

Натижага биринчи омил таъсири

$$\Delta Но = \frac{\Delta О_1^{\%} \times 100}{\Delta Н^{\%}}$$

Натижага иккинчи омил таъсири

$$\Delta Но = 100 - \frac{\Delta О_1^{\%} \times 100}{\Delta Н^{\%}}$$

Масалан:

Натижа 10% ўсди. Биринчи омил 3% ($\Delta О_1 = 3\%$), иккинчи омил 7% ($\Delta О_2 = 7\%$) ўсди. У ҳолда натижа биринчи омил эвазига 30% ошди:

$$1.\ \Delta Но_1 = \frac{3 \times 100}{10} = 30\%$$

Иккинчи омил эвазига эса 70% ошганлигини кўрамиз:

$$2.\ \Delta Но = 100 - 30 = 70\%$$

Барча омиллар таъсири 100%

$$30 + 70 = 100\%$$

Нисбий миқдордан фойдаланиш усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўсиш суръати, %
1. Ялпи маҳсулот, минг сўм (Q)	29450	30245	102.7
2. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши (И)	1980	2010	101.5
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (МУ)	14.9	15	100.7

Натижа 2,7% ошган. Бунга иккита омил таъсир қилган.

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сонининг 1,5% кўпайганлиги натижа ўсиш суръатининг 55,6% ни ташкил қилади.

$$\Delta Ми = \frac{1,5 \times 100}{2,7} = 55,6\%$$

2. Меҳнат унумдорлигининг 0,7% ошганлиги натижа ўсиш суръатининг 44,4% ни ташкил қилади.

$$\Delta Мму = 100 - 55,6 = 44,4\%$$

КИЧИК СОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛИ

Ушбу усул корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни ахтариб топишда, режа бажарилиши, ўсиш суръати каби кўрсаткичларнинг маромийлигини аниқлашда қўлланилади.

Ушбу усулда бир қанча кўрсаткичлар жамланади. Натижани солиштириш учун эса режа ёки ҳақиқатдаги кичик сон олинади.

Ички имконият қуйидагича топилади:

Ички имконият = Режа миқдори йиғиндиси — Кичик сонлар йиғиндиси

Маромийлик коэффициенти қуйидагича ҳисобланади.

$$Км = \frac{\text{кичик сонлар йиғиндиси}}{\text{режа миқдори йиғиндиси}}$$

Фирма шуғулланаётган фаолият бўйича молиявий натижанинг ҳолати

(сўмда)

Фаолият турлари	Сотиш қиймати	Тан нархи (харажатлари)	Фойда (зарар)	Ҳисобланган энг кам харажати (таннархи)
1. Кийим тикиш	48530	41371	7159	41371
2. Мева шарбати ишлаб чиқариш	22450	23542	−1092	22450
3. Савдо	51230	56213	−4983	51230
4. Маиший хизмат	4150	3186	964	3186
5. Биноларни таъмирлаш	11342	10111	1231	10111
Жами	137703	134423	3280	128348

Ҳақиқий таннарх билан зарарни инобатга олмагандаги таннарх ўртасидаги фарқ

$$134423 - 128348 = +6075 \text{ сўм}$$

Агар шу иккита маҳсулот бўйича зарар кўрилмаганда, фирманинг умумий фойдаси 3280 сўм эмас, балки 9355 сўм бўлар эди.

$$3280 + 6075 = 9355 \text{ сўм}$$

У ҳолда фойданинг сотилган маҳсулотга нисбати 2,38% эмас, балки 6,79% ни ташкил қилар эди. Бу 2,9 марта кўпдир. (6,79 : 2,38).

$$\frac{3280}{137703} \times 100 = 2{,}38\% \qquad \frac{9355}{137703} \times 100 = 6{,}79\%$$

Фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бизнес режасининг бажарилиши

(минг сўм)

Маҳсулот турлари, номлари	Режада	Ҳақиқатда	Режа ва ҳақиқатдаги кичик сонлар	Режанинг бажарилиши
Ўсимлик ёғи	5000	5000	5000	100.0
Совун	6000	6100	6000	101.7
Кунжара	7000	6800	6800	97.1
Сариёғ	4000	4150	4000	103.8
Жами	22000	22050	21800	100.2

Умумий режа 109,3% бажарилган

$$\frac{22050}{22000} \times 100 = 100{,}2$$

Кунжара ишлаб чиқариш 2,9% га (100 − 97,1) кам бажарилганлиги умумий режа бажарилишини 0,9% га камайтирган.

$$\left(\frac{5000 + 6100 + 7000 + 4150}{22000} \times 100\right) - 100{,}2 =$$

$$= \left(\frac{22250}{22000} \times 100\right) - 100{,}2 - 101{,}1 - 100{,}2 = 0{,}9\%$$

Режа бажарилишининг маромийлиги 99,1% ни ташкил қилади.

$$\frac{21800}{22000} \times 100 = 99{,}1\%$$

1.3. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АХБОРОТ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛГА ТАЙЁРЛАШ

Ушбу бобда молиявий ҳисоботлари, хусусан бухгалтерия баланси маълумотларининг шакллашиши, тузилиш тартиби, тамойиллари, таркиби, уни иқтисодий ўқиш ва ташхис қўйишнинг методологик асоси ва таҳлил қилиш учун бухгалтерия балансини ихчамлаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

Булар қуйидаги мавзуларда ўз ифодасини топган.

- ★ Корхона ҳисоботининг тузилиши ва ундан таҳлил учун фойдаланиш
- ★ Ҳисоботни тузиш ва фойдаланишда қўлланиладиган тамойиллар
- ★ Бухгалтерия баланси таркиби
- ★ Бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги
- ★ Корхонанинг бухгалтерия баланси
- ★ Бухгалтерия баланси актив қисмини таҳлилга мослаштириб гуруҳлаш
- ★ Бухгалтерия баланси пассив қисмини таҳлилга мослаштириб гуруҳлаш
- ★ Ўз маблағлари ҳолати бўйича иқтисодий ташхис қўйиш
- ★ Четдан жалб қилинган маблағлар ҳолати бўйича иқтисодий ташхис қўйиш
- ★ Узоқ муддатли активлари бўйича иқтисодий ташхис қўйиш
- ★ Оборот активлари бўйича иқтисодий ташхис қўйиш

КОРХОНА ҲИСОБОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЧИЗМАСИ



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ВА ФОЙДАЛАНИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТАМОЙИЛЛАР



Корхона хўжалик фаолиятига иқтисодий ташхис қўйишда қўлланиладиган молиявий ҳисоботлар тизими

Мулк шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга 1997 йилдан йиллик (чораклик) ҳисобот учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сон буйруғи билан қуйидаги ҳисобот шакллари тавсия қилинган.



Корхона хўжалик фаолиятига иқтисодий ташхис қўйишда қўлланиладиган статистик ҳисоботлар

Статистик ҳисоботлар ҳам мулк шаклидан қатъи назар «Давлат статистика тўғрисида»ги Қонунга биноан барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ва тақдим этилади. Ҳисоботларнинг янги шакллари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги (олдинги «Ўзинстиқболстат» давлат қўмитаси) томонидан 1996 йил 7 октябрида 23-сонли қарори билан тасдиқланган. Буларга қуйидагилар киради:

1-НГС шакли. Кичик корхонанинг ҳисоботи		
I. Асосий кўрсаткичлар	II. Саноат	III. Капитал қурилиш
IV. Корхоналар автотранспорт фаолияти асосий кўрсаткичлари	V. Фан ва илмий хизматлар	VI. Пуллик хизматлар

4-ПЖ шакли. Пенсия жамғармаси маблағлари бўйича ҳисоб-китоб ведомости		
1. Пенсия жамғармасига бадаллар ҳисоблаб чиқарилаётган иш ҳақи умумий жамғармаси, барча турдаги рағбатлантириш ва мукофотлар кўпилган ҳолда	2. Жамғарма маблағлари бўйича ҳисоб-китоб	3. Пенсия жамғармаси маблағлари ҳаракатлари

1-П шакли. Меҳнат ҳисоботи	
I. Ишчилар сони ва меҳнат ҳақи	II. Ўринбосарлар миқдори, шўрбат шартномаси асосида ишлаётган ишчилар. Ишчи кучлари ҳаракати, бўш жойлари миқдори, нотўла бандлик

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИНГ ТАРКИБИ

АКТИВ	ПАССИВ
1. Узоқ муддатли активлар	1. Ўз маблағлари манбалари
1.1. Кўчмас мулк (асосий воситалар)	1.2. Низом жамғармаси
1.2. Номоддий фаолиятлар	1.2. Акциялар
1.3. Капитал қўйилмалар	1.3. Тақсимланмаган фойда
1.4. Узоқ муддатли инвестициялар, шўъба корхоналари ва уюшмаларидаги акция ва қарзлар	2. Мажбуриятлар
2. Айланма маблағлар (оборот активлари)	2.1. Узоқ муддатли мажбуриятлар
2.1. Моддий айланма маблағлар	2.2. Қисқа муддатли мажбуриятлар
2.2. Пул маблағлари	2.2.1. Шу жумладан қисқа муддатли кредитлар
2.3. Қимматли қоғозлар	2.3. Кредиторлар Шу жумладан:
2.4. Дебитор қарзлар	2.3.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар
	2.3.2. Бюджет бўйича қарзлар
Барча активлар	Барча пассивлар

Иқтисодий ташхис қўйишда ишлатилган белгилар ва уларнинг мазмуни

Ум.йб — Ўз маблағлари йил бошида;
Ум.йо — Ўз маблағлари йил охирида;
Ум — Ўз маблағлари суммаси;
Б — Барча активлар (пассивлар) ёки баланс суммаси;
Ав — Асосий воситалар;
Мх — Меҳнат ҳақи тўлаш бўйича қарзлар;
Ума — Узоқ муддатли активлар;
Ам — Айланма маблағлар;
Умм — Узоқ муддатли мажбуриятлар;
Чжм.йб — Четдан жалб қилинган маблағлар йил бошида;
Чжм.йо — Четдан жалб қилинган маблағлар йил охирида;
Чжм — Четдан жалб қилинган маблағлар;
Умчжм — Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар;
Кмчжм — Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар;
Д — Дебиторлар;
Кр — Кредиторлар;
Узам — Ўз маблағининг айланма маблағлардаги иштирок этган суммаси (айланма маблағлардаги ўз маблағи манбалари);
Чжм.ам — Айланма маблағлардаги четдан жалб қилинган маблағлар манбалари;
Пм — Пул маблағлари;
Ума.йб — Узоқ муддатли активлар йил бошида;
Ума.йо — Узоқ муддатли аткивлар йил охирида;
Оа — Оборот активлари;
Мам — Моддий айланма маблағлар;
Ичз — Ишлаб чиқариш захиралари;
Тич — Тугалланмаган ишлаб чиқариш;
Тм — Тайёр маҳсулотлар;
Ост — Олиб сотиладиган товарлар;
Вм — Валюта маблағлари;
Кпм — Кассадаги пул маблағлари.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Корхона балансининг таҳлил учун танланган кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик

Асосий воситалар (АВ)	+	Номоддий фаол-лар (НФ)	+	Узоқ муддатли қўйилмалар (Умк)	+	Моддий айланма маблағлар (Мам)	+	Дебиторлар (Д)	+	Пул маблағлари ва қиммат-ли қоғозлар (Пм)	=

=	Ўз маблағлари (Ум)	+	Четдан жалб қилинган узоқ муддатли мажбуриятлар (ЧжУм)	+	Четдан жалб қилинган қисқа муддатли мажбуриятлар (ЧжКм)	+	Кредиторлар (Кр)

Ушбу боғлиқликдан бухгалтерия балансини иқтисодий ўқиш ва ташхис қўйиш учун зарур бўлган жуда кўп кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Масалан, айланма маблағларнинг қопланиш манбалари:

$$(Мам+Д+Пм)-[(Ум+ЧжУм)-(Ав+Нф)]-(ЧжКм+Кр)$$

Бунда: (Мам + Д + Пм) — Айланма маблағларнинг қиймати (Ам);

[(Ум + ЧжУм) − (Ав + Нф)] Айланма маблағларнинг ўз маблағи ҳисобидан қопланган манбаи (Умап);

(ЧжКм + Кр) — Айланма маблағларнинг четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қопланган манбаи (Чжам)

Бу боғлиқликлар асосида бухгалтерия балансини юзаки бўлсада умумий тарзда иқтисодий ўқиш мумкин.

МАБЛАҒЛАР МАНБАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАНИШИ*



* И. Т. Абдукаримов тавсия қилган чизма.

1998 йил 1 январига корхона бухгалтерия балансининг қисқартирилган ҳолати

(минг сўм)

Актив	Йил боши	Йил охири	Пассив	Йил боши	Йил охири
I. Узоқ муддатли активлар			I. Ўз маблағлари манбалари		
1.1. Асосий воситалар (капитал)	4995	5300	1.1. Ўз маблағлари	2300	2200
а) эскириши	1500	1800	1.2. Акциялар	500	600
б) қолдиқ қиймати	3495	3500	1.3. Тақсимланмаган фойда	1315	1700
1.2. Номоддий фаолиятлар	215	230	Жами I бўлим	4115	4500
а) эскириши	25	30	II. Мажбуриятлар		
б) қолдиқ қиймати	190	200	2.1. Узоқ муддатли мажбуриятлар	2700	2700
Жами I бўлим	3685	3700	2.2. Қисқа муддатли мажбуриятлар (банк кредити ва бошқа қарзлар)	1000	850
II. Оборот активлари			2.3. Кредиторлар	940	1090
2.1. Молий айланма маблағлар	3000	2700	2.4. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар	300	330
2.2. Пул маблағлари ва бошқа активлар	2660	3300	2.5. Бюджет билан ҳисоб-китоблар	290	320
а) пул маблағлари	300	450	Жами II бўлим	5230	5200
б) дебиторлар	1900	2000			
в) қимматбаҳо қоғозлар	460	850			
Жами II бўлим	5660	6000			
Барча активлар	9345	9700	Барча пассивлар	9345	9700

КОРХОНА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ АКТИВ ҚИСМИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АЛОҲИДА БЎЛИМЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Бухгалтерия баланси бўлим ва моддалари номи	Баланснинг қайси қисмида ифодаланиши	Балансдаги қайси қаторда жойлашганлиги
I. Узоқ муддатли активлар	Баланс актив қисмининг I бўлими	010-310
1.1. Кўчмас мулк (асосий воситалар)	Баланснинг актив қисми, I бўлимида	010-012
1.2. Номоддий фаоллар	Баланснинг актив қисми, I бўлимида	020-022
1.3. Капитал қўйилмалар	Баланснинг актив қисми, I бўлимида	030
1.4. Узоқ муддатли инвестициялар, шўъба корхоналари ва уюшмалардаги акция ва қарзлар	Баланснинг актив қисми, I бўлимида	040-100
II. Айланма маблағлар	Баланснинг актив қисми II бўлимда	120-300
2.1. Моддий айланма маблағлар	Баланснинг актив қисми II бўлимида	120-160
2.2. Пул маблағлари	Баланснинг актив қисми II бўлимида	170-200
2.3. Қимматли қоғозлар	Баланснинг актив қисми II бўлимида	210
2.4. Дебитор қарзлар	Баланснинг актив қисми II бўлимида	220-290
Барча активлар	Баланс актив қисмининг жами	310

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ АКТИВ ҚИСМИНИ ТАҲЛИЛГА МОСЛАШТИРИБ ГУРУҲЛАШ

Тартиб рақами	Баланснинг актив моддалари	Давр бошида		Давр охирида		Фарқи (+,–)		Ўзгариш суръати, %
		суммаси, минг сўмда	таркиби, %	суммаси, минг сўмда	таркиби, %	суммаси, минг сўмда	таркиби, %	
1.	Асосий воситалар	3495	37,4	3500	36,1	+5	–1,3	100,1
2.	Номоддий фаоллар	190	2,0	200	2,1	+10	+0,1	105,3
3.	Айланма маблағлар	5660	60,6	6000	61,8	+340	+1,2	106,0
3.1.	Моддий айланма маблағлар	3000	32,1	2700	27,8	–300	–4,3	90,0
3.2.	Пул маблағлари ва бошқа активлар	2660	28,5	3300	34,0	+640	+5,5	124,1
	Барча активлар	9345	100,0	9700	100,0	+355	×	103,8

КОРХОНА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ПАССИВ ҚИСМИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АЛОҲИДА БЎЛИМЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Бухгалтерия баланси бўлим ва моддалари номи	Баланснинг қайси қисмида ифодаланиши	Балансдаги қайси қаторда жойлашганлиги
I. Ўз маблағлари манбалари	Баланс пассив қисмининг I бўлимида	320-390
Шу жумладан тақсимланмаган фойда	Баланс пассив қисмининг I бўлимида	350
II. Мажбуриятлар	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	400-540
2.1. Узоқ муддатли мажбуриятлар	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	400-410
2.2. Қисқа муддатли мажбуриятлар	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	420-440
2.2.1. Шу жумладан қисқа муддатли кредитлар	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	430
2.3. Кредиторлар Шу жумладан:	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	450-530
2.3.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	470
2.3.2. Бюджет бўйича қарзлар	Баланс пассив қисмининг II бўлимида	460
Барча пассивлар	Баланснинг пассив қисми жами	550

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ПАССИВ ҚИСМИНИ ТАҲЛИЛГА МОСЛАШТИРИБ ГУРУҲЛАШ

Тартиб рақами	Баланснинг пассив моддалари	Давр бошида		Давр охирида		Фарқи (+,–)		Ўзгариш суръати, %
		суммаси, минг сўмда	таркиби, %	суммаси, минг сўмда	таркиби, %	суммаси, минг сўмда	таркиби, %	
1.	Ўз маблағлари	4115	44,0	4500	46,4	+385	+2,4	109,4
2.	Четдан жалб қилинган капитал	5230	56,0	5200	53,6	–30	–2,4	99,4
2.1.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	2700	28,9	2700	27,8	–	–1,1	100,0
2.2.	Қисқа муддатли қарзлар ва заёмлар	1590	17,0	1500	15,5	-90	–1,5	94,3
2.3.	Кредитор қарзлар	940	10,1	1000	10,3	+60	+0,2	106,2
	Барча пассивлар	9345	100,0	9700	100,0	+355	×	103,8

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚЎЙИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш йўллари	Балансдаги қаторлар бўйича	Корхона баланси мисолида
1.	Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати (Ум)	$\frac{Умйб+Умйо}{2}$	$\frac{390йб+390йо}{2}$	$\frac{4115+4500}{2}=4307,5$
2.	Ўз маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссаси (Умх)	$\frac{Ум}{Б}\times 100$	$\frac{390}{550}\times 100$	$\frac{4115}{9345}\times 100=44,0\%$
3.	Ўз маблағининг капиталлашганлик даражаси (Умк)	$\frac{Ав}{Ум}\times 100$	$\frac{612}{390}\times 100$	$\frac{3495}{4115}\times 100=84,9\%$
4.	Ўз маблағининг узоқ муддатли активлардаги суммаси (Ум умак)	Ума − Умм	110 − (400 + 410)	3685 − 2700 − 985
5.	Ўз маблағларининг узоқ муддатли активлардаги ҳиссаси (Ум умакх)	$\frac{Ум\ умак}{Ум}\times 100$	$\frac{4к}{390}\times 100$	$\frac{985}{4115}\times 100=23,9\%$
6.	Ўз маблағининг айланма маблағлардаги иштирок этаётган суммаси (Узам)	Ум − (Ума − Умм)	390 − (110 − − 400 + 410)	4115 − (3685 − − 2700) = 3130
7.	Ўз маблағининг айланма маблағлардаги ҳиссаси (Узамх)	$\frac{Узам}{Ам}\times 100$	$\frac{6к}{300}\times 100$	$\frac{3130}{5660}\times 100=55,3\%$

ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ҲОЛАТИГА АСОСАН ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚЎЙИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

№	Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш йўллари	Балансдаги қаторлар бўйича	Корхонанинг баланси мисолида
1.	Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қимати (Чжм)	$\frac{Чжм.йб+Чжм.йо}{2}$	$\frac{540йб+540йо}{2}$	$\frac{5230+5200}{2}=5215$
2.	Четдан жалб қилинган маблағларнинг умумий маблағлардаги улуши (Чжм.у)	$\frac{Чжм}{Б}\times 100$	$\frac{540}{550}\times 100$	$\frac{5230}{9345}\times 100=56,0\%$
3.	Узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг Чжм даги улуши (Умчжм.у)	$\frac{Умчжм}{Чжм}\times 100$	$\frac{400+410}{540}\times 100$	$\frac{2700}{5230}\times 100=51,6\%$
4.	Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг Чжм даги улуши (Кмчжм.у)	$\frac{Кмчжм}{Чжм}\times 100$	$\frac{420+410}{540}\times 100$	$\frac{1000}{5230}\times 100=19,1\%$
5.	Кредиторларнинг барча маблағлардаги улуши (Ку)	$\frac{Кр}{Б}\times 100$	$\frac{450+...+530}{550}\times 100$	$\frac{940}{9345}\times 100=10,1\%$
6.	ЧЖМ нинг айланма маблағлардаги суммаси (Чжм.ам)	Ам.Уз.ам	300 − ўтган жадвалда 6к	5660 − 3130 = 2500
7.	ЧЖМ нинг айланма маблағлардаги улуши (Чжм.ам.у)	$\frac{Чжм.ам}{Ам}\times 100$	$\frac{6к}{300}\times 100$	$\frac{2550}{5660}\times 100=44,2\%$

Узоқ муддатли активларнинг (Ума) қопланиш манбалари бўйича ҳисоб-китоби

Ума асосан икки манба ҳисобидан қопланади. Энг аввало ўз маблағлари (Ум) ва иккинчидан, четдан жалб қилинган узоқ муддатли қарзлар ҳисобидан. Корхона молия-хўжалик фаолиятига иқтисодий таҳлил қўйишда айнан шу кўрсаткичларни аниқлашни тақозо қилади.

1. Узоқ муддатли активларда ўз маблағлари суммаси (Ума.ум)

$$Ума.уз = А1 - П2$$

бунда А1 — узоқ муддатли активлар;
П2 — узоқ муддатли пассивлар.

2. Узоқ муддатли активларда четдан жалб қилинган маблағлар суммаси (Ума.чжм)

$$Ума.чжм = Умк + Умкр$$

бунда Умк — узоқ муддатли қарзлар;
Умкр — узоқ муддатли кредитлар

Агар бурча Умк ва Умкр узоқ муддатли активлар учун ишлатилган бўлса.

Узоқ муддатли активларнинг қопланиш манбалари

Кўрсаткичлар	Қайси ҳисоботда ифодаланиши	Аниқлаш формуласи	Ҳисоботдаги қаторлар рақами
1. Узоқ муддатли активлар (Ума)	1-шакл	А1	110
2. Узоқ муддатли активларнинг қопланиш манбалари:			
2.1. Ўз маблағлари ҳисобидан (Ума.ум)	1-шаклга асосан ҳисобланади	А1 — П2	110 — (400 + 410)
2.2. Четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан (Ума.чжм)	1-шаклга асосан ҳисобланади	П2	400 + 410

Узоқ муддатли ва оборот активлари ҳолатига асосан корхона хўжалик фаолиятига иқтисодий таҳлил қўйишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш йўллари	Балансдаги қаторлар бўйича	Корхонанинг бухгалтерия балансидан мисолида
1. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	(Ав.йб + Ав.йо) / 2	(012йб + 012йо) / 2	(3495+3500) / 2 = = 3497,5
2. Узоқ муддатли активларнинг ўртача йиллик қиймати	(Ума.йб + Ума.йо) / 2	(110йб + 110йо) / 2	(3685 + 3700) / 2 = = 3692,5
3. Ав.нинг Ума.лати ҳиссаси	1к / 2к	012 / 110	3497,5 / 3692,5 = = 0,947
4. Ав.нинг барча активлардаги ҳиссаси	Ав / Б	012 / 310	3495 / 9345 = = 0,374
5. Ума.нинг барча активлардаги ҳиссаси	Ума / Б	110 / 310	3685 / 9345 = = 0,394
6. Айланма маблағларнинг (Ам) ўртача йиллик қиймати	(Ам.йб + Ам.йо) / 2	(300йб + 300йо) / 2	(5660 + 6000) / 2 = = 5830
7. Айланма маблағларнинг барча активлардаги ҳиссаси	Ам / Б	300 / 310	5660 / 9345 = =0,606
8. Ам.нинг Ав.лар билан таъминланганлик даражаси	Ав / Ам	012 / 300	3495 / 5660 = = 0,617

Оборот активларининг таркиби

Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш йўллари	Балансдаги қаторлар бўйича	Корхонанинг бухгалтерия баланси мисолида
1. Оборот активлари (Оа)	Оа	300	5660
2. Модий айланма маблағлар (Мам)	ИТЗ + Иич + + Тм + Ост	120 + 130 + + 140 + 150	3000
3. Мам.нинг Оа.даги ҳиссаси	Мам / Оа	2к / 1к	3000 / 5660 = 0,530
4. Пул маблағлари (Пм)	Пм + Вм + Кпм	170 + 180 + 190	300
5. Пм.нинг Оа.даги ҳиссаси	Пм / Оа	4к / 1к	300 / 5660 = 0,053
6. Дебиторлар (Д)	Д	220 – 290	1900
7. Дебиторларнинг Оа.даги ҳиссаси	Д / Оа	6к / 1к	1900 / 5660 = 0,336
8. Бошқа оборот активлари (Боа)	Клс + Кмк + Соа	160 + 200 + 210	460
9. Боа.нинг Оа.даги ҳиссаси	Боа / Оа	8к / 1к	460 / 5660 = 0,081

Айланма маблағларни (Ам) қопланиш манбалари бўйича ҳисоблаш усули

1. Айланма маблағлардаги ўз маблағлари суммаси қуйидагича аниқланади

$$Ам.ум = П1 - А1 - П2$$

бунда П1 — ўз маблағлари манбалари;
А1 — узоқ муддатли активлар;
П2 — А1 таркибидаги узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар.

2. Айланма маблағларда четдан жалб қилинган маблағлар суммаси

$$Ам.чжм = (А2 + А3) - (П1 - А1 - П2) \text{ ёки } А2 - 2к$$

бунда А2 — молдий айланма маблағлар (захиралар);
А3 — пул маблағлари.

Айланма маблағларининг қопланиш манбалари

Кўрсаткичлар	Қайси ҳисоботда ифодаланиши	Аниқлаш формуласи	Ҳисоботдаги қаторлар рақами
1. Барча айланма маблағлар Ам	1-шакл	Ам	300
2. Айланма маблағларнинг қопланиш манбалари			
2.1. Ўз маблағлари ҳисобидан (Ам.ум)	1-шаклга асосан	П1 – А1 – – П2	[390 – 110 – (400 + + 410)]
2.2. Четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан (Ам.чжм)	1-шаклга асосан	(А2 + А3) – 2.1к	300 – [390 – 110 – – (400 + + 410)]

II-бўлим

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ (ПОТЕНЦИАЛИНИ) БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Корхонанинг иқтисодий потенциали таркибига меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, меҳнатнинг ўзи ва номоддий фаоллар (активлар) киради.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

* Корхона иқтисодий потенциалининг тузилиш таркиби
* Иқтисодий жараёнлар ва уларнинг кўрсаткичларда ифодаланиши
* Корхонанинг иқтисодий потенциали
* Корхонанинг иқтисодий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар
* Иқтисодий потенциал самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Иқтисодий потенциал самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари

КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ (ПОТЕНЦИАЛИНИНГ) ТУЗИЛИШ ТАРКИБИ



ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ



Молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАРИ:

- Ав — асосий воситалар
- Авқ — асосий воситалар қайтими
- Авам — асосий воситалар амортизацияси
- Ам — айланма маблағлар
- Амат — айланма маблағларнинг айланиш тезлиги
- Ах — моддий харажатлар
- К — капитал (асосий ва айланма маблағлар)
- Тн — таннарх
- Х — меҳнат (ходимлар сони)
- Му — меҳнат унумдорлиги
- Их — меҳнат ҳақи
- М — маҳсулот
- Ф — фойда
- Рм — маҳсулот рентабеллиги
- Ртн — таннарх рентабеллиги
- Рк — капитал рентабеллиги
- Амм — ўз айланма маблағлари манбалари
- Мх — меҳнат предметлари харажатлари

КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛИ



КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛИНИ (Ип) ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР



КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛИ САМАРАДОРЛИГИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР



Натижа ва бу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади

$$Рип = \frac{Ф}{Ип} = \frac{Ф}{Д} \times \frac{Д}{М} \times \frac{М}{Ип}$$

ёки

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3$$

ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўсиш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Фойда	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Даромадлар	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
4. Иқтисодий потенциал	11795	12590	+795	106,7
Нисбий кўрсаткичлари				
5. Фойданинг даромадлаги ҳиссаси, % (X1) (1 : 2)	72,02	69,72	−2,30	96,8
6. Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси, % (X2) (2 : 3)	11,25	12,50	+1,35	112,1
7. Иқтисодий потенциалнинг маҳсуллорлиги, % (X3) (3 : 4)	38,85	45,23	+6,38	116,4
8. Иқтисодий потенциалнинг рентабеллиги, % (У) (1 : 4)	3,12	3,94	+0,82	126,3

Меҳнат потенциалнинг қиймати ўтган йилда 2450 минг сўмни, ҳисобот йилида 2890 минг сўмни ташкил қилган.

ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Фойданинг даромадлаги улуши, %	72,02	69,72	−2,30	69,72	69,72	69,72
2. Даромаднинг маҳсулотлаги ҳиссаси, коэффициент	0,1115	0,1250	+0,0135	0,1115	0,1250	0,1250
3. Иқтисодий потенциалнинг маҳсулдорлиги, коэффициент	0,3885	0,4523	+0,0638	0,3885	0,3885	0,4523
4 Иқтисодий потенциал рентабеллиги, %	3,12	3,94	+0,82	3,02	3,39	3,94

Иқтисодий потенциал рентабеллигининг 0,82% ошганлиги қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган.

1. Фойданинг даромаддаги улушининг 2,30% камайганлиги иқтисодий потенциал рентабеллик даражасини 0,10% (3,02 – 3,12) камайтирди.

2. Даромаднинг маҳсулотдаги ҳиссасининг 1,35% кўпайганлиги иқтисодий потенциал рентабеллигини 0,37% (3,39 – 3,02) оширди.

3. Иқтисодий потенциал маҳсулдорлигининг 6,38% ошганлиги унинг рентабеллик даражасини 0,55% (3,94 – 3,39) кўпайтирди.

Барча омиллар таъсири иқтисодий потенциал рентабеллигининг даражасининг умумий ўзгаришига тенг

$$-0,10 + 0,37 + 0,55 = 0,82$$

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (АВ) ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



$$АВ.У = \frac{АВ}{Б} \times 100$$

$$АВ.ФУ = \frac{АВ.Ф}{АБ} \times 100$$

$$КАВ.эс = \frac{АВ\ эскирган\ сумма\ (АВ.ЭС)}{АВ\ бошланғич\ қиймат}$$

$$КАВ.ян = \frac{АВ\ ишга\ туширилган}{АВ.\ БҚ\ йил\ охирида}$$

$$КАВ.ар = \frac{АВ - ЭВ.ЭС}{АВ\ йил\ охирида}$$

$$КАВ.чк = \frac{АВ.йил\ дав.\ ҳис.\ чиқ.сумм\ (АВҲ(1))}{АВ.\ БҚ\ йил\ бошида}$$

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати %
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Асосий воситалар қиймати (Ав)	4995	5300	+305	106,1
2. Барча активлар (Б)	9345	9700	+355	103,8
3. Асосий воситаларнинг фаол қисми (Авф)	3726	4150	+424	111,4
4. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати (Авэс)	1500	1800	+300	120,0
5. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (Авққ)	3495	3500	+5	100,1
6. Ишга туширилган асосий воситалар (Авит)	–	800	+800	x
7. Ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар (Авҳч)	–	648	+648	x
Нисбий кўрсаткичлар				
8. Ав.нинг умумий активлардаги улуши, % (1 : 2 × 100)	53,45	54,64	+1,19	102,2
9. Авф қисмининг умумий Ав.даги ҳиссаси, (Ав.нинг фаоллиги) (3к : 1к)	0,746	0,783	+0,037	105,0
10. Ав.нинг эскириш коэффициенти, (4к : 1к)	0,300	0,340	+0,040	113,2
11. Ав.нинг янгиланиш коэффициенти (6к : 1к)	–	0,151	+0,151	–
12. Ав.нинг яроқлилик коэффициенти (5к : 1к)	0,700	0,660	−0,040	94,3
13. Ав.нинг чиқарилиш коэффициенти (7к : 1к)	–	0,122	+0,122	–

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (АВ) БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Асосий воситалар ўртача қиймати (Ав)	4995	5300	+305	106,1
2. Сотилган маҳсулот ҳажми (Q)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
3. Асосий воситаларнинг фаол қисми (Авф)	3726	4150	+424	111,4
4. Ўз маблағлари қиймати (Ум)	4115	4500	+385	109,4
5. Ходимлар сони, киши (Х)	112	121	+9	108,0
Нисбий кўрсаткичлар				
6. Асосий фондларнинг сотилган маҳсулотдаги сиғими, тийин (1қ : 2қ)	1,090	0,931	−0,159	85,4
7. Ходимларнинг асосий фондлар билан қуролланганлик даражаси, сўм (3қ : 5қ)	33,3	34,3	+1,0	103,0
8. Ўз маблағларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги, сўм (1қ : 4қ)	1,214	1,178	+0,036	97,0

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (АВ) САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



АСОСИЙ ВОСИТАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирида	Ўзгариш (+, –)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда (Ф)	368.0	496.2	+128.2	134.8
2. Сотилган маҳсулот (Қ)	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
3. Ялпи даромад (Д)	511.0	711.7	+200.7	139.3
4. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (Ав)	4747.5	5147.5	+400	108.4
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Ав.нинг рентабеллиги, % (1к × 100 : 4к)	7.75	9.64	+1.89	124.4
6. Ав.нинг маҳсулдорлиги, сўм (2к : 4к)	0.97	1.11	+0.14	114.4
7. Ав.нинг даромадлилиги, % (3к × 100 : 4к)	10.76	13.83	+3.07	128.5

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ушбу кўрсаткич ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади.

1. Фойданинг даромадлардаги улуши (Фд)

$$Фд = \frac{Ф}{Д} \times 100$$

2. Даромадларнинг сотилган маҳсулотлардаги ҳиссаси (Дм)

$$Дм = \frac{Д}{М}$$

3. Асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги (Мав)

$$Мав = \frac{М}{Ав}$$

Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$Авр = \frac{Ф}{Ав} = \frac{Ф}{Д} \times \frac{Д}{М} \times \frac{М}{Ав}$$

да натижани «У» деб омилларни кетма-кет равишда $_1$», «X_2», «X_3» деб белгилаб олинса, қуйидаги мультипликатив моделни ҳосил қилиш мумкин:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 = \prod_{i=1}^{3} X_i \quad (i = \overline{1,3}).$$

Занжирли алмаштириш усули билан омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

1. Ав рентабеллиги ўзгаришига фойданинг даромаддаги улуши ўзгаришининг таъсири қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta УХ_1 = (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P) - (X_1^P \times X_2^P \times X_3^P)$$

2. Ав рентабеллиги ўзгаришига даромадларнинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси ўзгаришининг таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta УХ_2 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P) - (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P)$$

3. Ав рентабеллиги ўзгаришига Ав маҳсулдорлигининг таъсири қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta УХ_3 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X) - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P)$$

Барча омиллар таъсири натижасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta У = \Delta УХ_1 \pm \Delta УХ_2 \pm \Delta УХ_3$$

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР САМАРАДОРЛИГИГА АЛОҲИДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ ЖАДВАЛИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, –)	Занжирли алмаштириш		
				I	II	III
1. Фойданинг даромаддаги улуши, % (1қ : 3қ × 100)	72.02	69.72	–2.3	69.72	69.72	69.72
2. Даромадларнинг сотилган маҳсулотлардаги ҳиссаси коэффициент (3қ : 2қ)	0.111	0.125	+0.014	0.111	0.125	0.125
3. Асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги, сўм (6қ)	0.97	1.106	+0.136	0.97	0.97	1.106
4 Асосий воситаларнинг рентабеллиги, % (1қ × 2қ × 3қ)	7.75	9.64	+1.89	7.51	8.45	9.64

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

1. Ав рентабеллиги ўзгаришига фойданинг даромаддаги улуши ўзгаришининг таъсири қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta УХ_1 = (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P) - (X_1^P \times X_2^P \times X_3^P)$$

2. Ав рентабеллиги ўзгаришига даромадларнинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси ўзгаришининг таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta УХ_2 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P) - (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P)$$

3. Ав рентабеллиги ўзгаришига Ав маҳсулдорлигининг таъсири қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta УХ_3 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X) - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P)$$

Барча омиллар таъсири натижасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta У - \Delta УХ_1 = \Delta УХ_2 \pm \Delta УХ_3$$

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР САМАРАДОРЛИГИГА АЛОҲИДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ ЖАДВАЛИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, –)	Занжирли алмаштириш		
				I	II	III
1. Фойданинг даромаддаги улуши, % (1қ : 3қ × 100)	72.02	69.72	–2.3	69.72	69.72	69.72
2. Даромадларнинг сотилган маҳсулотлардаги ҳиссаси коэффициент (3қ : 2қ)	0.111	0.125	+0.014	0.111	0.125	0.125
3. Асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги, сўм (6қ)	0.97	1.106	+0.136	0.97	0.97	1.106
4. Асосий воситаларнинг рентабеллиги, % (1қ × 2қ × 3қ)	7.75	9.64	+1.89	7.51	8.45	9.64

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИНИНГ 1,89% КЎПАЙИШИГА ҚУЙИДАГИ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТГАН:

1. Фойданинг даромаддаги улушининг 2,3 фоизга камайиши Ав.лар рентабеллик даражасини 0,24% камайтиришга олиб келган.

$$7,51 - 7,75 = -0,24$$

2. Даромадларнинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссасининг 0,014 коэффициентга кўпайиши Ав.лар рентабеллигини 0,94% кўпайтиришга мувоффоқ бўлган.

$$8,45 - 7,51 = +0,94$$

3. Асосий воситалар маҳсулдорлигининг 0,136 сўмга кўпайганлиги натижанинг 1,19% ошишига олиб келган.

$$9,64 - 8,45 = +1,19$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$-0,24 + 0,94 + 1,19 = +1,89$$

2.3. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР (ФАОЛЛАР) ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мослаштирилиши натижасида унинг янги объекти номоддий активлар вужудга келди. Бунга қўйилган маблағлар маълум даражада самара бериши лозим. Шу туфайли у ҳам таҳлилнинг объектига айланди.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

* Номоддий активларни гаснифлаш белгилари
* Номоддий активларнинг таркиби
* Номоддий активларни ифодаловчи кўрсаткичлар
* Номоддий активлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
* Номоддий активларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
* Номоддий фаолларнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари

НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ (НА) ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР



НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

минг сўм

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
1. Номоддий активлар (НА)	215	230	+15	107.0
2. НА.нинг эскириши	25	30	+5	120.0
3. НА.нинг қолдиқ қиймати (1к − 2к)	190	200	+10	105.3
4. Барча активлар (Б)	9345	9700	+355	103.8
5. НА.нинг Б.даги улуши (1к : 4к × 100)	2.30	2.37	+0.07	103.0
6. НА.нинг эскириш коэффициенти (2к − 1к)	0.116	0.130	+0.014	112.1

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР



Агар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида номоддий активлардан фойдаланиш эвазига олинадиган даромад, фойда ёки бошқа натижа кўрсаткичи мумкин бўлса, у ҳолда ушбу кўрсаткичларнинг умумий ҳажми эмас, балки фақат шу номоддий активларга тегишли қисми аниқланади.

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
1. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
2. Даромад, минг сўм	511.0	711.7	+200.7	139.3
3. Фойда, минг сўм	368.0	492.2	+128.2	134.8
4. Номоддий активларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	212.5	222.5	+10.0	104.7
5. НА.нинг айланувчанлиги, марта (1к : 4к)	21.6	25.6	+4.0	118.0
6. НА.нинг даромадлилиги, сўм (2к : 4к)	2.40	3.20	+0.80	133.3
7. НА.нинг фойдалилиги, сўм (3к : 4к)	1.73	2.23	+0.50	128.9

Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин

$$НАр = \frac{Ф}{НА} = \frac{Ф}{Д} \times \frac{Д}{Q} \times \frac{Q}{НА}$$

Бунда: $\frac{Ф}{Д}$ — Фойданинг даромаддаги ҳиссаси (Фд)

$\frac{Д}{Q}$ — Сотилган маҳсулотнинг даромаллиги (ДQ)

$\frac{Q}{НА}$ — Номоддий фаоллар самарадорлиги (QНА)

Ушбу формулани қисқартириш усулидан фойдаланиб қуйидаги ҳолатга келтириш мумкин.

НАр = Фд × ДQ × QНА

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ

Номоддий фаоллар рентабеллигига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш, индекс усуллари билан аниқлаш мумкин.

1. Номоддий фаоллар рентабеллиги ўзгаришига фойданинг даромаддаги ҳиссасининг тасвирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$НАр.Фд = (Ф_Д^X \times Д_Q^P \times Q_{НА}^P) - (Ф_Д^P \times Д_Q^P \times Q_{НА}^P)$$

2. Натижа ўзгаришига иккинчи омил, яъни сотилган маҳсулот даромаллилигининг таъсири қуйидагича ҳисобланади:

$$НАр.ДQ = (Ф_Д^X \times Д_Q^X \times Q_{НА}^P) - (Ф_Д^X \times Д_Q^P \times Q_{НА}^P)$$

3. Номоддий фаоллар рентабеллиги ўзгаришига номоддий фаоллар самарадорлиги ёки уларнинг айланувчанлик тезлигининг таъсирини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$НАр.QНА = (Ф_Д^X \times Д_Q^X \times Q_{НА}^X) - (Ф_Д^X \times Д_Q^X \times Q_{НА}^P)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади.

$$\Delta НАр. = \Delta НАр.Фд \pm \Delta НАр.ДQ \pm \Delta НАр.QНА$$

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси, коэффициент (3к : 4к)	0.720	0.697	−0.023	0.697	0.697	0.697
2. Сотилган маҳсулотнинг даромадлилиги, тийин	11.15	12.5	+1.35	11.15	12.50	12.50
3. Номоддий фаолларнинг самарадорлиги (айланувчанлик тезлиги), марта	21.6	25.6	+4.0	21.6	21.6	25.6
4. Номоддий фаолларнинг фойдалилиги, сўм (1к × 2к × 3к)	1.73	2.23	+0.50	1.68	1.68	2.23

Номоддий активларнинг фойдалилиги ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан 50 тийинга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган.

1. Фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси 0,023 коэффициентга камайганлиги номоддий активларнинг фойдалилигини 5 тийинга камайтирган:
$$1,68 - 1,73 = +0,05 \text{ сўм}$$

2. Сотилган маҳсулотнинг даромадлилиги 1,35 тийинга ошганлиги самарадорликни 20 тийинга кўпайтирган:
$$1,88 - 1,68 = +0,20 \text{ сўм}$$

3. Номоддий фаолларнинг айланувчанлик тезлиги 4 мартага ошганлиги унинг фойдалилигини 35 тийинга кўпайтирган:
$$2,23 - 1,88 = +0,35$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:
$$-0,05 + 0,20 + 0,35 = +0,50$$

2.4. АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР ТАҲЛИЛИ

Айланма маблағлар (Ам) бухгалтерия балансининг актив қисмидаги иккинчи «Оборот активлари» бўлимида кўрсатилади.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

* Айланма маблағларни (Ам) ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи
* Ам.ни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
* Ам. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
* Ам. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
* Ам. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
* Ам. рентабеллиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ (Ам) ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАСНИФИ



АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (Ам) (КАПИТАЛ)НИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ



АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (Ам) ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ТАҲЛИЛ ДАВРИДАГИ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши	
			суммада (+, −)	% да
Мутлақ (ҳажм) кўрсаткичлар				
1. Барча активлар, минг сўм	9345	9700	+335	103.8
2. Айланма маблағлар жами, минг сўм	5660	6000	+340	106.0
3. Пул маблағлари, минг сўм	300	450	+150	150.0
4. Захиралар ва харажатлар, минг сўм	3000	2700	−300	90.0
5. Дебиторлар, минг сўм	1900	2000	+100	105.3
6. Шу жумладан, тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлар, минг сўм	825	970	+145	117.6
7. Ам.даги ўз маблағлари, минг сўм. Балансга асосан ҳисобланади [(390к + 400к + 410к) − 110к]	3430	3830	+400	111.7
Нисбий кўрсаткичлар				
8. Ам.нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси, % (2к : 1к × 100)	60.0	61.9	+1.3	102.1
9. Ам. таркибида пул маблағларининг ҳиссаси, % (3к : 2к×100)	5.3	7.5	+2.2	141.5
10. Ам. таркибида захиралар ва харажатлар ҳиссаси, % (4к : 2к × 100)	53.0	45.0	−8.0	84.9
11. Ам. таркибида дебиторлар ҳиссаси, % (5к : 2к × 100)	33.6	33.3	−0.3	99.1
12. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги ҳиссаси, % (6к : 5к×100)	43.4	48.5	+5.1	111.8
13. Ам. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси, % (7к : 2к × 100)	60.6	63.8	+3.2	105.3

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (Ам) БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (Ам) БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,−)	
			суммада	% да
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	−1111.2	124.3
2. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4810.2	5830.0	+1019.8	121.2
3. Ам.нинг меъёри, минг сўм	5140.0	5750.0	+610.0	111.9
4. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4747.5	5147.5	−400	108.0
5. Ходимларнинг ўртача сони, киши	112	121	+9	108.0
Нисбий кўрсаткичлар				
6. Ам.нинг сиғими, коэффициенти (2к : 1к)	1.050	1.024	−0.026	97.5
7. Ам. меъёрининг ҳақиқий миқдори билан таъминланиш коэффициенти (2к : 3к)	0.936	1.014	+0.078	108.3
8. 1 сўм Ав.га тўғри келадиган Ам. (2к : 4к)	1.013	1.133	+0.120	111.8
9. Битта ходимга тўғри келадиган Ам., минг сўм (2к : 5к)	42.9	48.2	+5.28	112.4

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (Ам) САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,–)	
			суммада	% да
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
2. Ам.нинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4810.2	5830.0	+1019.8	121.2
3. Соф фойда, минг сўм	368.0	496.2	+128.2	134.8
4. Ялпи даромад, минг сўм	511	711.7	+200.7	139.3
5. Дебиторларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1857.1	1950.0	+92.9	105.0
Нисбий кўрсаткичлар				
6. Ам.нинг айланувчанлиги, кунларда, (2к × 360 : 1к)	377.8	368.6	−9.2	97.6
7. Ам.нинг айланувчанлик коэффициенти, марта (1к : 2к)	0.95	0.98	+0.03	103.2
8. Ам.нинг рентабеллиги, % (3к × 100 : 2к)	7.65	8.51	+0.86	111.2
9. Ам.нинг даромадлилиги, % (4к × 100 : 2к)	10.62	12.21	+1.59	115.0
10. Дебиторларнинг айланувчанлиги, кунларда (5к × 360 : 1к)	145.9	123.3	−22.6	84.5

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



Булар ўртасидаги боғлиқликнинг математик ифодаси: $Р_{Ам} = а \times в \times с$

Занжирли алмаштириш йўли билан натижа ўзгаришига омиллар таъсири:

Биринчи (а) омил таъсири ($Р_{Ам.а}$)

$\Delta Р_{Ам.а} = (а^{х} \times в^{р} \times с^{р}) - (а^{р} \times в^{р} \times с^{р})$

Иккинчи (в) омил таъсири ($Р_{Ам.в}$)

$\Delta Р_{Ам.в} = (а^{х} \times в^{х} \times с^{р}) - (а^{х} \times в^{р} \times с^{р})$

Учинчи (с) омил таъсири ($Р_{Ам.с}$)

$\Delta Р_{Ам.с} = (а^{х} \times в^{х} \times с^{х}) - (а^{х} \times в^{х} \times с^{р})$

Барча омиллар таъсири ($\Delta Р_{Ам.}$)

$\Delta Р_{Ам.} = \Delta Р_{Ам.а} \pm \Delta Р_{Ам.в} \pm \Delta Р_{Ам.с}$

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,–)	
			суммада	% да
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Соф фойда, минг сўм	368.0	496.2	+128.2	134.8
2. Ялпи даромад, минг сўм	511.0	711.7	+200.7	139.3
3. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
4. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4810.2	5830.0	+1019.8	121.2
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси, % (1к × 100 : 2к)	72.02	69.72	2.3	96.8
6. Даромаднинг даражаси, % (2к × 100 : 3к)	11.15	12.49	+1.34	112.0
7. Ам.нинг самарадорлиги, сўм (3к : 4к)	0.952	0.977	+0.025	103.2
8. Ам. рентабеллиги, % (1к × 100 : 4к)	7.65	8.51	+0.86	111.2

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштириш		
				I	II	III
1. Соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси, коэффициентда	0.7202	0.6972	−0.0230	0.6972	0.6972	0.6972
2. Даромаднинг даражаси, маҳсулотга нисбатан % ҳисобида	11.15	12.49	+1.34	11.15	12.49	12.49
3. Ам.нинг самарадорлиги, сўм	0.952	0.977	+0.025	0.952	0.952	0.977
4. Ам.нинг рентабеллиги, % (1к × 2к × 3к)	7.65	8.51	+0.86	7.40	8.29	8.51

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИНГ 0,86% ЎЗГАРИШИГА ҚУЙИДАГИ ОМИЛЛАР ТАЪСИР ҚИЛГАН

1. Соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссасининг 0,023 коэффициентга камайиши Ам.лар рентабеллик даражасини 0,25% камайтирди.

$$7,40 - 7,65 = -0,25$$

---

2. Даромад даражасининг ҳисобот йилида 1,34% ошганлиги Ам.лар рентабеллигини 0,89% оширди.

$$8,29 - 7,40 = +0,89$$

---

3. Ам. самарадорлигининг 0,025 сўмга ошганлиги таҳлил қилинаётган кўрсаткич миқдорини 0,22% оширди.

$$8,51 - 8,29 = +0,22$$

Барча омиллар таъсири натижанининг умумий фарқига (+ 0,86) тенг.

$$-0,25 + 0,89 + 0,22 = +0,86$$

2.5. МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ТАҲЛИЛИ

Ушбу ишда қуйидаги муҳим саволлар кўрилади:

* Меҳнат потенциали таркиби
* Меҳнат потенциали тушунчаси
* Меҳнат ресурслари
* Ходимлар сони
* Меҳнат потенциалига оид кўрсаткичларни аниқлаш усули
* Иш кучининг қиймати
* Иш кучининг баҳоси
* Меҳнат потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар
* Меҳнат потенциали ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Меҳнат потенциали билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари
* Меҳнат потенциали самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари
* Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар
* Натижага меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш усули

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ТАРКИБИ



Меҳнат потенциали — бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир.

Меҳнат потенциали натурал ва қиймат кўрсаткичида ифодаланади.

Меҳнат потенциалининг натурал миқдори

Мп(киши) = Олий маълумотли ходимлар (Омх) +
+ Ўрта махсус маълумотли ходимлар (Ўммх) +
+ Ўрта маълумотли ходимлар (Ўмх) +
+ Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар (Тўмх)

Меҳнат потенциалининг қиймати

Мп = (Омх. хараж. × Ком) × Омх +
+ (Ўммх. хараж. × Кмм) × Ўммх +
+ (Ўмх. хараж. × Кум) × Ўмх +
+ (Тўмх. хараж. × Ктум) × Тўмх.

Бунда: Ком — олий маълумотли ходимларга кетган харажатларни солиштирма қийматда баҳолаш коэффициенти;

Кмм — ўрта махсус маълумотли ходимларга кетган харажатларни солиштирма қийматда баҳолаш коэффициенти;

Кум — ўрта маълумотли ходимларга кетган харажатларни солиштирма қийматда баҳолаш коэффициенти;

Ктум — тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимларга кетган харажатларни солиштирма қийматда баҳолаш коэффициенти.

Меҳнат ресурслари деганда корхонада банд бўлган меҳнатга қобилиятли ёшдаги (эркаклар 16-60 ёш, аёллар 16-55 ёш) ишчи ва хизматчилар тушунилади.

Меҳнат ресурси натурал кўрсаткичда ифодаланади.

Меҳнат ресурслари (Мр) = Ишчилар (И) +
+ Муҳандис техник ходимлар (Мтх) +
+ Хизматчилар (Хз) +
+ Бошқарув ходимлари (Бх)

Мр = И + Мтх + Хз + Бх

Ходимлар сони — корхонада банд бўлган (ёшидан қатъий назар) барча ишчи ва хизматчилар йиғиндисига тенг. Бу ҳам фақат натурал миқдорда ифодаланади.

Х = И + Мтх + Хз + Бх

Ходимлар сони меҳнат ресурсларидан ишлаётган пенсионер ва ўсмирлар сонига кўп бўлади. Масалан, Мр = 200, Х = 220. Ишлаётган пенсионер ва ўсмирлар = 20.

Х > МР
220 > 200

220 = 200 + 20

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИГА ОИД КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ

Корхонада қуйидаги таркибда ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатади.

1. Олий маълумотли ходимлар	— 22
Шу жумладан, пенсионер ва ўсмирлар	— 3
2. Ўрта махсус маълумотли ходимлар	— 31
Шу жумладан, пенсионер ва ўсмирлар	— 4
3. Ўрта маълумотли ходимлар	— 50
Шу жумладан, пенсионер ва ўсмирлар	— 12
4. Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар	— 18
Шу жумладан, пенсионер ва ўсмирлар	— 1
5. Жами ишда банд бўлган ходимлар (1к+2к+3к+4к)	— 121
Шу жумладан, пенсионер ва ўсмирлар	— 20.

Ушбу маълумотларга асосан меҳнат потенциали билан боғлиқ кўрсаткичлар қуйидагича аниқланади:

Меҳнат ресурслари

$$(22 - 3) + (31 + 4) + (50 - 12) + (18 - 1) = 101$$

Ходимлар сони

$$22 + 31 + 50 + 8 = 121$$

Ишлаётган пенсионерлар ва ўсмирлар сони

$$3 + 4 + 12 + 1 = 20$$

Меҳнат потенциали

$$22 + 31 + 50 - 18 = 121 \text{ ёки } 101 + 20$$

Натурал жиҳатдан корхонадаги банд бўлган ходимлар сони меҳнат потенциали билан тенг бўлади.

Иш кучининг қиймати — шу ходимнинг (мутахассиснинг) шаклланишига кетган харажатлар билан ифодаланади (Икқ).

Икқ = Ўрта маълумот олишга кетган сарф харажатлар (Ум) +
+ Ўрта махсус маълумот олишга кетган харажатлар (Умм) +
+ Олий маълумот олишга кетган харажатлар (Олм) +
+ Малака оширишга кетган харажатлар (Мо)

Бу қуйидаги аддитив моделда ифодаланади

$$У = \sum_{i=1}^{4} X_i \qquad (i = \overline{1,n}) \quad n = 4$$

Иш кучининг баҳоси — ходимга (мутахассисга) тўланадиган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақида ифодаланади (Икб).

Икб = Асосий меҳнат ҳақи (Амх) +
+ Қўшимча меҳнат ҳақи (Кмх) +
+ Ҳар хил рағбатлантириш йўли билан тўловлар (Рт)

Бу қуйидаги аддитив моделда ифодаланади

$$У = \sum_{i=1}^{3} X_i \qquad (i = \overline{1,3})$$

ИШ КУЧИНИНГ ҚИЙМАТИНИ ВА БАҲОСИНИ АНИҚЛАШНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Ушбу кўрсаткичлар ўрта ҳисобда бир киши мисолида аниқланади.

Иш кучининг қиймати.

1.	Ўрта маълумот олиш учун кетган харажатлар миқдори (10 йилда 3 мингдан)	— 30,0 минг сўм
2.	Ўрта махсус маълумот олиш учун кетган харажатлар (2 йилда 5 мингдан)	— 10.0 минг сўм
3.	Олий маълумот олишга кетган харажатлар (4 йилда 15 мингдан)	— 60,0 минг сўм
4.	Малака оширишга кетган харажатлар	— 5,0 минг сўм
5.	16 йил маълумот олиш учун кетган жами харажатлар, яъни иш кучининг қиймати (1қ+2қ+3қ+4қ)	— 105,0 минг сўм

Иш кучининг баҳоси

6.	Ходимга тўланадиган бир ойлик асосий меҳнат ҳақи	— 3,5 минг сўм
7.	Барча қўшимча меҳнат ҳақи	— 1,0 минг сўм
8.	Ҳар хил рағбатлантириш йўли билан бериладиган тўловлар	— 0,8 минг сўм
9.	Иш кучининг баҳоси (6қ+7қ+8қ)	— 5,3 минг сўм

Ҳозирги пайтда ҳар бир ходимнинг маълумот олиш учун ўрта ҳисобда бир кишига қанча маблағ сарф қилиниши аниқланмоқда. Ушбу мисолда услубий кўргазма учун тахминий рақамлардан фойдаланилди.

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИНИ (Мп) ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ



МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ (Мп) ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, –)	Ўзгариш суръати, %
1. Меҳнат потенциалининг ўртача йиллик сони, киши	112	121	+9	108.0
2. Шу жумладан олий маълумотли мутахассислар, киши	20	22	+2	110.0
3. Уларнинг улуши, % (2қ × 100 : 1қ)	17.86	18.18	+0.32	101.8
4. Ишчилар сони, киши	98	106	+8	108.2
5. Ишчиларнинг улуши, % (4қ × 100 : 1қ)	87.5	87.6	+0.1	100.1
6. Ишга қабул қилинганлар, киши	10	17	+7	170.0
7. Ишдан бўшатилганлар, киши	5	8	+3	160.0
8. Шу жумладан салбий асослар билан бўшатилган, киши	3	5	+2	166.7
9. Мп. оборати, коэффициенти [(6қ + 7қ) : 1қ]	0.134	0.207	+0.073	154.5
10. Мп. қўнимсизлиги, коэффициенти (8қ ; 1қ)	0.027	0.041	+0.014	151.9
11. Шу корхонада 3 йилдан кўп ишлаган ходимлар сони, киши	101	105	+4	104.0
12. Мп. турғунлиги, коэффициентда (11қ : 1қ)	0.90	0.87	–0.03	96.7

Жадвалдаги кўрсаткичлар сони анча қисқартириб олинди. Масалан, меҳнат потенциалини ходимлар малакаси бўйича оладиган бўлсак у тўртта бўлиши керак. Аммо биз фақат олий маълумотли мутахассислар улушини аниқлаш билан чекландик. Буни услубий асос учун шундай қилинди.

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ (Мп) БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Меҳнат потенциали билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
1. Меҳнат потенциали сони штат жадвали бўйича, тегишли йил бошида, киши	107	109	+2	101.9
2. Ҳақиқий меҳнат потенциали сони, тегишли йил бошида, киши	110	114	+4	103.6
3. Мп. билан штат жадвалининг таъминланганлиги, коэффициентда (1қ : 2қ)	0.973	0.956	−0.017	98.3
4. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
5. Мп. ўртача йиллик миқдори, киши	112	121	+9	108.0
6. Меҳнат сигими бир миллион сўм маҳсулотга тўғри келадиган ходимлар сони, киши (5қ : 4қ)	24.4	21.2	−3.2	86.9
7. Асосий воситалар фаол қисмининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3726	3938	+212	105.7
8. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5660	6000	+340	106.0
9. Мп.нинг қуролланганлиги, минг сўм (7қ : 5қ)	33.27	32.55	−0.72	97.8
10. Ам.нинг Мп. билан таъминланганлиги, бир миллион сўм Ам.га тўғри келадиган Мп, киши (5қ : 8қ)	19.8	20.2	+0.4	102.0

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



Меҳнат потенциали самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, –)	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
2. Яъни даромад, минг сўм	511.0	711.7	+200.7	139.3
3. Соф фойда, минг сўм	368.0	496.2	+128.2	134.8
4. Меҳнат потенциали ўртача йиллик миқдори, киши	112	121	+9	108.0
5. Мп. натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 4қ)	40.92	47.06	+6.14	115.0
6. Мп. даромадлилиги, минг сўм (2қ : 4қ)	4.56	5.88	+1.32	128.9
7. Мп. фойдалилиги, минг сўм (3қ : 4қ)	3.29	4.1	+0.81	124.6

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ САМАРАДОРЛИГИ (РЕНТАБЕЛЛИГИ) ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Меҳнат потенциали рентабеллиги фойдани юзга кўпайтириб унинг миқдори ёки қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

$$\text{Меҳнат потенциали самарадорлиги (Мп.с)} = \frac{\text{Фойда (Ф)}}{\text{Меҳнат потенциали (Мп)}}$$

Ушбу кўрсаткич ўзгаришига фойда ва меҳнат потенциали миқдори таъмир қилади. Буларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Қайта ҳисобланган меҳнат потенциали ($М_{ПС}^{ҚХ}$) қуйидагича аниқланади:

$$М_{ПС}^{ҚХ} = \frac{Ф_{Х}}{Мп^{Р}}$$

Меҳнат потенциали самарадорлигининг фойда эвазига ўзгариши (ΔМпс.ф)

$$\Delta Мпс.ф = М_{ПС}^{ҚХ} - М_{ПС}^{Р} = \frac{Ф^{Х}}{М_{П}^{Р}} - \frac{Ф^{Р}}{М_{П}^{Р}}$$

Меҳнат потенциали самарадорлигининг меҳнат потенциали ҳажми ўзгариши (ΔМпс.мп)

$$\Delta Мпс.сп = М_{ПС}^{Х} - М_{ПС}^{ҚХ} = \frac{Ф^{Х}}{М_{П}^{Х}} - \frac{Ф^{Х}}{М_{П}^{Р}}$$

Натижанинг умумий ўзгариши шу икки омил таъсирига тенг.

$$\Delta Мпс = \Delta Мпс.ф \pm \Delta Мпс.мп$$

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш сурьати, %
1. Соф фойда, минг сўм	368	496.2	+128.2	134.8
2. Меҳнат потенциали, киши	112	121	+9	108.0
3. Меҳнат потенциали самарадорлиги, (рентабеллиги), сўм (1қ : 2қ)	3286	4101	+815	124.8

Меҳнат потенциали самарадорлигининг қайта ҳисобланган миқдори ҳақиқий фойдани ўтган йилги меҳнат потенциалига бўлиш йўли билан аниқланади.

$$М_{ПС}^{ҚХ} = \frac{496,2}{112} = 4430 \text{ сўм}$$

Меҳнат потенциали самарадорлиги соф фойда суммасининг 128,2 минг сўмга кўпайганлиги эвазига 1144 сўмга ошган.

$$Мпс.ф = 4430 - 3286 = +1144 \text{ сўм}$$

Меҳнат потенциали самарадорлиги миқдорининг 9 кишига кўпайганлиги унинг самарадорлигини 329 сўмга камайтирган:

$$Мпс.мп = 4101 - 4430 = -329 \text{ сўм}$$

Шу икки омил таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$1144 - 329 = +815 \text{ сўм}$$

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ (Мп) САМАРАДОРЛИГИГА (Мпс) УНИНГ АЛОҲИДА ЭЛЕМЕНТЛАРИ ЎЗГАРИШИНИНГ ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ

$$Мпс = \frac{Фойда\ (Ф)}{Мп}$$

Меҳнат потенциали қуйидаги элементлардан ташкил топади:

$$Мп = Омх + Уммх + Умх + ТУмх$$

Олдинги формулага меҳнат потенциали элементларини қўйилса натижа қуйидагича ифодаланади:

$$Мпс = \frac{Ф}{Омх - Уммх + Умх + ТУмх}$$

Меҳнат потенциали фарқи

$$Мпс = М^{Х}_{ПС} - М^{Р}_{ПС}$$

$$Мпс = \frac{Ф^{Х}}{О^{Х}_{МХ} + У^{Х}_{ММХ} + У^{Х}_{МХ} + ТУ^{Х}_{МХ}} - \frac{Ф^{Р}}{О^{Р}_{МХ} + У^{Р}_{ММХ} + У^{Р}_{МХ} + ТУ^{Р}_{МХ}}$$

МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Натижага Ф ўзгаришининг таъсири (ΔМпс.ф)

$$\Delta Мпс.ф = М^{Ф}_{ПС} - М^{Р}_{ПС} = \frac{Ф^{Х}}{О^{Р}_{МХ} + У^{Р}_{ММХ} + У^{Р}_{МХ} + ТУ^{Р}_{МХ}} - М^{Р}_{ПС}$$

Натижага Омх ўзгаришининг таъсири (ΔМпс.омх)

$$\Delta Мпс.омх = М^{омх}_{ПС} - М^{Ф}_{ПС} = \frac{Ф^{Х}}{О^{Х}_{МХ} + У^{Р}_{ММХ} + У^{Р}_{МХ} + ТУ^{Р}_{МХ}} - М^{Ф}_{ПС}$$

Натижага Уммҳ ўзгаришининг таъсири (ΔМпс.уммх)

$$\Delta Мпс.уммх = М^{Уммх}_{ПС} - М^{омх}_{ПС} = \frac{Ф^{Х}}{О^{Х}_{МХ} + У^{Х}_{ММХ} + У^{Р}_{МХ} + ТУ^{Р}_{МХ}} - М^{Омх}_{ПС}$$

Натижага Умм ўзгаришининг таъсири (ΔМпс.умх)

$$\Delta Мпс.умх = М^{Умх}_{ПС} - М^{Уммх}_{ПС} = \frac{Ф^{Х}}{О^{Х}_{МХ} + У^{Х}_{ММХ} + У^{Х}_{МХ} + ТУ^{Р}_{МХ}} - М^{Уммх}_{ПС}$$

Натижага ТУмх ўзгаришининг таъсири (ΔМпс.тум)

$$\Delta Мпс.тумх = М^{Тумх}_{ПС} - М^{Умх}_{ПС} = \frac{Ф^{Х}}{О^{Х}_{МХ} + У^{Х}_{ММХ} + У^{Х}_{МХ} + ТУ^{Х}_{МХ}} - М^{Умх}_{ПС}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta Мпс = \Delta Мпс.ф + \Delta Мпс.омх \pm \Delta Мпс.уммх \pm \pm \Delta Мпс.умх \pm \Delta Мпс.тумх$$

Меҳнат потенциали самарадорлиги ўзгаришига униинг алоҳида элементлари ўзгаришининг таъсирини ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилда	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштиришлар			
				I	II	III	IV
1. Соф фойда, минг сўм	368.0	496.2	+128.2	496.2	496.2	496.2	496.2
2. Олий маълумотли ходимлар, кишн	20	22	+2	20	22	22	22
3. Ўрта махсус маълумотли ходимлар, кишн	27	31	+4	27	27	31	31
4. Ўрта маълумотли ходимлар, кишн	46	50	+4	46	46	46	50
5. Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар, кишн	19	18	−1	19	19	19	19
6. Меҳнат потенциали, кишн	112	121	+9	112	114	118	122
7. Меҳнат потенциали самарадорлиги, сўм	3286	4101	+815	4430	4353	4205	4067

Ушбу жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, меҳнат потенциали самарадорлиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 815 сўмга ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Соф фойданинг 128,2 минг сўмга кўпайганлиги таъкидланганидек, натижани 1144 сўмга оширди:

$$4430 - 3286 = +1144 \text{ сўм}$$

2. Олий маълумотли ходимлар сонининг 2 кишига кўпайганлиги натижага 77 сўмга салбий таъсир қилган:

$$4353 - 4430 = -77 \text{ сўм}$$

3. Ўрта махсус маълумотли ходимларнинг 4 кишига кўпайганлиги меҳнат самарадорлигини 148 сўмга камайтирган:

$$4205 - 4353 = -148 \text{ сўм}$$

4. Ўрта маълумотли кишиларнинг 4 кишига кўпайганлиги натижани 138 сўмга камайтириб юборган:

$$4067 - 4205 = -138 \text{ сўм}$$

5. Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимларнинг бир кишига камайганлиги меҳнат салоҳияти самарадорлигини 34 сўмга оширди:

$$4101 - 4067 = +34 \text{ сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$1144 - 77 - 148 - 138 + 34 = +815 \text{ сўм}$$

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ходимларнинг кўпайиши бирданига самара беравермайди. Улар мослашиш даврини бошидан кечириши лозим.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБИ

Меҳнат унумдорлиги бир вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу натижани ходимларнинг ўртача сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади.

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} = \frac{\text{Фаолият натижаси (Q)}}{\text{Ходимлар сони (X)}}$$

$$\text{Қайта ҳисобланган Му (Му.ққ)} = \frac{Q^X}{X^P}$$

Меҳнат унумдорлиги ўзгаришига фаолият натижаси таъсирини аниқлаш

$$\Delta My_Q = M_y^{KX} - M_y^P = \frac{Q^X}{X^P} - \frac{Q^P}{X^P}$$

Меҳнат унумдорлиги ўзгаришига ходимлар сони таъсирини аниқлаш

$$\Delta My_X = M_y^X - M_y^{KX} = \frac{Q^X}{X^X} - \frac{Q^X}{X^P}$$

Икки омил таъсири Му.нинг умумий фарқига тенг (ΔМу):

$$\Delta My = My_Q \pm \Delta My_X$$

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
2. Ходимлар сони, киши	112	121	+9	108.0
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 2қ)	40.92	47.06	+6.14	115.0

Қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун маҳсулот ҳажмининг ҳақиқий миқдорини (Q^X) ходимлар сонининг ўтган йилги миқдорига (X^P) бўлинади:

$$M_y^{KX} = \frac{Q^X}{X_T^P} = \frac{5694,5}{112} = 50,84 \text{ минг сўм}$$

Маҳсулот ҳажмининг 1111,2 минг сўмга ошганлиги меҳнат унумдорлигининг 9,92 минг сўмга кўпайишига олиб келди:

$$50,84 - 40,92 = 9,92 \text{ минг сўм}$$

Ходимлар сонининг 9 кишига кўпайиши меҳнат унумдорлигини 3,78 минг сўмга камайтирди:

$$47,06 - 50,84 = -3,78 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:

$$9,92 - 3,78 = +6,14 \text{ минг сўм}$$

НАТИЖАГА (Q) ХОДИМЛАР СОНИ (Х) ИШЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ХОДИМЛАРДАГИ ҲИССАСИ (Уи) ВА УЛАР МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ТАЪСИРИНИ (Муи) АНИҚЛАШ

$$Q = X \times Уи \times Муи$$

Q.нинг Х эвазига ўзгаришини фарқлаш усул билан аниқлаш (ΔQх)

$$\Delta Qx = (X^{X} - X^{P}) \times У_{И}^{P} \times М_{УИ}^{P}$$

Q.нинг Уи таъсири эвазига ўзгаришини аниқлаш (ΔQуи)

$$\Delta Qуи = X^{X} \times (У_{И}^{X} - У_{И}^{P}) \times М_{УН}^{P}$$

Q.нинг Муи таъсири эвазига ўзгаришини аниқлаш (ΔQмуи)

$$\Delta Qмуи = X^{X} \times У_{И}^{X} \times (М_{УИ}^{X} - М_{УИ}^{P})$$

Q.нинг ўзгаришига барча омилларнинг таъсири

$$\Delta Q = \Delta Qx \pm \Delta Qуи \pm \Delta Qмуи$$

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига (Q) ходимлар сони (Х), ишчиларнинг умумий ходимлардаги улуши (Уи) ва улар меҳнат унумдорлигининг (Муи) таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, –)	Алмаштиришлар занжири		
				I	II	III
1. Ходимлар сони, киши	112	121	+9	121	121	121
2. Шу жумладан ишчилар сони	98	106	+8	x	x	x
3. Ишчиларнинг умумий ходимлар сонидаги улуши, % (2қ : 1қ × 100)	87.5	87.6	+0.1	87.5	87.6	87.6
4. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм (5қ : 2қ)	46.77	53.72	+6.95	46.77	46.77	53.72
5. Маҳсулот ҳажми, минг сўм (1қ × 3қ × 4қ)	4583.3	5694.5	+1111.2	4951.8	4957.4	5694.5

ХУЛОСА

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, натижанинг 1111,2 минг сўмга кўпайганлигига меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Ходимлар сонининг 9 кишига кўпайганлиги маҳсулот ҳажмини 368,5 минг сўмга кўпайтирган:

$$4951{,}8 - 4583{,}3 = +368{,}5 \text{ минг сўм}$$

2. Ишчиларнинг умумий ходимлардаги улушининг 0,1% кўпайганлиги маҳсулот ҳажмини 5,6 минг сўмга оширган:

$$4957{,}4 - 4951{,}8 = +5{,}6 \text{ минг сўм}$$

3. Ишчилар меҳнат унумдорлигининг 6,95 минг сўмга ошганлиги маҳсулот ҳажмини 737,1 минг сўмга оширган:

$$5694{,}5 - 4957{,}4 = +737{,}1 \text{ минг сўм}$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$368{,}5 + 5{,}6 + 737{,}1 = +1111{,}2 \text{ минг сўм}$$

2.6. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир корхона (фирма, компания) меҳнат потенциалидан фойдаланганлиги учун меҳнат ҳақи тўлайди. Меҳнат ҳақи бир томондан корхона учун харажат бўлса, иккинчи томондан, ходимларнинг моддий фаровонлигини белгилайди. Шунинг учун уни доимий равишда кўпайтириб бориш лозим. Аммо меҳнат ҳақи учун қилинган ҳар бир сўм, қилинган харажат юқори самара бериши лозим.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

- ★ Меҳнат ҳақининг режадаги миқдорини аниқлаш
- ★ Меҳнат ҳақининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш
- ★ Меҳнат ҳақи ҳажмига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш усуллари
- ★ Меҳнат ҳақи бўйича мутлақ ва нисбий фарқларни аниқлаш
- ★ Ушбу фарқларга таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби
- ★ Омилларни қайта ҳисоблаш ва занжирли алмаштириш усуллари билан аниқлаш йўллари

МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ РЕЖАДАГИ МИҚДОРИНИ ($М_X^P$) АНИҚЛАШ

$$М_X^P = (Мхм_1 \times Тр_1 \times Х_1) + (Мхм_1 \times Тр_2 \times Х_2) + \ldots + (Мхм_1 \times Тр_{II} \times Х_{II})$$

Бунда $Мхм_1$ — Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган минимал меҳнат ҳақининг миқдори;
$Тр_{1I}$ — Ягона тариф сеткасидаги тариф разряди;
$Х_{1i}$ — шу тариф разрядига тўғри келадиган ходимлар сони $(i = \overline{1,n})$

ЎРТАЧА МЕҲНАТ ҲАҚИ (Мҳ)

$$Мх = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n}(Мхм_1 \times Тр_1 \times Х_1)_i; \qquad (i = \overline{1,n})$$

Бунда n — Умумий ходимлар сони

МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИҚДОРИ

$М_X^X$ = Ишмх + Вмх — Бунда Ишмҳ — ишбай меҳнат ҳақи; Вмҳ — вақтбай меҳнат ҳақи

Ишиҳ = $Q_1^X \times М_{X1Q}^X$ — Бунда Q_1^X — Бажарилган иш ҳақи; $М_{X1Q}^X$ — 1 бажарилган иш учун тўланадиган меҳнат ҳақи

Вих = $М_{XM}^X \times Т_{P1}^X \times Х_1^X$ — Бунда Х — кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдорини белгилайдиган индекс

$$М_X^X = (Q_1^X \times М_{X1Q}^X)_1 + (М_{XM}^X \times Т_{P1Q}^X \times Х_1^X)_1$$

МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ РЕЖАДАГИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Фирмада 20 киши ишлайди. Улар меҳнат ҳақини олиш бўйича қуйидаги 5 гуруҳга тақсимланган:

Гуруҳ тартиб номери	Меҳнат ҳақи разряди	Тариф коэффициенти	Ходимлар сони	Минимал меҳнат разряди	Меҳнат ҳақининг умумий миқдори
1	17	5.827	1	1100	6409.7
2	14	4.995	3	1100	16483.5
3	12	4.395	5	1100	24172.5
4	9	3.592	7	1100	27658.4
5	3	2.155	4	1100	9482.0
Жами	X	X	20	X	84206.1

$$М_X^P = (5{,}828 \times 1100 \times 1) + (4{,}995 \times 1100 \times 3) + (4{,}395 \times 110 \times 5) + (3{,}592 \times 1100 \times 7) + (26155 \times 1100 \times 4) = 84206{,}1 \text{ сўм}$$

Режадаги ўртача меҳнат ҳақи

$$Мх = \frac{84206{,}1}{20} = 4210{,}3 \text{ сўм}$$

МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Вақтбай меҳнат ҳақи бўйича

Гуруҳ тартиб рақами	Ходимлар сони, киши	Минимал меҳнат ҳақи	Тариф коэффициенти	Тариф коэффициенти бўйича меҳнат ҳақи	Вақтбай меҳнат ҳақи, сўм
1	1	1100	5.827	6409.7	6409.7
2	3	1100	4.995	5494.5	16483.5
3	2	1100	2.155	2370.5	4741.0
Жами	6	X	X	X	27634.2
Жорий ойда ҳар бир киши бир минимал иш ҳақидан мукофот олган (1100 × 6)					6600
Ҳаммаси					34234.2

$$\text{Ўртача меҳнат ҳақи} = \frac{34234,2}{6} = 5705,7 \text{ сўм}$$

Ишбай меҳнат ҳақи бўйича

Гуруҳлар тартиб рақами	Ходимлар сони, киши	Бажарилган иш ҳажми, сўм	Бир минг сўм бажарилган иш учун тўланадиган меҳнат ҳақи, сўм	Ишбай меҳнат ҳақи, сўм	Ўртача ишбай меҳнат ҳақи, сўм
3	5	111517.0	235	26206.5	5241.3
4	7	146712.4	202	29635.9	4233.7
5	2	47233.0	103	4865.0	2432.5
Жами	14	305462.4	X	60707.4	4336.2

Меҳнат ҳақи умумий ҳажмининг ҳақиқий миқдори

$$М^{Х}_{Х} = \text{Ишмх} + \text{Вмх} = 60707,4 + 34234,2 = 94946,6 \text{ сўм}$$

$$\text{Ўртача меҳнат ҳақи} = \frac{94946,6}{20} = 4747,1 \text{ сўм}$$

МЕҲНАТ ҲАҚИ ҲАЖМИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

I. Ишбай меҳнат ҳақи бўйича

1. Меҳнат ҳақи ҳажмининг натижа ўзгаришига таъсири ($\Delta Мх.Q$)

$$\Delta Мх.Q = (Q^{Х} - Q^{Р}) \times М^{Р}_{ХIQ}$$

2. Бир иш ҳажмига тўланадиган меҳнат ҳақи ўзгаришининг таъсири ($\Delta Мх_{IQ}$)

$$\Delta Мх_{IQ} = Q^{Х} \times \left(М^{Х}_{ХIQ} - М^{Р}_{ХIQ}\right)$$

II. Вақтбай меҳнат ҳақи бўйича

3. Минимал иш ҳақи миқдори ўзгаришининг таъсири ($\Delta Мх.ихм$)

$$\Delta Мх.ихм = \left(М^{Х}_{ХМ} - М^{Р}_{ХМ}\right) \times Т^{Р}_{Р} \times Х^{Р}$$

4. Тариф сеткасида тариф разряди ўзгаришининг таъсири ($\Delta Мх.тр$)

$$\Delta Мх.тр = М^{Х}_{ХМ} \times \left(Т^{Х}_{Р} - Т^{Р}_{Р}\right) \times Х^{Р}$$

5. Ходимлар сони ўзгаришининг таъсири ($\Delta Мх.х$)

$$\Delta Мх.х = М^{Х}_{ХМ} \times Т^{Х}_{Р} \times \left(Х^{Х} - Х^{Р}\right)$$

Барча омиллар таъсири иш ҳақи ҳажмининг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta Мҳ = Мх.Q \pm \Delta Мх_{IQ} \pm \Delta Мх.ихм \pm \Delta Мх.тр \pm \Delta Мх.х$$

МЕҲНАТ ҲАҚИ УМУМИЙ МИҚДОРИГА АЛОҲИДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Фарқи (+, −)	МХ.нинг ВМ омил таъсиридаги ҳажми
1. Вақтбай меҳнат ҳақи оладиган ходимлар сони, киши (ВХ)	6	6	−	6
2. Вақтбай меҳнат ҳақи оладиган ходимларнинг ўртача меҳнат ҳақи, сўм (Вм)	4210.3	5705.7	+1495.4	5705.7
3. Ишбай меҳнат ҳақи оладиган ходимлар сони, киши (Их)	14	14		14
4. Ишбай меҳнат ҳақи оладиган ходимларнинг ўртача меҳнат ҳақи, сўм	4210.3	4336,2	+125.9	4210.3
5. Меҳнат ҳақи умумий ҳажми (МХ), сўм	84206.1	94946.6	+10740.5	93178.4

Меҳнат ҳақи умумий ҳажми 10740,5 сўмга ошган (94946,6 − 84206,1). Бунга тўрта омил таъсир қилиши керак эди. Аммо ходимлар сони икки ҳолатда ҳам ўзгармай қолган. Шу туфайли бу иккита омил эвазига содир бўлган.

1. Вақтбай меҳнат ҳақи оладиган ходимларнинг ўртача меҳнат ҳақининг 1495,4 сўмга ошганлиги унинг умумий ҳажмини 8972,3 сўмга кўпайтирган.
93178,4 − 84206,1 = +8972,3 сўм.

2. Ишбай меҳнат ҳақи оладиган ходимларнинг ўртача меҳнат ҳақи 125,9 сўмга ошганлиги натижани 1768,2 сўмга кўпайтирган.
94946,6 − 93178,4 = +1768,2 сўм.

Шу икки омил натижанинг умумий фарқига тенг.
8972,3 + 1768,2 = +10740,5 сўм.

МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ МУТЛАҚ ВА НИСБИЙ ФАРҚИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

Меҳнат ҳақининг (МХ) мутлақ фарқи

$$МХ = МХ^{Х} - МХ^{Р}$$

Бунда $МХ^{Х}$, $МХ^{Р}$ — меҳнат ҳақининг ҳақиқий ва режадаги миқдори

Меҳнат ҳақининг нисбий фарқи

$$МХ_{нф} = МХ^{КХ} - МХ^{Р}$$

Бунда $МК^{КХ}$ — қайта ҳисобланган меҳнат ҳақи

Қайта ҳисобланган меҳнат ҳақи

$$МХ^{КХ} = Q^{Х} \times М^{Р}_{ХIQ}$$

Бунда $Q^{Х}$ — МХ ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми
$М^{Р}_{ХIQ}$ — 1 бажарилган иш учун тўланадиган режадаги меҳнат ҳақи

Меҳнат ҳақи ҳажмининг нисбий фарқини аниқлаш ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Мутлақ фарқи	Нисбий фарқи
1. Бажарилган иш ҳажми, минг сўм	5443.8	5694.5	+250.7	X
2. Ўртача 1 та бажарилган ишга тўланадиган меҳнат ҳақи, сўмда	77.41	83.10	−5.69	X
3. Меҳнат ҳақининг умумий миқдори, минг сўм (1қ × 2қ)	421.4	432.2	+51.8	+19,4

Қайта ҳисобланган меҳнат ҳақининг умумий миқдори
5694,5 × 77,41 = 440,8 минг сўм

МХ.нинг нисбий фарқи
440,8 − 421,4 = +19,4 минг сўм

МЕҲНАТ ҲАҚИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

$$МХ = Х \times Умх$$

Бунда Х — ходимлар сони;
Умх — ўртача меҳнат ҳақи

Қайта ҳисобланган меҳнат ҳақи

$$Мх^{КХ} = Х^{Х} \times У^{Р}_{МХ}$$

МХ ўзгаришига ходимлар сонининг таъсири (ΔМХх)

$$\Delta МХх = МХ^{КХ} - МХ^{Р} = (Х^{Х} \times У^{Р}_{МХ}) - (Х^{Р} \times У^{Р}_{МХ})$$

МХ ўзгаришига Умх ўзгаришининг таъсири (ΔМХумх)

$$\Delta МХумх = МХ^{Х} - МХ^{КХ} = (Х^{Х} \times У^{Х}_{МХ}) - (Х^{Х} \times У^{Р}_{МХ})$$

МХ.га таъсир қилувчи омиллар

Ходимлар сони (Х) × Ўртача меҳнат ҳақи (Умх)

Иш ҳажми (Q) / Меҳнат унумдорлиги (Му)

Мх = Х × Ўмх

Х = Q / Му

Мх = (Q × Ўмх) / Му

МЕҲНАТ ҲАҚИ УМУМИЙ ҲАЖМИГА ХОДИМЛАР СОНИ ВА ЎРТАЧА МЕҲНАТ ҲАҚИ ЎЗГАРИШИНИНГ ТАЪСИРИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган натижа	Фарқи (+, −)		
				жами	шу жумладан	
					ходимлар сони эвазига	ўртача меҳнат ҳақи эвазига
1. Ўртача йиллик ходимлар сони, киши	112	121	121	+9	Х	Х
2. Ўртача меҳнат ҳақи, сўм	3181	3911	3181	+730	Х	Х
3. Меҳнат ҳақининг умумий ҳажми, минг сўм	356.3	473.2	384.9	+116.9	+28.6	+88.3

Меҳнат ҳақининг ҳажми ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 116,9 минг сўмга кўпайган.

(473,2 − 356,3)

Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Ўртача йиллик ходимлар сонининг 9 кишига кўпайганлиги меҳнат ҳақи умумий ҳажмини 28,6 минг сўмга оширган.

384,9 − 356,3 = +28,6 минг сўм

2. Ўртача меҳнат ҳақининг ўтган йилга нисбатан 730 сўмга ошганлиги унинг умумий ҳажмини 88,3 минг сўмга кўпайтирган.

473,2 − 384,9 = +88,3 минг сўм

Иккала омилнинг таъсири натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг:

28,6 + 88,3 = 116,9 минг сўм.

МЕҲНАТ ҲАҚИ ЎЗГАРИШИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ

Кўрсаткичлар	Режада	Ҳақиқатда	Занжирли алмаштириш		
			I омил ўзгаришн билан	II омил ўзгаришн билан	III омил ўзгаришн билан
1. Иш ҳажми (товар оборотн, тайёр маҳсулот ва ҳоказо)	Q^P	Q^X	Q^X	Q^X	Q^X
2. Меҳнат унумдорлиги	$МУ^P$	$МУ^X$	$МУ^P$	$МУ^X$	$МУ^X$
3. Ўртача меҳнат ҳақи	$М^P_{МХ}$	$М^X_{МХ}$	$У^P_{МХ}$	$У^P_{МХ}$	$У^X_{МХ}$
4. Меҳнат ҳақи ҳажми	$МХ^P$	$МХ^X$	$МХ_Q$	$МХ_{МУ}$	$МХ_{УМХ}$

1. Натижа ўзгаришига биринчи омил, яъни иш ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta МХ_Q = МХ_Q - МХ^P$$

2. Натижа ўзгаришига меҳнат унумдорлигининг таъсири:

$$\Delta МХ_{МУ} = МХ_{МУ} - МХ_Q$$

3. Натижа ўзгаришига ўртача меҳнат ҳақининг таъсири

$$\Delta МХ_{УМХ} = МХ_{УМХ} - МХ_{МУ}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$\Delta МХ = \Delta МХ_Q \pm \Delta МХ_{МУ} \pm \Delta МУ_{УМХ}$$

МЕҲНАТ ҲАҚИ УМУМИЙ ҲАЖМИГА ИШ ҲАЖМИ, МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ЎРТАЧА МЕҲНАТ ҲАҚИ ЎЗГАРИШИ ТАЪСИРИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Иш ҳажми, яъни ялпи маҳсулот, минг сўм	4583.3	5694.5	+1111.	5694.5	5694.5	5694.5
2. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	40.92	47.06	+6.14	40.92	47.06	47.06
3. Ўртача меҳнат ҳақи, сўм	3181	3911	+730	3181	3181	3911
4. Меҳнат ҳақининг умумий ҳажми, минг сўм (1қ : 2қ × 3қ)	356.3	473.2	+116.9	442.7	384.9	473.2

Меҳнат ҳақи умумий ҳажмининг 116,9 минг сўмга ошганлиги қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Ялпи маҳсулот ҳажмининг 1111,2 минг сўмга ошганлиги меҳнат ҳақи умумий миқдорини 86,4 минг сўмга кўпайтирган:

$$442,7 - 356,3 = +86,4 \text{ минг сўм.}$$

2. Меҳнат унумдорлигининг 6,14 минг сўмга ошганлиги меҳнат ҳақи харажатларини 57,8 минг сўмга камайтирган:

$$384,9 - 442,7 = -57,8 \text{ минг сўм.}$$

3. Ўртача меҳнат ҳақининг 730 сўмга ошганлиги унинг умумий ҳажмини 88,3 минг сўмга кўпайтирган:

$$473,2 - 384,9 = +88,3 \text{ минг сўм.}$$

Барча омил таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$86,4 - 57,8 + 88,3 = +116,9 \text{ минг сўм.}$$

2.7. КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ (ПОТЕНЦИАЛИНИ) БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Корхонанинг молиявий потенциали деганда унинг маблағлари манбалари қайси молиявий манбалардан таркиб топганлиги тушунилади.

Ушбу бобда:

- ★ Корхона молиявий потенциалининг таркиби
- ★ Корхона молиявий потенциалини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
- ★ Молиявий потенциал ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
- ★ Молиявий потенциал ҳолатини таҳлил қилиш усуллари
- ★ Молиявий потенциал самарадорлиги, уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари
- ★ Молиявий потенциал самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш йўллари

каби масалалар билан танишасиз.

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛИНИНГ ТАРКИБИ



КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛИ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
1. Молиявий потенциалнинг ўртача қиймати	8056,3	9522,5	+1466,2	118,2
2. Ўз маблағларининг ўртача қиймати	4039,9	4307,5	+267,6	106,6
3. Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати	4016,4	5215,0	+1198,6	129,8
4. Молиявий потенциалда ўз маблағларининг улуши, % (2қ : 1қ × 100)	50,15	45,23	−4,92	90,2
5. Молиявий потенциалда четдан жалб қилинган маблағлар улуши, % (3қ : 1қ × 100)	49,85	51,77	+4,92	109,9
6. Асосий воситаларининг ўртача қиймати	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
7. Ўз маблағларининг капиталлашганлик даражаси, % (6қ : 2қ × 100)	73,18	81,20	+8,02	111,0
8. Ўз маблағининг ҳаракатчанлик даражаси, % (100 − 7қ)	26,82	18,80	−8,02	70,1
9. Айланма маблағларининг ўртача қиймати	7269,0	8810,0	+1541,0	121,2
10. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати	1456,3	1545,0	+88,7	106,1
11. Айланма маблағларнинг қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағлар билан таъминланганлиги, тийин (10қ : 9қ)	0,20	0,18	−0,02	90,0

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛИ САМАРАДОРЛИГИ



МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТИЗИМИ



Натижа билан ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Рмп = \frac{Ф}{Мп} = \frac{Ф}{Д} \times \frac{Д}{Q} \times \frac{Q}{Мп}$$

Агар формулани қуйидагича қисқартириб олсак

$$Рмп = У; \quad \frac{Ф}{Д} = X_1; \quad \frac{Д}{Q} = X_2; \quad \frac{Q}{Мп} = X_3$$

Ушбу натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги мультипликатив модель шаклига келади:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3$$

Бунда У — рентабеллик даражаси;

X_1 — фойданинг даромаддаги ҳиссаси;

X_2 — маҳсулотнинг даромаллилиги;

X_3 — молиявий потенциал самарадорлиги.

МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ИНДЕКС УСУЛИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

I. Индекс усули

$$Мпр = \frac{Ф}{Мп} = \frac{Ф}{Д} \times \frac{Д}{Q} \times \frac{Q}{Мп}$$

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик

$$Мпр = Фд \times До \times Qмп$$

Натижага биринчи омил таъсири

$$\Delta M_{ПР}^{ФД} = \left(M_{ПР}^{P} \times i_{ФД}\right) - M_{ПР}^{P}$$

Натижага иккинчи омил таъсири

$$\Delta M_{ПР}^{ДQ} = \left(M_{ПР}^{P} \times i_{ФД} \times i_{ДQ}\right) - \left(M_{ПР}^{P} \times i_{ФД}\right)$$

Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсири

$$\Delta M_{ПР}^{QМП} = M_{ПР}^{X} - \left(M_{ПР}^{P} \times i_{ФД} \times i_{ДQ}\right)$$

Натижа ўзгаришига барча омиллар таъсири

$$\Delta M_{ПР} = \Delta M_{ПР}^{ФД} \pm \Delta M_{ПР}^{ДQ} \pm \Delta M_{ПР}^{QМП}$$

II. Натижа ўзгаришига ушбу омиллар таъсирини фарқли усул билан аниқлаш

$$\Delta УX_1 = \left(X_1^X - X_2^P\right) \times X_2^P \times X_3^P$$

$$\Delta УX_2 = X_1^X \times \left(X_2^X - X_2^P\right) \times X_3^P$$

$$\Delta УX_3 = X_1^X \times X_2^X \times \left(X_3^X - X_3^P\right)$$

$$\Delta У = \Delta УX_1 \pm \Delta УX_2 \pm \Delta УX_3$$

МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ САМАРАДОРЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Соф фойда	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Барча даромадлар	593,6	800,4	+206,8	134,8
3. Маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
4. Молиявий потенциал	8056,3	9522,5	+1466,2	118,2
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Фойданинг даромадлардаги улуши (Фд) (1қ : 2қ)	61,995	61,994	−0,001	100,0
6. Даромадларнинг маҳсулотлардаги ҳиссаси (Да) (2қ : 3қ)	0,1295	0,1406	+0,0111	108,57
7. Молиявий потенциал самарадорлиги (Qмп) (3қ : 4қ)	0,5689	0,5980	+0,0291	105,12
8. Молиявий потенциал рентабеллиги (Мпр) (1қ : 4қ)	4,568	5,211	+0,643	114,8

МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕНТАБЕЛЛИГИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ИНДЕКС УСУЛИ БИЛАН ҲИСОБЛАШ

1. Фойданинг даромаддаги улуши 0,001% га ошганлиги натижанинг ўзгаришига таъсир қилмаган

$$4{,}568 \times 1{,}0 - 4{,}568 = 0$$

2. Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссасининг 0,0291 га ошганлиги натижани 0,391% га оширган:

$$(4{,}568 \times 1{,}0 \times 1{,}0857) - (4{,}568 \times 1{,}0) = 4{,}959 - 4{,}568 = +0{,}391$$

3. Молиявий потенциал самарадорлигининг 0,0291 коэффициентга ошганлиги натижани 0,252% га кўпайтирган:

$$5{,}211 - (4{,}568 \times 1{,}0 \times 1{,}0857) = 5{,}211 - 4{,}959 = +0{,}252$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг:

$$0 + 0{,}391 + 0{,}252 = +0{,}643$$

2.8. КОРХОНАНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Корхонанинг ўз маблағлари унинг молиявий салоҳиятининг асосий қисми бўлиб, у устав, қўшилган ва захира сармояларини, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар, турли жамғармалар, келгуси давр харажатлари, захиралар ва даромадларини ўз ичига олади. Бу бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги биринчи бўлимида ифодаланади.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади.

- ★ Корхона ўз маблағларининг таркиби.
- ★ Ўз маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.
- ★ Ўз маблағлари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
- ★ Ўз маблағлари билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
- ★ Ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.
- ★ Ўз маблағлари фойдалилигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ҳисоб-китоби.

КОРХОНА ЎЗ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ТАРКИБИ



ЎЗ МАБЛАҒЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ



КОРХОНАНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариш (+, −)	Ўзгариш сурьати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Ўз маблағларининг умумий ҳажми (МУм), минг сўм	4115	4500	+385	109.4
1.1. Низом жамғармаси, минг сўм	2300	2200	−100	95.7
1.2. Акциялар, минг сўм	500	600	+100	120.0
1.3. Тақсимланмаган фойда, минг сўм	1315	1700	+385	129.3
2. Барча активлар, минг сўм	9345	9700	+355	103.8
3. Ўз маблағи ҳисобидан қопланган асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активлар	3685	3700	+15	100.4
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Низом жамғармасининг Ум.даги ҳиссаси, (1.1қ : 1қ)	0.559	0.489	−0.070	87.5
5. Акциялар қийматининг Ум.даги ҳиссаси (1.2қ : 1қ)	0.122	0.133	+0.011	109.0
6. Тақсимланмаган фойданинг Ум. даги ҳиссаси (1.3қ : 1қ)	0.320	0.378	+0.058	118.1
7. Ум.нинг тўпланиш коэффициенти (1қ : 2қ)	0.440	0.464	+0.024	105.5
8. Ум.нинг капиталлашганлик коэффициенти (3қ : 1қ)	0.896	0.822	−0.074	91.7

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АПИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариш (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Ўз маблағлари (Ум), минг сўм	4115	4500	+385	109.4
2. Узоқ муддатли активлар, минг сўм	3685	3700	+15	100.4
3. Оборот активлари, минг сўм	5660	6000	+340	106.0
4. Узоқ муддатли пассивлар, минг сўм	2700	2700	—	100.0
5. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар, минг сўм	300	330	+30	110.0
6. Узоқ муддатли эзёмлар, минг сўм	—	—	—	—
7. Оборот активларида иштирок этаётган ўз маблағлари, минг сўм (1қ + 4қ) − (2қ + 6қ)	3130	3500	+370	111.8
8. Товар захиралари, минг сўм	3000	2700	−300	90.0
9. Ум. ҳисобидан қопланган дебиторлар, минг сўм	1900	2000	+100	105.3
10. Ум. ҳисобидан қопланган пул маблағлари, минг сўм	300	450	+150	150.0
11. Товар захираларидаги Ум (7қ−9қ−10қ)	930	1050	+120	112.9
Нисбий кўрсаткичлар				
12. Узоқ муддатли активларнинг Ум. билан таъминланганлик даражаси, коэффициенти (1қ : 2қ)	1.117	1.216	+0.099	108.9
13. Оборот активларининг ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (7қ : 3қ)	0.553	0.583	+0.030	105.4
14. Товар захираларининг Ум. билан таъминланганлик коэффициенти (11қ : 8қ)	0.310	0.389	+0.079	125.5

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



Бунда Қ — Ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ҳажми ёки сотилган маҳсулот;

Д — Барча фаолиятдан олинган даромад суммаси;

Ф — Фойда суммаси.

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш сўрьати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583.3	5694.3	+1111.2	124.2
2. Даромадлар, минг сўм	511.0	711.7	+200.7	139.3
3. Фойда, минг сўм	368.0	496.2	+128.2	134.8
4. Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3938	4308	+370	109.4
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Ум.нинг натижавийлиги, сўм (1қ : 4қ)	1.164	1.322	+0.158	113.6
6. Ум.нинг даромадлилиги, сўм (2қ : 4қ)	0.130	0.165	+0.035	127.1
7. Ум.нинг фойдалилиги, сўм (3қ : 4қ)	0.093	0.155	+0.022	123.7
Омиллар				
8. Фойданинг даромаддаги ҳиссаси, коэффициентда (3қ : 2қ)	0.720	0.697	−0.023	96.8
9. Даромаднинг маҳсулотдаги ҳиссаси, коэффициентда (2қ : 1қ)	0.111	0.125	+0.014	112.5

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ФОЙДАЛИЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



Ушбу боғлиқликлар қуйидаги мультипликатив модель билан ифодаланади:

$$Фум = Фд \times Дм \times Мум$$

Занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб ўз маблағлари фойдалилигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мумкин.

1. Ўз маблағлари фойдалилигининг ўзгаришига фойданинг даромаддаги ҳиссаси ўзгаришининг таъсири (ΔФум.Фд) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta Фум.Фд = \left(Ф_Д^X \times Д_М^Р \times М_{УМ}^Р\right) - \left(Ф_Д^Р \times Д_М^Р \times М_{УМ}^Р\right)$$

2. Натижанинг маҳсулотнинг даромадлилик даражаси эвазига ўзгаришини (ΔФум.Дм) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Фум.Дм = \left(Ф_Д^X \times Д_М^X \times Д_{УМ}^Р\right) - \left(Ф_Д^X \times Д_М^Р \times М_{УМ}^Р\right)$$

3. Ум. фойдалилигининг ўз маблағлари натижавийлиги таъсирида ўзгаришини (ΔФум.Мум) қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Delta Фум.Мум = \left(Ф_Д^X \times Д_М^X \times М_{УМ}^X\right) - \left(Ф_Д^X \times Д_М^X \times М_{УМ}^Р\right)$$

Барча омиллари таъсири натижанинг умумий фарқига (Фум) тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Фум = \Delta Фум.Фд \pm \Delta Фум.Дм \pm \Delta Фум.Мум.$$

ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ФОЙДАЛИЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Фойданинг даромаддаги ҳиссаси, коэффициентда	0.720	0.697	−0.023	0.697	0.697	0.697
2. Маҳсулотнинг даромадлилик даражаси, %	11.1	12.5	+1.4	11.1	12.5	12.5
3. Ўз маблағининг натижавийлиги, сўм	1.164	1.322	+0.158	1.164	1.164	1.322
4. Ўз маблағининг фойдалилиги, % (1қ×2қ×3қ)	9.3	11.5	+2.2	9.0	10.1	11.5

Ўз маблағларининг фойдалилиги 2,2% ўсди. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилди:

1. Фойданинг даромаддаги ҳиссасининг 0,023 коэффициентга камайиши ўз маблағларининг фойдалилигини 0,3% камайтирди:

$$9,0 - 9,3 = -0,3\%$$

2. Маҳсулот даромадлилик даражасининг 1,4% ошганлиги натижани 1,1% оширди:

$$10,1 - 9,0 = +1,1\%$$

3. Ўз маблағининг натижавийлиги (маҳсулдорлиги) 15,8 тийинга ошганлиги ўз маблағининг фойдалилигини 1,4% кўпайтирди:

$$11,5 - 10,1 = +1,4\%$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$-0,3 + 1,1 + 1,4 = +2,2\%.$$

2.9. ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ТАҲЛИЛИ

Четдан жалб қилинган маблағларга мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан келиб чиқадиган бўлса, ўз маблағларидан ташқари корхона ихтиёридаги барча маблағ манбалари киради. Бу бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги иккинчи бўлимда кўрсатилади.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

- ★ Корхонани молиялаштириш манбалари
- ★ Четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий тузилиши
- ★ Четдан жалб қилинган маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
- ★ Четдан жалб қилинган маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари
- ★ Четдан жалб қилинган маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари
- ★ Четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари
- ★ Четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлигининг омилли таҳлили.

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

Корхонанинг молиялаштириш манбалари турли белгилар бўйича таснифланади. Бозорли иқтисодиёт шароитида унинг қуйидагича таснифланиш белгилари қўлланилади.



ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ (ЧЖМ) ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ



ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИ (ЧЖМ) ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ



ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАРНИНГ ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар	Аниқлаш йўллари	Нимани ифодалаши
ЧЖМ.нинг ўртача йиллик қиймати	$\frac{\text{ЧЖМйб} + \text{ЧЖМйо}}{2}$	ЧЖМ.нинг ўртача йиллик қийматининг қанча бўлганлигини
ЧЖМ.га қарамлик коэффициенти	$\frac{\text{ЧЖМ}}{\text{Б}}$	ЧЖМ.нинг умумий маблағлардаги ҳиссасини
ЧЖМ.нинг таркибий тузилиши	$\frac{\text{ЧЖМ. алоҳида турлари}}{\text{ЧЖМ}}$	ЧЖМ алоҳида турларининг умумий ЧЖМ.даги ҳиссасини
Ўз маблағларининг ЧЖМ.га қарашлик коэффициенти	$\frac{\text{ЧЖМ}}{\text{Ум}}$	1 сўм ўз маблағига қанча ЧЖМ тўғри келишини

ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ҲОЛАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш сурьати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Корхонанинг барча маблағлари, (Б)	9345	9700	+355	103,8
2. ЧЖК маблағлар	5230	5200	−30	99,4
2.1. Узоқ муддатли мажбуриятлар (УММ)	2700	2700	—	100,0
2.2. Қисқа муддатли қарзлар ва заёмлар (ҚММ)	1590	1500	−90	94,3
2.3. Кредитор қарзлар (КК)	940	1000	+60	106,2
3. Ўз маблағлари (Ум)	4115	4500	+385	109,4
Нисбий кўрсаткичлар				
4. ЧЖМ қарамлик коэффициенти (2к : 1к)	0,560	0,536	−0,094	95,7
5. ЧЖМ таркибий коэффициенти				
5.1. Умм.нинг ЧЖМ. даги ҳиссаси (2.1к : 2к)	0,516	0,519	+0,003	100,6
5.2. ҚММ.нинг ЧЖМ. даги ҳиссаси (2.2к : 2к)	0,304	0,288	−0,016	94,7
5.3. КК.нинг ЧЖМ. даги ҳиссаси (2.3к : 2к)	0,180	0,192	+0,012	106,7
6. Ўз маблағларининг ЧЖМ.га қарамлик коэффициенти (2к : 3к)	1,271	1,156	−0,115	90,6

ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



ЧЖМ билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш сурьати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. ЧЖМ умумий қиймати	5230	5200	−30	99,4
2. Узоқ муддатли ЧЖМ	2700	2700	—	100,0
3. Асосий воситалар	3495	3500	+5	100,1
4. Айланма маблағлар	5660	6000	+340	106,0
5. Товар захиралари	3000	2700	−300	90,0
Нисбий кўрсаткичлар				
6. Узоқ муддатли ЧЖМ. нинг АВ.даги ҳиссасининг коэффициенти (2к : 3к)	0,773	0,771	−0,002	99,8
7. ЧЖМ.нинг Ам.даги ҳиссасининг коэффициенти (1к : 4к)	0,924	0,867	−0,057	93,8
8. ЧЖМ.нинг товар захираларидаги ҳиссаси (1к : 5к)	1,743	1,926	+0,183	110,5

ЧЖМ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ



ЧЖМ.нинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Даромадлар суммаси	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Фойда суммаси	368,0	496,2	+128,2	134,8
4. ЧЖМ умумий ҳажми	5230	5200	−30	99,4
Нисбий кўрсаткичлар				
5. ЧЖМ.нинг натижавийлиги (1к : 4к)	0,876	1,095	+0,219	125,0
6. ЧЖМ.нинг даромадлилиги (2к : 4к)	0,098	0,137	+0,039	139,8
7. ЧЖМ.нинг фойдалилиги 4к)	0,070	0,095	+0,025	136,3

ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ФОЙДАЛИЛИГИ (ЧЖМ) ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



Булар ўртасидаги боғлиқликнинг математик ифодаси:

$$Р_{ЧЖМ} = а \times в \times с$$

Занжирли алмаштириш йўли билан натижа ўзгаришига омиллар таъсир қуйидагича ҳисобланади

Биринчи (а) омил таъсири ($\Delta Р_{ЧЖМ.а}$)

$$\Delta Р_{ЧЖМ.а} = (а^{Х} \times в^{Р} \times с^{Р}) - (а^{Р} \times в^{Р} \times с^{Р})$$

Иккинчи (в) омил таъсири ($\Delta Р_{ЧЖМ.в}$)

$$\Delta Р_{ЧЖМ.в} = (а^{Х} \times в^{Х} \times с^{Р}) - (а^{Х} \times в^{Р} \times с^{Р})$$

Учинчи (с) омил таъсири ($\Delta Р_{ЧЖМ.с}$)

$$\Delta Р_{ЧЖМ.с} = (а^{Х} \times в^{Х} \times с^{Х}) - (а^{Х} \times в^{Х} \times с^{Р})$$

Барча омиллар таъсири ($\Delta Р_{ЧЖМ}$)

$$\Delta Р_{ЧЖМ} = \Delta Р_{ЧЖМ.а} \pm \Delta Р_{ЧЖМ.в} \pm \Delta Р_{ЧЖМ.с}$$

ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР ФОЙДАЛИЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	
			суммаси	% да
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Ялпи даромад, минг сўм	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
4. ЧЖМ.нинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5230	5200	−30	99,4
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси, % (1к × 100 : 2к)	72,02	69,72	−2,3	96,8
6. Даромаднинг даражаси, % (2к × 100 : 3к)	11,15	12,46	+1,34	112,0
7. ЧЖМ.нинг самарадорлиги, сум (3к : 4к)	0,876	1,095	+0,219	125,0
8. ЧЖМ ретабеллиги, % (1к × 100 : 4к) (ёки 5к × 6к × 7к)	7,0	9,5	+2,5	136,3

ЧЖМ РЕНТАБЕЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИНГ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,−)	Занжирли алмаштириш		
				1	2	3
1. Соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссаси, коэффициентда	0,7202	0,6972	−0,0230	0,6972	0,6972	0,6972
2. Даромаднинг даражаси, маҳсулотга нисбатан % ҳисобида	11,15	12,49	+1,34	11,15	12,49	12,49
3. ЧЖМ.нинг самарадорлиги, сўм	0,876	1,095	−0,219	0,876	0,876	1,095
4. ЧЖМ.нинг рентабеллиги, % (1к × 2к × 3к)	7,0	9,5	+2,5	6,8	7,6	9,5

ЧЖМ РЕНТАБЕЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИНГ 2,5% ЎЗГАРИШИГА ҚУЙИДАГИ ОМИЛЛАР ТАЪСИР ҚИЛГАН

1. Соф фойданинг ялпи даромаддаги ҳиссасининг 0,023 коэффициентга камайиши ЧЖМ.лар рентабеллик даражасини 0,2% камайтирди.

$$6,8 - 7,0 = -0,2\%$$

2. Даромад даражасининг ҳисобот йилида 1,34% ошганлиги ЧЖМ.лар рентабеллигини 0,8% оширди.

$$7,6 - 6,8 = +0,8\%$$

3. ЧЖМ самарадорлигининг 0,219 сўмга ошганлиги таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар миқдорини 1,9% оширди.

$$9,5 - 7,6 = +1,9\%$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига (+2,5%) тенг

$$-0,2 + 0,8 + 1,9 = +2,5\%$$

2.10. КОРХОНА БАЛАНСИ ЛИКВИДЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Корхона балансининг ликвидлиги деганда балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг балансда кўрсатилган мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади. Ушбу кўрсаткичлар бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг эркин рақобат майдонида фаолият кўрсатилиши жараёнида банкротлик ҳолатига тушиш ва синиш хавфидан сақланиш мақсадида қўлланиладиган бўлди. Шу боисдан ушбу кўрсаткичлар таҳлилнинг объектига айланди.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади.

* Балансда кўрсатилган маблағлар ва мажбуриятларнинг ликвидлилик даражаси бўйича гуруҳланиши
* Бухгалтерия баланси актив қисмининг ликвидлилик даражаси бўйича гуруҳланиши
* Бухгалтерия баланси пассив қисмининг ликвидлилик даражаси бўйича гуруҳлаш
* Корхона баланси ликвидлилигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Корхона ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги
* Ликвидлилик даражасига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўллари

БАЛАНСДА КЎРСАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ЛИКВИДЛИЛИК ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ГУРУҲЛАНИШИ



Баланснинг мутлоқ ликвидлигини таъминлаш учун қуйидаги ҳолатга эришиш лозим:

$$А_1 \geq П_1 \qquad А_3 \geq П_3$$

$$А_2 \geq П_2 \qquad А_4 \leq П_4$$

КОРХОНА БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИНИНГ АКТИВ ҚИСМИНИ ЛИКВИДЛИЛИК ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ГУРУҲЛАШ

Корхона балансининг ликвидлилигини аниқлаш учун унинг активларини (маблағларини) ликвид бўлиш вақти жиҳатидан тегишли гуруҳга бўлиш лозим. Бу тўрт гуруҳга бўлинади.

1. Зудлик билан ликвид бўладиган активлар ($А_1$) — 2 ойгача

2. Тезроқ ликвид бўладиган активлар ($А_2$) — 2 ойдан 6 ойгача

3. Секин ликвид бўладиган активлар ($А_3$) — 6 ойдан 1 йилгача

4. Қийин ликвид бўладиган активлар ($А_4$) — 1 йилдан ошиқ.

$А_1$ = Пул маблағлари + бошқа қисқа муддатли активлар

$А_2$ = Дебиторлик қарзлари

$А_3$ = Захиралар ва харажатлар + бошқа моддий айланма маблағлар

$А_4$ = Асосий воситалар ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ ПАССИВ ҚИСМИНИНГ ТЎЛАНИШ МУДДАТИ БЎЙИЧА ГУРУҲЛАНИШИ

Корхонанинг ликвидлилигини аниқлаш учун унинг пассивларини ҳам тўланиш жиҳатидан тегишли гуруҳларга бўлиш лозим. Булар ҳам тўрт гуруҳга бўлинади.

1. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятлар ($П_1$) — 2 ойгача
2. Қисқа муддатли мажбуриятлар ($П_2$) — 2 ойдан 6 ойгача
3. Узоқ муддатли пассивлар ($П_3$) — 6 ойдан 1 йилгача
4. Доимий пассивлар ($П_4$) — 1 йилдан ошиқ.

$П_1$ = Меҳнат ҳақи + тўлаш муддати келган кредитлар + Ўз вақтида тўланмай қолган ссудалар
$П_2$ = Қисқа муддатли кредитлар ва заём маблағлар
$П_3$ = Узоқ муддатли кредитлар ва заём маблағлари
$П_4$ = Хусусий капитал (ўз маблағлари) ва шунга тенглаштирилган маблағлар

Корхона балансининг умумий ликвидлилиги (Л)ни аниқлаш учун қуйидаги А. Д. Шеремет тавсия қилган формуладан фойдаланиш мумкин (Бухгалтерский учет / Под ред. П. С. Безруких. — М.: Бухгалтерский учет, 1994. — 508 с.).

$$Л = \frac{a_1 \times А_1 + a_2 \times А_2 + a_3 \times А_3}{a_1 \times П_1 + a_2 \times П_2 + a_3 \times П_3}$$

Бунда: a_j — ҳар бир гуруҳнинг моҳиятлилик коэффициенти ($i = \overline{1,n}$);

$А_i$ — баланснинг актив қисмидаги маблағлар гуруҳларининг ликвидлилик даражаси бўйича гуруҳлари;

$П_i$ — баланснинг пассив қисмининг ликвидлилик даражаси бўйича гуруҳлари.

КОРХОНА БАЛАНСИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ



КОРХОНА БАЛАНСИГА АСОСАН ЛИКВИД МАБЛАҒЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР СУММАСИНИ АНИҚЛАШ

Актив кўрсаткичлар гуруҳи	Суммаси, минг сўм		Пассив мажбуриятлар гуруҳи	Суммаси, минг сўм	
	йил бошида	йил охирида		йил бошида	йил охирида
А1	300	450	П1	1530	1650
А2	1900	2000	П2	1000	850
А3	3460	3550	П3	2700	2700
А4	3685	3700	П4	4115	4500
Баланс	9345	9700	Баланс	9345	9700

КОРХОНА БАЛАНСИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Фарқи (+, −)
1. Жорий активлар (А1 + А2 + А3)	5660	6000	+340
2. Жорий пассивлар (П1 + П2)	2530	2500	−30
3. Пул маблағлари ва бошқа активлар	300	450	+150
4. Дебиторлар	1900	2000	+100
5. Жорий ликвидлик коэффициенти (1қ : 2қ)	2.237	2.400	+0.163
6. Тез ликвидлик коэффициенти (3қ + 4қ) : 2қ	0.870	0.980	+0.110
7. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти (3қ : 2қ)	0.119	0.180	+0.061

КОРХОНА ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Корхона балансининг тез ликвидлилик даражаси (Лкм)

$$Лкм = \frac{A_1 + A_2}{П_1 + П_2} = \frac{A_{12}}{П_{12}};$$

$$Лкм = \frac{A_{12}}{AM_{123}} \times \frac{AM_{123}}{A_1} \times \frac{A_1}{A_2} \times \frac{A_2}{П_1} \times \frac{П_1}{П_{12}}$$

Бу кўрсаткичлар боғлиқлигини математик моделнинг қисқартириш усулидан фойдаланиб қуйидагича ифода этиш мумкин:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 \times X_5 = \prod_{i=1}^{5} X_i; \quad (i = \overline{1,5})$$

Бунда: У — Корхона балансининг тез ликвид бўлиш даражаси;

X_1 — Тез ликвид бўладиган маблағларнинг барча айланма маблағлардаги ҳиссаси;

X_2 — Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг айланма маблағлар билан таъминланиши;

X_3 — Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг (активларнинг) тез ликвид бўладиган активлардаги ҳиссаси;

X_4 — Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг тез ликвид бўладиган активлар билан таъминланиш даражаси;

X_5 — Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг барча қисқа муддатли мажбуриятлардаги ҳиссаси.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЛИКВИДЛИЛИК ДАРАЖАСИГА АЛОҲИДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Корхона балансининг ликвидлилик даражасига юқоридаги формулага асосан бешта омил таъсир қилади. Уларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули билан қуйидагича аниқлаш мумкин.

1. Корхона балансининг қисқа муддатли ликвидлилик даражасига, яъни натижа ўзгаришига қисқа муддатли ликвид маблағларнинг барча айланма маблағлардаги ҳиссасининг таъсири $(\Delta У_{X1})$ қуйидагича аниқланади:

$$\Delta У_{X1} = \left(X_1^X \times X_2^P \times X_3^P \times X_4^P \times X_5^P\right) - У_0 = У_{X1} - У_0;$$

2. Натижанинг ўзгаришига зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси (X_2) ўзгаришининг таъсири $(\Delta У_{X2})$ қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta У_{X2} = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^P \times X_4^P \times X_5^P\right) - У_{X1} = У_{X2} - У_{X1};$$

3. Натижанинг ўзгаришига учинчи омилнинг (X_3) таъсирини $(\Delta У_{X3})$ қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta У_{X3} = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^P \times X_5^P\right) - У_{X2} = У_{X3} - У_{X2};$$

4. Натижанинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг (X_4) таъсирини $(\Delta У_{X4})$ аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta У_{X4} = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^X \times X_5^P\right) - У_{X3} = У_{X4} - У_{X3};$$

5. Натижанинг ўзгаришига бешинчи омилнинг (X_5) таъсири $(\Delta У_{X5})$ қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta У_{X5} = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^X \times X_5^X\right) - У_{X4} = У_{X5} - У_{X4};$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta У = \Delta У_{X1} \pm \Delta У_{X2} \pm \Delta У_{X3} \pm \Delta У_{X4} \pm \Delta У_{X5}$$

КОРХОНА БАЛАНСИ ЛИКВИДЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)	
			сўмда, минг сўм	%
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Зудлик билан ликвид бўладиган активлар (пул маблағлари) ва бошқа қисқа муддатли активлар (А1)	300	450	+150	150
2. Тез ликвид бўладиган активлар (дебиторлар) (А2)	1900	2000	+100	105.3
3. Секин ликвид бўладиган активлар (захиралар ва харажатлар, бошқа мобил айланма маблағлар) (А3)	3460	3550	+90	102.6
4. Барча айланма маблағлар (А123)	5660	6000	+340	106.0
5. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятлар (П1)	1530	1650	+120	107.8
6. Жорий пассивлар (П1 + П2)	2530	2500	−30	898.8
Нисбий кўрсаткичлар				
7. Тез ва зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг барча айланма маблағлардаги ҳиссаси [(1к + 2к) : 4к]	0.3887	0.4083	+0.0196	104.9
8. Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг айланма маблағлар билан таъминланиши (4к : 1к)	18.8667	13.3333	−5.5334	70.7
9. Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг тез ликвид бўладиган активлардаги ҳиссаси (1к : 2к)	0.1579	0.225	+0.0671	142.4
10. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг тез ликвид бўладиган активлар билан таъминланиш даражаси (2к : 5к)	1.2418	1.2121	−0.0297	97.6
11. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг барча қисқа муддатли мажбуриятлардаги ҳиссаси (5к : 6к)	0.6047	0.6600	+0.0553	109.1
12. Тез ликвидлилик коэффициенти [(1к+2к) : 6к]	0.8696	0.9800	+0.1104	112.6

КОРХОНА БАЛАНСИНИНГ ТЕЗ ЛИКВИДЛИЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариш (+, –)	Занжирли алмаштириш				
				I	II	III	IV	V
1. Тез ва зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг барча айланма маблағлардаги ҳиссаси (X1)	0,3887	0.4083	−0.0196	0.4083	0.4083	0.4083	0.4083	0.4083
2. Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг айланма маблағлар билан таъминланиши (X2)	18.867	13.333	−5.334	18.867	13.333	13.333	13.333	13.333
3. Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг тез ликвид бўладиган активлардаги ҳиссаси (X3)	0,1579	0.2250	+0.0671	0.1579	0.1579	0.225	0.225	0.225
4. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг тез ликвид бўладиган активлар билан таъминланиш даражаси (X4)	1.2418	1.2121	−0.0297	1.2418	1.2418	1.2418	1.2121	1.2121
5. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг барча қисқа муддатли мажбуриятлардаги ҳиссаси (X5)	0.6047	0.6600	+0.0553	0.6047	0.6047	0.6047	0.6047	0.6600
6. Тез ликвидлилик коэффициенти ($1қ \times 2қ \times 3қ \times 4қ \times 5қ$) (У)	0.8696	0.9800	+0.1104	0.9134	0.6455	0.9198	0.8978	0.9800

Ушбу жадвалда корхонанинг тез ликвидлилик коэффициенти 0,1104 га кўпайганлиги кўриниб турибди. Бунга бешта омил таъсир қилган.

1. Тез ва зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг барча айланма маблағлардаги ҳиссасининг 0,0196 га камайганлиги натижани, яъни тез ликвидлилик коэффициентини 0,0438 га оширди.

$$0,9134 - 0,8696 = +0,0438.$$

2. Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг айланма маблағлар билан таъминланиш коэффициентининг 5,334 га камайиши натижанинг 0,2679 га камайишига сабаб бўлди:

$$0,6455 - 0,9134 = -0,2679.$$

3. Зудлик билан ликвид бўладиган маблағларнинг тез ликвид бўладиган активлардаги ҳиссасининг 0,0671 коэффициентга ошганлиги натижани 0,2743 га оширди:

$$0,9198 - 0,6455 = +0,2743.$$

4. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг тез ликвид бўладиган активлар билан таъминланиш даражасининг 0,0297 коэффициентга камайиши тез ликвидлилик коэффициентини 0,0220 га камайтирган:

$$0,8978 - 0,9198 = -0,0220.$$

5. Зудлик билан тўланадиган мажбуриятларнинг барча қисқа муддатли мажбуриятлардаги ҳиссасининг 0,0553 коэффициентга кўпайганлиги натижани 0,0822 га оширган:

$$0,9800 - 0,8978 = +0,0822.$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0,0438 - 0,2679 + 0,2743 - 0,0220 + 0,0822 = +0,1104.$$

2.11. КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР СИСТЕМАСИ: УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Корхонанинг молиявий барқарорлиги унинг жуда кўп жиҳатига боғлиқ. Шу туфайли ушбу категорияни баҳолаш учун кўрсаткичлар системасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ушбу мавзуда қуйидаги масалалар билан танишамиз

- Корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
- Корхона молиявий барқарорлигининг ўз маблағлари (хусусий капитали) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари
- Корхона молиявий барқарорлигининг четдан жалб қилинган маблағлари (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари
- Корхона молиявий барқарорлигининг ҳаракатдаги (оборотдаги) маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари
- Корхона молиявий барқарорлигининг асосий воситалар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари
- Корхона молиявий барқарорлигининг айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари



МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ (ХУСУСИЙ КАПИТАЛ) БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариш (+, –)
Мутлақ кўрсаткичлар			
1. Ўз маблағлари (Ўм)	4115	4500	+385
2. Узоқ муддатли пассивлар (Умп)	2700	2700	—
3. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар (Их)	300	330	+30
4. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар (Ав)	3685	3700	+15
5. Барча активлар (Б)	9345	9700	+355
Нисбий кўрсаткичлар			
6. Ўз маблағлари (хусусий капиталнинг) тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти (1к : 5к)	0,440	0,464	+0,024
7. Молиявий қарамлик коэффициенти (5к : 1к)	2,271	2,156	–0,115
8. Ҳаракатдаги хусусий капитал (ўз маблағларининг) миқдори	3130	3500	+370
9. Хусусий капиталнинг (ўз маблағларининг) ҳаракатчанлик коэффициенти (8к : 5к)	0,335	0,361	–0,026
10. Ўз маблағларининг фаоллик коэффициенти (8к : 1к)	0,761	0,778	+0,017

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР (КАПИТАЛ) БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР СИСТЕМАСИ

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)
Мутлақ кўрсаткичлар			
1. Барча активлар (пассивлар)	9345	9700	+355
2. Четдан жалб қилинган маблағлар — жами	5230	5200	−30
3. Шу жумладан узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағлар	2700	2700	—
4. Ўз маблағлари (хусусий капитал)	4115	4500	+385
Нисбий кўрсаткичлар			
5. Четдан жалб қилинган капиталнинг тўпланиш (концентрацияси) коэффициенти (2қ : 1қ)	0,560	0,536	−0,024
6. Четдан жалб қилинган капиталнинг таркибий коэффициенти (3қ : 2қ)	0,516	0,519	+0,003
7. Хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициенти (2қ : 4қ)	1,271	1,156	−0,115
8. Хусусий капиталнинг четдан жалб қилинган узоқ муддатли пассивларга қарамлик коэффициенти (3қ : 4қ)	0,656	0,600	−0,056

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ҲАРАКАТДАГИ (ОБОРОТДАГИ) МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ҲАРАКАТДАГИ МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариш (+, –)
Мутлақ кўрсаткичлар			
1. Ўз маблағлари	4115	4500	+385
2. Узоқ муддатли пассивлар (четдан жалб қилинган маблағлар)	2700	2700	–
3. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар	300	330	+30
4. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар	3685	3700	+15
5. Ҳаракатдаги (оборотдаги) хусусий капитал (ўз маблағлари)	3130	3500	+370
6. Барча активлар	9345	9700	+355
7. Соф ҳаракатдаги (товар захираларидаги) хусусий маблағлар	2948	3313	+365
Нисбий кўрсаткичлар			
8. Умумий ҳаракатчанлик (манёврлик) коэффициенти (Х1) = (5қ : 6қ)	0,335	0,361	+0,026
9. Соф ҳаракатчанлик коэффициенти (Х2) = (7қ : 6қ)	0,315	0,342	+0,027
10. Соф ҳаракатдаги маблағларнинг фаоллик коэффициенти (Х3) = (7қ : 5қ)	0,859	0,865	+0,006
11. Ўз маблағларининг фаоллик коэффициенти (Х4) = (5қ : 1қ)	0,761	0,778	+0,017

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (КАПИТАЛ) БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариши (+, −)
Мутлақ кўрсаткичлар			
1. Барча активлар (пассивлар)	9345	9700	+355
2. Асосий воситалар	3495	3500	+5
3. Асосий воситалардаги узоқ муддатли пассивлар	832	894	+62
4. Асосий воситалар эскириши	1500	1800	+300
5. Асосий воситаларнинг жорий йилдаги эскириш суммаси (бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан)	18	21	−3
6. Ўз маблағлари	4115	4500	+385
Нисбий кўрсаткичлар			
7. Асосий воситаларнинг корхонанинг барча мулкидаги ҳиссаси (2қ : 1қ)	0,374	0,361	−0,013
8. Хусусий капиталнинг капиталлаштанлик коэффициенти (2қ − 3қ : 6қ)	0,647	0,579	−0,068
9. Асосий воситалар эскиришининг жамғарилиш коэффициенти (4қ : 2қ)	0,429	0,514	+0,085
10. Асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлиги (5қ : 2қ)	0,005	0,006	+0,001

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (КАПИТАЛ) БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР СИСТЕМАСИ

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИ

$$\text{Молиявий барқарорлик} = \frac{\text{Ўз маблағлари (Ўм)}}{\text{Барча маблағлар (Б)}}$$

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади:

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИ ЎЗГАРИШИГА АЛОҲИДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4$$

Молиявий барқарорликнинг ўзгариши

$$У = УХ - Уа$$

Х — кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори
а — кўрсаткичнинг асос йилидаги миқдори

1. Натижага дебиторларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти ўзгаришининг таъсири $(\Delta УX_1)$

$$\Delta УX_1 = УX_1 - У^a = \left(X_1^X \times X_2^a \times X_3^a \times X_4^a\right) - У^a$$

2. Натижага дебитор қарзларнинг барча захиралардаги ҳиссаси коэффициенти ўзгаришининг таъсири $(\Delta УX_2)$

$$\Delta УX_2 = УX_2 - УX_1 = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^a \times X_4^a\right) - УX_1$$

3. Натижага ҳаракатдаги маблағларнинг захиралар билан таъминланиш коэффициенти ўзгаришининг таъсири $(\Delta УX_3)$

$$\Delta УX_3 = УX_3 - УX_2 = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^a\right) - УX_2$$

4. Натижага барча маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти ўзгаришининг таъсири $(\Delta УX_4)$

$$\Delta УX_4 - УX_4 - УX_3 = \left(X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^X\right) - УX_3$$

Барча омиллар таъсири:

$$\Delta У = \Delta УX_1 \pm \Delta УX_2 \pm \Delta УX_3 \pm \Delta УX_4$$

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар номи	Йил бошида	Йил охирида	Ўзгариш
Мутлақ кўрсаткичлар			
1. Ўз маблағлари	4115	4500	+385
2. Четдан жалб қилинган маблағлар	5230	5200	−30
3. Дебитор қарзлар	1900	2000	+100
4. Товар захиралари	3000	2700	−300
5. Жорий айланма маблағлар	5660	6000	+340
6. Ҳаракатдаги ўз маблағлари	3130	3500	+370
7. Барча активлар (пассивлар)	9345	9700	+335
Нисбий кўрсаткичлар			
8. Дебиторларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти — X1 (1қ : 3қ)	2.166	2.250	+0.059
9. Дебитор қарзларнинг барча захиралардаги ҳиссасининг коэффициенти — X2 (3қ : 4қ)	0.633	0.741	+0.108
10. Ҳаракатдаги маблағларнинг захиралар билан таъминланиш коэффициенти — X3 (4қ : 6қ)	0.958	0.771	−0.187
11. Барча маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти — X4 (6қ : 7қ)	0.335	0.361	+0.026
12. Молиявий барқарорликнинг умумлашган кўрсаткичи — У (1қ : 7)	0.440	0.464	+0.024

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЗАХИРАЛАР ВА ДЕБИТОРЛАР БИЛАН БОРЛИҚ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Давр бошида	Давр охирида	Фарқи (+, –)	Занжирли алмаштиришлар		
				I	II	III
1. Дебиторларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти (X1)	2.166	2.250	+0.059	2.250	2.250	2.250
2. Дебитор қарзларнинг барча захиралардаги ҳиссаси коэффициенти (X2)	0.633	0.741	+0.108	0.633	0.741	0.741
3. Ҳаракатдаги маблағларнинг захиралар билан таъминланиш коэффициенти (X3)	0.958	0.771	–0.187	0.958	0.958	0.771
4. Барча маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти (X4)	0.335	0.361	+0.026	0.335	0.335	0.335
5. Молиявий барқарорлик коэффициенти (У)	0.440	0.464	+0.024	0.457	0.535	0.431

Молиявий барқарорликнинг умумлашган кўрсаткичи 0,024 коэффициентга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Дебиторларнинг ўз маблағи билан таъминланиш коэффициентининг 0.059 га кўпайганлиги Молиявий барқарорликни 0,017 коэффициентга оширган:

$$0,457 - 0,440 = +0,017$$

2. Дебитор қарзларнинг барча захиралардаги ҳиссасининг 0,108 коэффициентга ошганлиги ҳам молиявий барқарорликни 0,078 коэффициентга оширишга олиб келган:

$$0,535 - 0,457 = +0,078$$

3. Ҳаракатдаги маблағларнинг захиралар билан таъминланиш коэффициенти 0,187 коэффициентга камайганлиги молиявий барқарорликни 0,104 коэффициентга камайишига олиб келган:

$$0,431 - 0,535 = -0,104$$

4. Барча маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффициенти 0,026 га кўпайганлиги молиявий барқарорликни 0,033 коэффициентга оширган:

$$0,464 - 0,431 = +0,033$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0,017 + 0,078 - 0,104 + 0,033 = +0,024$$

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИГА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ



МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИ ЎЗГАРИШИГА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ИНДЕКС УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Натижага биринчи омил таъсири:

$$\Delta УХ_1 = (У^a \times iX_1) - У^a$$

Натижага иккинчи омил таъсири:

$$\Delta УХ_2 = (У^a \times iX_1 \times iX_2) - (У^a \times iX_1)$$

Натижага учинчи омил таъсири:

$$\Delta УХ_3 = (У^a \times iX_1 \times iX_2 \times iX_3) - (У^a \times iX_1 \times iX_2)$$

Натижага барча омиллар таъсири:

$$\Delta У = \Delta УХ_1 \pm \Delta УХ_2 \pm \Delta УХ_3$$

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИ ЎЗГАРИШИГА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Асос даври	Ҳисобот даври	Фарқи (+, −)	Индекси (i)
1. Захираларнинг ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти — X1 (1қ : 4қ)	1.372	1.667	+0.295	1.215
2. Захираларнинг моддий айланма маблағлардаги ҳиссасининг коэффициенти — X2 (4қ : 5қ)	0.530	0.450	−0.080	0.849
3. Моддий айланма маблағларнинг умумий активлардаги ҳиссасининг коэффициенти — X3 (5қ : 7қ)	0.606	0.619	+0.013	1.021
4. Молиявий барқарорлик — У (1қ : 7қ) ёки (1қ × 2қ × 3қ)	0.440	0.464	+0.024	1.054

Ушбу жадвал маълумотлари «Корхона молиявий барқарорлигининг умумлашган кўрсаткичи ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби» номли жадвалнинг мутлақ кўрсаткичларига асосан аниқланди.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИ ЎЗГАРИШИГА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ИНДЕКС УСУЛИДА АНИҚЛАШ

Биринчи омил таъсири $(\Delta УХ_1)$

$$\Delta УХ_1 = (Уад \times iX_1) - Уал =$$
$$= (0{,}440 \times 1{,}215) - 0{,}440 = +0{,}095$$

Иккинчи омил таъсири $(\Delta УХ_2)$

$$\Delta УХ_2 = (Уад \times iX_1 \times iX_2) - (Уад \times iX_1) =$$
$$= (0{,}440 \times 1{,}215 \times 0{,}849) - (0{,}440 \times 1{,}215) = -0{,}081$$

Учинчи омил таъсири $(\Delta УХ_3)$

$$\Delta УХ_3 = (Уад \times iX_1 \times iX_2 \times iX_3) - (Уад \times iX_1 \times iX_2) =$$
$$= (0{,}440 \times 1{,}215 \times 0{,}849 \times 1{,}021) -$$
$$- (0{,}440 \times 1{,}215 \times 0{,}849) = +0{,}010$$

Барча омиллар таъсири $(\Delta У)$

$$\Delta У = 0{,}095 - 0{,}081 + 0{,}010 = +0{,}024$$

2.12. КОРХОНАНИНГ КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Корхона кредитни тўлашга қодирлиги деганда, унинг кредит олиш ва ўз вақтида олган кредитини тўлиқ қайтариш қобилияти тушунилади. Турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлиши кредитнинг ўз вақтида қайтишига хавф-хатар (риск) туғдирмоқда. Шу туфайли бу вазият ҳар бир корхонанинг кредитни тўлашга қодирлик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш заруратини туғдиради.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади.

- Кредитни тўлашга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг гуруҳлари
- Кредитни тўлашга қодирлик (КТК) даражасини ифодаловчи ликвидлик билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
- Маблағларнинг (капиталнинг) айланувчанлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
- Фойдалилик билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
- Молиявий барқарорлик билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
- Кредитни тўлашга қодирлик даражасини таҳлил қилишда биргаликда ўрганиладиган кўрсаткичлар

КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ



КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИНГ АЛОҲИДА ГУРУҲЛАРИ



КОРХОНА КРЕДИТИНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛИКВИДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ



КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК (КТК) ДАРАЖАСИНИНГ МАБЛАҒЛАРНИНГ (КАПИТАЛНИНГ) АЙЛАНУВЧАНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар	Аниқлаш йўллари	Нимани ифодалайди
1. Умумий маблағларнинг (капиталнинг) айланувчанлик коэффициенти	= Сотишдан тушган тушим (Q) / Умумий маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (Б)	Умумий маблағларнинг неча марта айланиш тезлигини
2. Асосий воситаларнинг айланувчанлик коэффициенти	= Сотишдан тушган тушим (Q) / Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (Ав)	Ав.нинг самарадорлигини
3. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти	= Q / Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати (Ам)	Ам.нинг неча марта айланиш тезлигини
4. Моддий айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти	= Q / Моддий Ам.нинг ўртача йиллик қиймати (МАм)	Моддий Ам.нинг неча марта айланишини
5. Пул маблағларининг айланувчанлик коэффициенти	= Q / Пул маблағларининг ўртача йиллик қиймати (Пм)	Пул маблағларининг неча марта айланишини
6. Дебитор қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти	= Q / Дебитор қарзларнинг ўртача йиллик қиймати (Дк)	Дебитор қарзларнинг неча марта айланишини

КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИНИНГ ФОЙДАЛИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар	Аниқлаш йўллари	Нимани ифодалайди
1. Умумий маблағлар (капитал)нинг фойдалилиги (Фук)	= Фойда (Ф) / Умумий капиталнинг ўртача йиллик қиймати (Ук)	1 сўм Ук.га тўғри келадиган фойда миқдорини
2. Узоқ муддатли активлар фойдалилиги (Фуа)	= Ф / Узоқ муддатли активларнинг ўртача йиллик қиймати (Ума)	1 сўм Ума.га тўғри келадиган фойда миқдорини
3. Асосий воситалар фойдалилиги (Фав)	= Ф / Ав	1 сўм Ав.га тўғри келадиган фойда миқдорини
4. Оборот активлари фойдалилиги (Фоа)	= Ф / Оа	1 сўм Оа.га тўғри келадиган фойда миқдорини
5. Ўз маблағлари фойдалилиги (Фум)	= Ф / Ум	1 сўм Ум.га тўғри келадиган фойда миқдорини
6. Сотилган маҳсулот фойдалилиги (ФQ)	= Ф / Q	1 сўм сотилган маҳсулотга (Q) тўғри келадиган фойда миқдорини

КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар	Аниқлаш йўллари	Нимани ифодалаши
Четдан жалб қилинган маблағларнинг (ЧЖМ) барча маблағларга нисбатан (Б) коэффициенти	ЧЖМ / Б	Корхонанинг ЧЖМ.га қарамлигини
ЧЖМ.нинг ўз маблағларига (Ум) нисбатан коэффициенти	ЧЖМ / Ум	1 сўм Ум.га қанча ЧЖМ жалб қилинганлигини
Ўз айланма маблағларининг (Уам) ҳаракатчанлик коэффициенти	Уам / Ум	Ўз маблағининг қанча қисми оборотда фаол иштирок этаётганлигини
Узоқ муддатли маблағларнинг (Умм) ЧЖМ.га нисбатан коэффициенти	Умм / ЧЖМ	Умм.нинг ЧЖМ.даги ҳиссасини ёки ЧЖМ.нинг қанча қисми Умм.ни молиялаштиришга мўлжалланганлигини
Модий Ам.нинг Уам билан таъминланиш коэффициенти	Уам / Мам	Мам.нинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражасини
Ум.даги асосий воситалар (капитал) (Ав) ҳиссасининг коэффициенти	Ав / Ум	Ав.нинг ўз маблағларидаги ҳиссасининг ёки Ум.нинг капиталлашганлик даражасини
Ав.нинг эскириш (Авэ) (жамғариш) коэффициенти	Авэ / Ав	Ав жамғарилишининг интенсивлигини, яъни ушбу коэффициент қанча юқори бўлса Ав.ни ишлатиш муддати шунча қисқа бўлади
Ав ва Мам.нинг Б.га нисбатан коэффициенти	Ав+Мам / Б	Ишлаб чиқаришда иштирок этаётган маблағларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини

КОРХОНАНИНГ КРЕДИТНИ ТЎЛАШГА ҚОДИРЛИК ДАРАЖАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛГАНДА БИРГАЛИКДА ЎРГАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР

Ҳозирги пайтда кредитни ўз вақтида тўлиқ қайтаролмаслик хавфи туғилмоқда. Шу туфайли тижорат банклари томонидан кредитни беришда ва корхонанинг кредитни олишида жуда кўп бошқа иқтисодий кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилиниши лозим. Буларга қуйидагилар киради:

- Корхонанинг рентабеллик (фойдалилик) даражаси
- Айланма маблағларнинг айланувчанлиги
- Ўз маблағларининг умумий ҳажми, уларнинг оборотда ва захиралардаги иштироки
- Сотилган маҳсулотнинг ўзгариш суръати
- Қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ҳажми ва уларнинг динамикасини бошқа кўрсаткичлар билан солиштирилган ҳолати
- Тўлов муддати ўтган кредитларнинг ҳажми ва динамикаси
- Олинган кредитларнинг фоизлари ва уларни корхонанинг тўлашга қодирлиги
- Корхонанинг ҳисоб рақамидаги маблағлар ва уларнинг ишлатилиши

2.13. КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

* Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
* Иқтисодий мустаҳкамликнинг таҳлили
* Иқтисодий мустаҳкамлик миқдорига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари
* Иқтисодий мустаҳкамликнинг омилли таҳлили
* Корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
* Молиявий мустаҳкамлик таҳлили
* Молиявий мустаҳкамликка таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари
* Молиявий мустаҳкамликнинг омилли таҳлили

Иқтисодий мустаҳкамлик миқдорига (Имм) таъсир қилувчи омиллар

1. Маҳсулот рентабеллиги (Мр)

$$Мр = \frac{Ф}{М} \times 100 \qquad (X_1)$$

2. Доимий харажатлар самарадорлиги (Дхс)

$$Дхс = \frac{М}{Дх} \qquad (X_2)$$

3. Фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган (эришиладиган) маҳсулот миқдори (Мфн)

$$Мфн = \frac{Дх}{Мф} \qquad (X_3)$$

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Имм = \frac{Ф}{Мф} = \frac{Ф}{М} \times \frac{М}{Дх} \times \frac{Дх}{Мф}$$

Натижани «У» деб омилларни X_1, X_2 ва X_3 деб қабул қилсак қуйидаги математик мультипликатив моделни ҳосил қилиш мумкин:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 = \prod_{i=1}^{3} X_i \qquad (i = \overline{1,3})$$

Ушбу математик боғланиш орқали иқтисодий мустаҳкамлик миқдорининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

Омилли таҳлилни амалга ошириш учун занжирли алмаштириш усулидан фойдаланилади:

1. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдорининг ўзгаришига маҳсулот рентабеллигининг таъсирини аниқлаш учун қуйидагича формуладан фойдаланилади:

$$\Delta УХ_1 = (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P) - (X_1^P \times X_2^P \times X_3^P)$$

2. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдорининг ўзгаришига доимий харажатлар самарадорлигининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta УХ_2 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P) - (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P)$$

3. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдорининг ўзгаришига фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот миқдорининг таъсири қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta УХ_3 = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X) - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^F)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$\Delta У = \Delta УХ_1 \pm \Delta УХ_2 \pm \Delta УХ_3$$

КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Фойда	368.0	496.2	+128.2	134.8
2. Барча маҳсулотнинг қиймати	4583.3	5694.5	+1111.2	124.2
3. Доимий харажатлар	1890.1	1980.2	+90.1	104.8
4. Маржал фойда, сўм	1900	2100	+200	110.5
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Маҳсулот рентабеллиги, % (1қ : 2қ × 100)	8.029	8.714	+0.685	108.5
6. Доимий харажатлар самарадорлиги, сўм (2қ : 3қ)	2.425	2.876	0.5	118.6
7. Фойдалилик нуқтасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот, дона (3қ : 4қ)	994.8	943.0	−51.8	94.8
8. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдори, дона (5қ × 6қ × 7қ)	193.7	236.3	+42.6	122.0

КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштириш		
				I	II	III
1. Маҳсулот рентабеллиги, %	8.029	8.714	10.685	8.714	8.714	8.714
2. Доимий харажатлар самарадорлиги, сўм	2.425	2.876	+0.451	2.425	2.876	2.876
3. Фойдалилик нуқтасини таъминлайдиган маҳсулот миқдори, дона	994.8	943.0	−51.8	994.8	994.8	943.0
4. Иқтисодий мустаҳкамлик миқдори, дона (1қ × 2қ × 3қ)	193.7	236.3	+42.6	210.2	249.3	236.3

Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик миқдори ҳисобот йилида 42,6 донага кўпайган. Бу қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган.

1. Маҳсулот рентабеллигининг 0,685% ошганлиги корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигига ижобий таъсир қилиб, уни 16,5 донага оширишга муваффақ бўлган:

$$210,2 - 193,7 = +16,5 \text{ дона}$$

2. Доимий харажатлар самарадорлигининг 0,45 сўмга кўпайганлиги корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик миқдорини 39,1 донага кўпайтирган:

$$249,3 - 210,2 = +39,1 \text{ дона}$$

3. Фойдалилик нуқтасини таъминлайдиган маҳсулот миқдорининг 51,8 донага камайганлиги иқтисодий мустаҳкамлик миқдорини 13,0 донага камайтиришга муваффақ бўлган

$$236,3 - 249,3 = -13,0 \text{ дона}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$16,5 + 39,1 - 13,0 = 42,6 \text{ дона}$$

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ



КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш сўръати, %
1. Доимий харажатлар, минг сўм (Дх)	1890.1	1980.2	+90.1	104.8
2. Фойда, минг сўм (Ф)	368.0	496.2	+128.2	134.8
3. Битта маҳсулотнинг қиймати, сўм	3856	4829	+973	125.2
4. Бир маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчи харажатлар, сўм	1956	2729	+773	139.5
5. Барча маҳсулот миқдор, дона (Мм)	1188.5	1179.3	−9.2	99.2
6. Барча маҳсулотнинг қиймат, минг сўм (Мбр)	4583.3	5694.5	+1111.2	124.2
7. Ушбу тармоқнинг меъёрдаги рентабеллик даражаси, (Рмс) %	10.0	10.0	—	100.0
8. Меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда суммаси, минг сўм (Фмр) (6қ × 7қ : 100)	458.3	569.5	+111.2	124.3
9. Ўзгарувчи харажатларнинг умумий ҳажми (Ўҳ) (4қ × 5қ)	2324.7	3218.3	+893.6	138.4
10. Молиявий мустаҳкамлик даражаси, коэффициентда (Ммд) (2қ : 8қ)	0.803	0.871	+0.068	108.5
11. Рентабеллик даражаси, % (Р) (2қ × 100 : 6қ)	8.029	8.714	+0.685	108.5
12. Меъёрдаги рентабелликнинг таъминланиш даражаси, (Ртд) (11қ : 7қ), %	80.3	87.1	+6.8	108.5

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ БИР-БИРИГА БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)	Ўзгариш суръати, %
I. Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Фойда, минг сўм (Ф)	368.0	496.2	+128.2	134.8
2. Маҳсулот ҳажмининг қиймати, минг сўм (М)	4583.3	5694.5	+1111.2	124.2
3. Доимий харажатлар, минг сўм (Дх)	1890.1	1980.2	+90.1	104.8
4. Бир маҳсулот қиймати, сўм (М1к)	3856	4829	+973	125.2
5. Меъёрдаги рентабеллик даражасини таъминловчи фойда суммаси, минг сўм (Фмр)	458.3	569.5	+111.2	124.3
II. Нисбий кўрсаткичлар				
6. Маҳсулот рентабеллиги, % (X1) (1к × 100 : 2к)	8.029	8.714	+0.685	108.53
7. Доимий харажатлар самарадорлиги, сўм (X2) (2к : 3к)	2.425	2.876	+0.451	118.6
8. Фойдалилик нуқтаси, дона (X3) (3к : 4к)	490.2	410.1	−80.1	83.66
9. Меъёрдаги фойданинг бир маҳсулот қиймати билан таъминланиши, тийин (X4) (4к : 5к)	8.41	8.48	+0.07	100.83
10. Молиявий мустаҳкамлик даражаси, % (1к : 5к)	80.3	87.1	+6.8	108.5

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги даражасига қуйидаги омиллар таъсир қилади

1. Маҳсулот рентабеллиги (Мр)

$$Мр = \frac{Ф}{М} \times 100 \qquad (X_1)$$

2. Доимий харажатлар самарадорлиги (Дхс)

$$Дхс = \frac{М}{Дх} \qquad (X_2)$$

3. Фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот миқдори (Мфн)

$$Мфн = \frac{Дх}{М_{1К}} \qquad (X_3)$$

4. Меъёрдаги фойданинг бир маҳсулот қиймати билан таъминланиши (Ф1м)

$$Ф_{1М} = \frac{М_{1К}}{Ф} \qquad (X_4)$$

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражаси (Ммд) ва омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Ммд = \frac{Ф}{Фмр} = \frac{Ф}{М} \times \frac{М}{Дх} \times \frac{Дх}{М_{1К}} \times \frac{М_{1К}}{Фмр}$$

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 = \prod_{i=4}^{4} X_i \quad (i = \overline{1,4})$$

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражасига омиллар таъсирини индекс усули билан аниқлаш

1. Натижага маҳсулот рентабеллиги ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta У_{Х1} = (У^{Р} \times i_{Х1}) - У^{Р}$$

2. Натижага доимий харажатлар самарадорлиги ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta У_{Х2} = (У^{Р} \times i_{Х1} \times i_{Х2}) - (У^{Р} \times i_{Х1})$$

3. Натижага фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta У_{Х3} = (У^{Р} \times i_{Х1} \times i_{Х2} \times i_{Х3}) - (У^{Р} \times i_{Х1} \times i_{Х2})$$

4 Натижага меъёрдаги фойданинг бир маҳсулот қиймати билан таъминланганлиги ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta У_{Х4} = (У^{Р} \times i_{Х1} \times i_{Х2} \times i_{Х3} \times i_{Х4}) - (У^{Р} \times i_{Х1} \times i_{Х2} \times i_{Х3})$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши керак:

$$\Delta У = \Delta У_{Х1} \times \Delta У_{Х2} \times \Delta У_{Х3} \times \Delta У_{Х4}$$

Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги даражаси ўзгаришига омиллар таъсирини индекс усули билан аниқлаш.

Натижа ўзгаришига биринчи омил таъсири:

$$\Delta У_{Х1} = (80,3 \times 1,0853) - 80,3 = 87,1 - 80,3 = +6,8$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омил таъсири:

$$\Delta У_{Х2} = (80,3 \times 1,085 \times 1,186) - (80,3 \times 1,085) = 103,4 - 87,1 = +16,3$$

Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсири

$$\Delta У_{Х3} = (80,3 \times 1,085 \times 1,186 \times 0,837) - (80,3 \times 1,085 \times 1,186) = 86,5 - 103,4 = -16,9$$

Натижа ўзгаришига тўртинчи омил таъсири:

$$\Delta У_{Х4} = (80,3 \times 1,085 \times 1,186 \times 0,837 \times 1,012) - (80,3 \times 1,085 \times 1,186 \times 0,837) = 87,1 - 86,5 = +0,6$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг:

$$\Delta У = 6,8 + 16,3 - 16,9 + 0,6 = +6,8$$

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИ ДАРАЖАСИГА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИ БИЛАН АНИҚЛАШ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилда	Фарқи (+, –)	Занжирли алмаштириш			
				I	II	III	IV
1. Маҳсулот рентабеллиги, % (X1)	8.029	8.714	+0.685	8.714	8.714	8.714	8.714
2. Доимий харажатлар самаралорлиги, сўм (X2) (6к : 1к)	2.425	2.876	+0.451	2.425	2.876	2.876	2.876
3. Фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот миқдори, дона (X3) (1-жадвал 10к)	490.2	410.1	–80.1	490.2	490.2	410.1	410.1
4. Меъёрдаги фойданинг 1 маҳсулот қиймати билан таъминланиши, тийин (X4) (3к : 8к)	8.41	8.48	+0.07	8.41	8.41	8.41	8.48
5. Молиявий мустаҳкамлик даражаси, % (У)	80.3	87.1	+6.8	87.1	103.3	86.4	87.1

Молиявий мустаҳкамлик даражасининг 6,8% ўзгариши, яъни кўпайганлиги қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1. Маҳсулот рентабеллигининг 0,685% ўсганлиги молиявий мустаҳкамлик даражасини 6,8% кўпайтирди:

$$87,1 - 80,3 = +6,8\%$$

2. Доимий харажатлар самарадорлигининг 0,45 сўмга кўпайганлиги корхонанинг молиявий мустаҳкамлик даражасини 16,2% кўпайтирди:

$$103,3 - 87,1 = +16,2\%$$

3. Фойдалилик нуқтасига эришиладиган маҳсулот миқдорининг 80,1 донага камайганлиги молиявий мустаҳкамлик даражасини 16,9% камайтирди:

$$86,4 - 103,3 = -16,9\%$$

4. Меъёрдаги фойданинг бир маҳсулот қиймати билан таъминланганлигининг 0,07 тийинга кўпайганлиги корхона молиявий мустаҳкамлик даражасини 0,7% кўпайтирган:

$$87,1 - 86,4 = +0,7\%$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг:

$$6,8 + 16,2 - 16,9 + 0,7 = +6,8\%$$

2.14. БАНКРОТЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КОМПЛЕКС КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Корхонанинг банкротликка учраш хавфини корхона раҳбари, мулкдор, менежер, аудитор олдиндан билиши ва унинг олдини олиши учун тегишли чора-тадбирларни қўллаши лозим. Бу энг аввало банкротликни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичларни билишни тақозо қилади. Бу масалага турли олимлар турлича ёндошган. Шулардан айримларини келтирамиз.

Банкротликни аниқлашда Нью-Йорк университети профессори Эдуард Альтманнинг тавсия қилган усули диққатга сазовор.

У банкротлик эҳтимолини аниқлаш учун бешта кўрсаткични тавсия қилади.

1. Оборот капиталининг (Ок) барча активлардаги ҳиссаси

$$ОкБ = \frac{Ок}{Б}$$

2. Барча активлар рентабеллигини

$$Ф_Б = \frac{Ф}{Б}$$

3. Барча активлар даромадлилигини

$$Д_Б = \frac{Д}{Б}$$

4. Акцияларнинг (оддий ва имтиёзли) барча пассивлардаги улушини

$$А_{КБ} = \frac{АК}{Б}$$

5. Барча активларнинг самарадорлиги

$$Q_Б = \frac{Q}{Б}$$

БАНКРОТЛИККА ТУШИШ ЭҲТИМОЛИНИ БАҲОЛАШДАГИ ЁНДОШИШЛАР

Кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш йўли билан
Четараланган камроқ асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш йўли билан
Интеграл (комплекс) кўрсаткичларни аниқлаш йўли билан

Э.Альтман банкротликни олдиндан башорат қилиш учун «Z-счёт»ни қўллаб қуйидаги комплекс кўрсаткични аниқлаш формуласини тавсия қилади.

$$\text{«Z-счёт»} = \left(\frac{\text{Оборот капитали}}{\text{Барча активлар}} \times 1{,}2\right) + \left(\frac{\text{Тақсимланмаган фойда}}{\text{Барча активлар}} \times 1{,}4\right) + \left(\frac{\text{Асосий фаолият даромадлари}}{\text{Барча активлар}} \times 3{,}3\right) + \left(\frac{\text{Оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор баҳоси}}{\text{Барча пассивлар}} \times 0{,}6\right) + \left(\frac{\text{Сотилган маҳсулот тушуми}}{\text{Барча активлар}} \times 1\right)$$

«Z-счёт»нинг миқдори	Банкрот бўлиш эҳтимоли
1,8 ва ундан кам бўлганда	Жуда юқори
1,81 дан 2,7 гача	Юқори
2,8 дан 2,9 гача	Мумкин
3,0 ва ундан юқори	Жуда кам

2.15. КОРХОНА ИШ ФАОЛЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ*

Ушбу ишда келтирилган кўрсаткичлар молиявий ва бошқарув таҳлилига ҳам даҳлдор. Бироқ, молиявий таҳлилга тегишли кўрсаткичлар унинг асосий қисмини ташкил қилади. Шу туфайли корхонанинг иш фаоллигини батафсил ва тўлиқ ифодалаш учун барча кўрсаткичларни бир бутун қилиб келтирилди. Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади.

* Иш фаоллигининг моҳияти
* Иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи
* Иш фаоллигининг иқтисодий потенциал билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари
* Иш фаоллигининг корхона умумий капитали (маблағи) билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари
* Иш фаоллигининг молиявий потенциал билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари
* Иш фаоллигининг меҳнат потенциали билан боғлиқ кўрсаткичлари, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари
* Иш фаоллигининг иқтисодий самарадорлик билан боғлиқ кўрсаткичлар таснифи, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

* Ушбу 2.15-бобни ёзишда доц. А. А. Абдиев иштирок этди.

ИШ ФАОЛЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ

Корхонанинг иш фаоллиги деб, ўз мақсадига эришиш йўлида иқтисодий ва молиявий салоҳиятидан (потенциалидан) самарали фойдаланиш эвазига мунтазам равишда иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат чора-тадбирларга айтилади.

Иш фаоллигининг асосий тамойили бошқа иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан фойда ва рентабелликнинг юқори даражада ўсишини таъминлашдан иборатдир. Бу тамойилни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Ф\% > Q\% > Ип\% > 100\%$$

Бунда Ф% — Фойданинг ўсиш суръати;
Q% — Иш натижаси (маҳсулот, товар оборати ва ҳ.к.)нинг ўсиш суръати.
Ип% — Иқтисодий потенциалнинг ўсиш суръати.

Корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич ушбу кўрсаткичнинг барқарор иқтисодий ўсишда намоён бўлади. Бу қуйидагича аниқланади:

$$Иўс = \frac{Фт}{Ўм} \times 100$$

Бунда Иўс — барқарор иқтисодий ўсиш;
Фт — соф тақсимланадиган фойданинг ўсиши;
Ўм — ўз маблағлари (хусусий капитал)нинг ўсиши.

Барқарор иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 \times X_5 = \prod_{i=1}^{5} X_i$$

Бунда У — барқарор иқтисодий ўсиш (натижа);
X_1 — тақсимланадиган фойданинг соф фойдадаги ҳиссаси;
X_2 — соф фойданинг баланседаги фойдадаги ҳиссаси;
X_3 — маҳсулот рентабеллиги;
X_4 — иқтисодий потенциал самарадорлиги;
X_5 — хусусий капиталнинг (ўз маблағларининг) иқтисодий потенциал билан таъминланганлиги.

КОРХОНАНИНГ ИШДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАСНИФИ



КОРХОНА ИШДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛГАН УМУМИЙ КАПИТАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ



АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ИЖАРАТИЛ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш сурьати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Асосий воситаларнинг (Ав) ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Ав.нинг самарадорлиги, сўм (1қ : 3қ)	1,55	1,63	+0,08	105,2
5. Ав.нинг рентабеллиги, % (2қ : 3қ × 100)	12,45	14,19	+1,74	114,0

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (КАПИТАЛ) САМАРАДОРЛИГИНИНГ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ХОДИМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК МОДЕЛИ

$$Ав.с = \frac{\text{Маҳсулот (оборот)}}{\text{Асосий воситалар ўртача қиймати}} = \frac{\text{Маҳсулот (оборот)}}{\text{Ходимлар сони (ўртача)}} \times \frac{\text{Ходимлар сони (ўртача)}}{\text{Асосий воситалар}}$$

Асосий воситалар самарадорлиги = Меҳнат унумдорлиги × Асосий воситаларнинг ходимлар билан таъминланганлиги

$$Ав.с = Му \times Ав.х$$

Асосий воситалар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни фарқли усул билан аниқлаш

1. Меҳнат унумдорлиги эвазига ўзгариши

$$\Delta Ав.с.Му = (Му_1 - Му_0) \times Ав.х_0$$

2. Асосий воситаларнинг ходимлар билан таъминланганлиги эвазига ўзгариши

$$\Delta Ав.с.Ав.х = Му_1 \times (Ав.х_1 - Ав.х_0)$$

Умумий ўзгариш икки омил таъсирига тенг

$$\Delta Ав.с. = \Delta Ав.с.Му \times \Delta Ав.с.Ав.х$$

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ХОДИМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, –)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
3. Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши	112	121	+9	108,0
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Ав.нинг самарадорлиги, сўм (1қ : 2қ)	1,55	1,63	+0,08	105,2
5. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 3қ)	40,92	47,06	+6,14	115,0
6. Ав.нинг ходимлар билан таъминланганлиги, киши (3қ : 2қ) × 1000	37,9	34,6	+3,3	91,3

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ФАРҚЛИ УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариш суръати, %	Фарқи (+, –)		
				жами	шу жумладан	
					Му эвазига	Ав.нинг Ҳ.лар билан таъминланганлиги эвазига
1. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	40,92	47,06	115,0	+6,14	X	X
2. 1 млн. сўм асосий воситаларнинг ходимлар билан таъминланганлиги, киши	37,9	34,6	91,3	–3,3	X	X
3. Асосий воситалар самарадорлиги, сўм (1қ × 2қ):1000	1,55	1,63	105,2	+0,08	+0,23	-0,15

ΔАв.с·Му = 6,14 × 37,9:1000 = +0,23

ΔАв.с.том = (–3,3) × 47,06:1000 = –0,15

ΔАв.с = 0,23 – 0,15 = –0,08

АСОСИЙ КАПИТАЛ (ВОСИТАЛАР) РЕНТАБЕЛЛИГИНИНГ УМУМИЙ РЕНТАБЕЛЛИК ВА УЛАР ҚАЙТИМИ ДАРАЖАСИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИК МОДЕЛИ

$$Ав.р = \frac{Фойда}{Асосий\ капитал\ (воситалар)} = \frac{Фойда}{Маҳсулот\ (оборот)} \times \frac{Маҳсулот\ (оборот)}{Асосий\ капитал\ (воситалар)}$$



Асосий воситалар рентабеллиги ўзгаришига умумий рентабеллик ва Ав самарадорлиги таъсирини ҳисоблаш йўли

1. Маҳсулотнинг фойдалилиги эвазига ўзгариши

$$\Delta Ав.р.Мф = (Мф_1 - Мф_0) \times Ав.с_0$$

2. Асосий воситалар самарадорлиги эвазига ўзгариши

$$\Delta Ав.р.Ав.с = Мф_1 \times (Ав.с_1 - Ав.с_0)$$

Умумий фарқ икки омил таъсирига тенг:

$$\Delta Ав.р = \Delta Ав.р.Мф \pm \Delta Ав.р.Ав.с$$

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгарини (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Асосий воситаларнинг (Ав) ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Маҳсулот рентабеллиги, % (2қ : 1қ × 100)	8,03	8,71	−0,68	108,5
5. Ав рентабеллиги, % (2қ : 3қ × 100)	12,45	14,19	−1,74	114,0
6. Ав самарадорлиги, сўм (1қ : 3қ)	1,55	1,63	+0,08	105,2

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИ ЎЗГАРИШИГА УМУМИЙ РЕНТАБЕЛЛИК ВА Ав САМАРАДОРЛИГИ ТАЪСИРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисоблаш кўрсаткич	Фарқи (+, −)		
				жами	шу жумладан	
					маҳсулот рентабеллиги ўзгаришн эвазига	Ав самарадорлиги эвазига
1. Маҳсулот рентабеллиги, %	8,03	8,71	8,71	+0,68	X	X
2. Ав самарадорлиги, минг сўм	1,55	1,63	1,55	+0,08	X	X
3. Ав рентабеллиги, % (1к × 2к)	12,45	14,19	13,50	+1,74	+1,05	+0,69

$\Delta P_{мр} = 13,50 - 12,45 = +1,05$

$\Delta P_{авс} = 14,19 - 13,50 = +0,69$

$\Delta P = 1,05 + 0,69 = +1,74$

НОМОДДИЙ ФАОЛЛАРНИ ИПЛАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Номоддий фаолларнинг (НФ) ўртача йиллик қиймати, минг сўм	193,4	222,5	+29,1	115,0
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Нф самарадорлиги, сўм (1қ : 3қ)	23,70	25,59	+1,89	108,0
5. Нф рентабеллиги, % (2қ : 3қ × 100)	190,3	223,0	+32,7	117,2

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ (Ам) ИШЛАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4810,2	5830,0	+1019,8	121,2
3. Захираларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2941,8	2850,0	−91,8	96,9
4. Дебиторларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1857,1	1950,1	+93,0	105,0
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Ам.нинг айланиш тезлиги, кунларда (2к × 360 : 1к)	377,8	368,6	−9,2	97,6
6. Ам.нинг айланувчанлик коэффициенти (1к : 2к)	0,95	0,98	+0,03	103,2
7. Захиралар айланиш тезлиги, кунларда (3к × 360 : 1к)	231,1	180,2	−50,9	78,0
— мартада (1к : 3к)	1,56	2,00	+0,44	128,2
8. Дебиторларнинг айланиш тезлиги кунларда (4к × 360 : 1к)	145,9	123,3	−22,6	84,5
— мартада (1к : 4к)	2,47	2,92	+0,45	118,2

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (КАПИТАЛ) РЕНТАБЕЛЛИГИНИНГ УМУМИЙ РЕНТАБЕЛЛИК ВА УЛАРНИНГ АЙЛАНУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МОДЕЛИ



Айланма маблағлар рентабеллиги икки омил таъсирида ўзгаради:

1. Маҳсулот фойдалилиги ўзгаришининг таъсири

$$\Delta Ам.р.Мф = (Мф_1 - Мф_0) \times Ам.ат_0$$

2. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти ўзгаришининг таъсири

$$\Delta Ам.р.Ам.ат = Мф_1 \times (Ам.ат_1 - Ам.ат_0)$$

Омилларнинг умумий таъсири:

$$\Delta Ам.р = \Delta Ам.р.Мф = \Delta Ам.р.Ам.ат$$

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИНИНГ МАҲСУЛОТ РЕНТАБЕЛЛИГИ ВА Ам АЙЛАНУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
2. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4810,2	5830,0	+1019,8	121,2
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Маҳсулот рентабеллиги, % (2қ : 1қ × 100)	8,03	8,71	+0,68	108,5
5. Ам.нинг айланувчанлик коэффициенти (1қ : 3қ)	0,95	0,98	+0,03	103,2
6. Ам рентабеллиги, % (2қ : 3қ × 100)	7,65	8,51	+0,86	111,2

АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАР (Ам) РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, −)		
			жами	шу жумладан	
				маҳсулот рентабеллиги ўзгаришини эътиборга	Ам самарадорлиги ўзгаришини эътиборга
1. Маҳсулот рентабеллиги, %	8,029	8,714	+0,685	X	X
2. Ам айланувчанлик коэффициенти, марта	0,953	0,977	−0,024	X	X
3. Ам рентабеллиги, % (1К × 2К)	7,65	8,51	+0,86	+0,65	+0,21

Айланма маблағлар рентабеллигига икки омил таъсир қилган.

1. Маҳсулот рентабеллигининг 0,685% га ўсганлиги натижаси, 0,65% га оширди:

$$\Delta P_{АМ.МР} = 0,685 \times 0,953 = +0,65$$

2. Ам. айланувчанлик коэффициентининг 0,024 га ошиши натижаси 0,21% га оширди:

$$\Delta P_{АМ.АМЛ} = 8,714 \times 0,024 = +0,21$$

Барча омиллар таъсири натижасининг умумий фарқига тенг:

$$\Delta P_{АМ} = 0,65 + 0,21 = +0,86$$

Корхонанинг умумий капитали (маблағлари) фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлик модели

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3 \times X_4 \times X_5 = \prod_{i=1}^{5} X_i \quad (i = \overline{1,5})$$

Бунда У — натижа, яъни корхона мулкининг айланувчанлик тезлиги;

X_1 — дебитор қарзларнинг айланувчанлик тезлиги;

X_2 — дебитор қарзларнинг товар захираларидаги ҳиссаси;

X_3 — товар захираларининг айланма маблағлардаги ҳиссаси;

X_4 — айланма маблағларнинг асосий капиталга нисбати;

X_5 — асосий капиталнинг барча капиталдаги ҳиссаси.

Корхона умумий капитали (маблағлари) айланувчанлик тезлиги ўзгаришига омиллар таъсири қуйидагича ҳисобланади (фарқли усул):

1. $\Delta У_{X1} = (X_1^X - X_1^P) \times X_2^P \times X_3^P \times X_4^P \times X_5^P$

2. $\Delta У_{X2} = X_1^X \times (X_2^X - X_2^P) \times X_3^P \times X_4^P \times X_5^P$

3. $\Delta У_{X3} = X_1^X \times X_2^X \times (X_3^X - X_3^P) \times X_4^P \times X_5^P$

4. $\Delta У_{X4} = X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times (X_4^X - X_4^P) \times X_5^P$

5. $\Delta У_{X5} = X_1^X \times X_2^X \times X_3^X \times X_4^X \times (X_5^X - X_5^P)$

$$\Delta У = \Delta У_{X1} \pm \Delta У_{X2} \pm \Delta У_{X3} + \Delta У_{X4} \pm \Delta У_{X5} = \sum_{i-1}^{5} \Delta У_{Xi}$$

КОРХОНА УМУМИЙ КАПИТАЛИ (МАБЛАҒЛАРИ) БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Дебиторларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1857,1	1950,1	+93,0	105,0
3. Захираларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2941,8	2850,0	−91,8	96,9
4. Ам ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4810,2	5830,0	+1019,8	121,2
5. Ав ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
6. Барча маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	8056,3	9522,5	+1466,2	118,2
Нисбий кўрсаткичлар				
7. Дебитор қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти, (1қ : 2қ) = X1	2,46	2,92	−0,46	118,7
8. Дебитор қарзларнинг товар захираларидаги ҳиссаси, (2қ : 3қ) = X2	0,631	0,684	+0,053	108,4
9. Товар захираларининг айланма маблағлардаги ҳиссаси, (3қ : 4қ) = X3	0,612	0,486	−0,123	79,9
10. Ам.нинг Ав.га нисбати, коэффициентда (4қ : 5қ) = X4	1,627	1,667	+0,040	102,5
11. Ав.нинг барча маблағлардаги ҳиссаси (5қ : 6қ) = X5	0,368	0,367	−0,001	100,0
12. Корхона мулкининг айланувчанлик тезлиги, марта (1қ : 6қ) = У	0,569	0,598	−0,029	105,1

КОРХОНА МУЛКИНИНГ АЙЛАНУВЧАНЛИК ТЕЗЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЗАНЖИРЛИ АЛМАШТИРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАБ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар белгиси	Ўтган йилда	Ҳисобот йилда	Фарқи (+, −)	Занжирли алмаштиришлар				
				I	II	III	IV	V
X_1	2,46	2,92	+0,46	2,92	2,92	2,92	2,92	2,92
X_2	0,631	0,684	+0,053	0,631	0,684	0,684	0,684	0,684
X_3	0,612	0,489	−0,123	0,612	0,612	0,489	0,489	0,489
X_4	1,627	1,667	+0,040	1,627	1,627	1,627	1,667	1,667
X_5	0,368	0,367	−0,001	0,368	0,368	0,368	0,368	0,367
y	0,569	0,598	+0,029	0,675	0,732	0,585	0,599	0,598

Жадвал маълумоти асосида хулоса

Корхона барча мулкининг айланувчанлик тезлиги, яъни натижа кўрсаткичининг миқдори 0,029 мартага ошди. Бу бешта омил эвазига содир бўлди.

1. Дебитор қарзларнинг айланувчанлигининг 0,46 мартага сусайганлиги натижани 0,106 мартага сусайтирди:

$$0,675 - 0,569 = +0,106$$

2. Дебитор қарзларнинг захиралардаги ҳиссасининг 0,053 коэффициентига ошганлиги натижани 0,057 мартага сусайтирди:

$$0,732 - 0,675 = +0,057$$

3. Товар захиралари айланма маблағлардаги ҳиссасининг 12,3% камайиши натижани 0,147 мартага тезлаштирди:

$$0,585 - 0,732 = \quad 0,147$$

4. Айланма маблағларнинг асосий воситаларга нисбатан кўпайиши ҳам натижанинг 0,014 мартага сусайишига сабаб бўлди:

$$0,599 - 0,585 = +0,014$$

5. Асосий воситаларнинг барча маблағлардаги улушининг 0,1% камайиши натижани 0,001 мартага жадаллаштирди:

$$0,598 - 0,599 = -0,001$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0,106 + 0,057 - 0,147 + 0,014 - 0,001 = +0,029$$

КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛЛИГИНИНГ МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ

КОРХОНА ИШ ФАОЛЛИГИНИНГ МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,−)	Ўзгариш суръати
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача йиллик сони, киши	112	121	+9	108,0
3. Шу жумладан ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлар сони, киши	98	106	+8	108,2
4. Ав фаол қисмининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	3726,0	3938,0	+212,0	105,7
5. Меҳнат ҳақи миқдори, минг сўм	262,2	356,7	+94,5	136,0
6. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
Нисбий кўрсаткичлар				
7. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 2к)	40,92	47,06	+6,14	115,0
8. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 3к)	46,77	53,72	+6,95	114,9
9. Меҳнатнинг қуроллашанлиги, минг сўм (4қ : 2к)	33,27	32,55	−0,72	97,8
10. Меҳнат ҳақи даражаси, % (5қ : 1к) × 100	5,72	6,26	+0,54	109,5
11. Меҳнат ҳақи фойдалилиги сўм (6қ : 5к)	1,40	1,39	−0,01	99,4
12. Ўртача меҳнат ҳақи, сўм (5қ : 2к)	2341	2948	+607	125,9

Меҳнат унумдорлигининг натижа (иш ҳажми) ва ходимлар сони билан боғлиқлик моделининг чизмадаги тасвири

Натижа (Q) билан ходимлар (Х) сони ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги математик моделда ифодаланади:

$$МУ = \frac{Q}{X} = \frac{Q}{Хас} \times \frac{Хас}{X}$$

Бунда Хас — ишлаб чиқариш (савдо) билан банд бўлган асосий ходимлар сони.

Омилларни кетма-кет равишда «X_1» ва «X_2» қилиб белгилаб оламиз. У ҳолда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$У = X_1 \times X_2$$

Бунда X_1 — ишлаб чиқариш (савдо) билан шуғулланувчи асосий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги;

X_2 — асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси.

Қайта ҳисобланган натижа $У_{КХ} = X_1^К \times X_2^Р$

Натижанинг ўзгаришига асосий ходимлар меҳнат унумдорлигининг таъсири қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta У_{X1} = У_{КХ} - У^Р = (X_1^Х \times X_2^Р) - (X_1^Р \times X_2^Р)$$

Натижанинг ўзгаришига асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссасининг таъсирини аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:

$$\Delta У_{X2} = У^Х - У_{КХ} = (X_1^Х \times X_2^Х) - (X_1^Х \times X_2^Р)$$

Натижанинг умумий ўзгариши барча омиллар таъсирининг йиғиндисига тенг:

$$\Delta У = \Delta У_{X1} + \Delta У_{X2}$$

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ИШ ҲАЖМИ ВА ХОДИМЛАР СОНИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,–)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Ходимларнинг сони, жами, киши	112	121	+9	108,0
3. Шу жумладан ишлаб чиқариш билан банд бўлган асосий ходимлар (савдо зали ходимлари) сони, киши	98	106	+8	108,2
Нисбий кўрсаткичлар				
4. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 2қ)	40,92	47,06	+6,14	115,0
5. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 3қ)	46,77	53,72	+6,95	114,9
6. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши % (3қ : 2қ × 100)	87,5	87,6	+0,1	100,1

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА АСОСИЙ ХОДИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичи	Фарқи (+, –)		
				жами	шу жумладан	
					ишчилар сони ўзгаришининг таъсири	ишчилар улушининг ўзгаришининг таъсири
1. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги, минг сўм	46,77	53,72	53,72	+6,95	X	X
2. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши, %	87,5	87,6	87,5	+0,1	X	X
3. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к × 2к) : 100	40,92	47,06	47,0	+6,14	+6,08	+0,06

$\Delta МУ_{М} = 47,0 - 40,92 = +6,08$ минг сўм

$\Delta МУ_{УЛ} = 47,06 - 47,0 = +0,06$ минг сўм

$\Delta МУ = 6,08 + 0,06 = +6,14$ минг сўм

Меҳнат унумдорлигининг асосий воситалар билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик моделининг тасвири

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги математик моделда ифодаланади:

$$МУ = \frac{Q}{X} = \frac{Q}{Аф} \times \frac{Аф}{Хсз} \times \frac{Хсз}{X}$$

Омилларни кетма-кет равишда «X_1», «X_2» ва «X_3» қилиб белгилаб олинса натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3$$

Бунда У — натижа, яъни меҳнат унумдорлиги;

X_1 — асосий воситалар қайтими (самаралорлиги);

X_2 — асосий ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси;

X_3 — асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси.

Уларнинг индекси қуйидагича бўлади:

$$Jу = i_{X1} \times i_{X2} \times i_{X3}$$

Натижага (У) омиллар (X_1) таъсирини индекс усулини қўллаб аниқланганда қуйидаги формулалар ҳосил бўлади:

$$\Delta У_{X1} = (У^{P} \times i_{X1}) - У^{P}$$

$$\Delta У_{X2} = (У^{P} \times i_{X1} \times i_{X2}) - (У^{P} \times i_{X1})$$

$$\Delta У_{X3} = У^{X} - (У^{P} \times i_{X1} \times i_{X2})$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлади:

$$\Delta У = \Delta У_{X1} \pm \Delta У_{X2} \pm \Delta У_{X3}$$

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, –)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Ав ўртача йиллик қиймати, минг сўм	2956,5	3497,5	+541,0	118,3
3. Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	112	121	+9	108,0
4. Шу жумладан ишлаб чиқариш билан банд бўлган асосий ходимлар сони, киши	98	106	+8	108,2
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Ав самарадорлиги, сўм (1қ : 2қ)	1,55	1,63	+0,08	105,2
6. Асосий ходимларнинг қуролланганлик даражаси, минг сўм (2қ : 4қ)	30,17	32,99	+2,82	109,3
7. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши, % (4қ : 3қ × 100)	87,5	87,6	+0,01	100,1
8. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ : 3қ)	40,92	47,06	+6,14	115,0

Жадвалга асосан хулоса

Меҳнат унумдорлиги таҳлил қилинаётган объектда 6,14 минг сўмга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Меҳнат унумдорлиги Ав. самарадорлигининг 0,08 сўмга ошганлиги эвазига 2,13 минг сўмга кўпайган
   $(40,92 \times 1,052) - 40,92 = +2,13$ минг сўм

2. Асосий ходимларнинг қуролланганлик даражасининг 2,82 минг сўмга кўпайганлиги меҳнат унумдорлигини 4,0 минг сўмга оширган
   $(40,92 \times 1,052 \times 1,093) - (40,92 \times 1,052) =$
   $= 47,05 - 43,05 = +4,0$ минг сўм

3. Асосий ходимларнинг умумий ходимлардаги улуши 0,01% кўпайганлиги эвазига меҳнат унумдорлиги 0,01 минг сўмга ошган
   $47,06 - (40,92 \times 1,052 \times 1,093) = +0,01$ минг сўм

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:
$2,13 + 4,0 + 0,01 = +6,14$ минг сўм

КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛЛИГИНИНГ МОЛИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ

КОРХОНАНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+,−)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4039,9	4307,5	+267,6	106,6
4. Барча маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	8056,3	9522,5	+1466,2	118,2
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Ўз маблағларининг самарадорлиги, сўм (1қ : 3 қ)	1,135	1,322	+0,187	116,5
6. Ўз маблағларининг барча маблағлардаги ҳиссаси, % (3қ : 4қ × 100)	50,1	45,2	−4,9	90,2
7. Ўз маблағларининг рентабеллиги, % (2қ × 100 : 3қ)	9,11	11,52	+2,41	126,5

КОРХОНАНИНГ ЧЕТДАН ЖАЛБ ҚИЛИНГАН МАБЛАҒЛАРИНИ ИПЛАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариш (+,–)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	4016,4	5215,0	+1198,6	129,8
3. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1456,3	1545,0	+88,7	106,1
4. Умумий маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	8056,3	9522,5	+1466,2	118,2
5. Банк кредити учун тўланган фоиз миқдори, минг сўм	697,6	943,1	+245,5	135,2
Нисбий кўрсаткичлар				
6. Четдан жалб қилинган маблағлар самарадорлиги сўм (1қ : 2қ)	1,411	1,092	–0,319	77,4
7. Қисқа муддатли четдан жалб қилинган маблағларнинг харажатдорлиги даражаси, тийин (5қ : 3қ)	47,9	61,0	+13,1	127,3
8. Четдан жалб қилинган маблағлар тўпланиши концентрацияси, % (2қ : 4қ × 100)	49,85	54,77	+4,92	109,9

КОРХОНА ИШДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИ



КОРХОНА ИШ ФАОЛЛИГИДА РЕНТАБЕЛЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
3. Ходимларнинг ўртача йиллик сони, киши	112	121	+9	108,0
4. Умумий маблағларининг (молиявий потенциалнинг) ўртача йиллик қиймати, минг сўм	8056,3	9522,5	+1466,2	118,2
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Маҳсулот рентабеллиги, (2қ : 1қ × 100)	8,029	8,714	+0,685	108,5
6. Умумий маблағлар (молиявий потенциал) рентабеллик даражаси, % (3қ : 4қ × 100)	4,57	5,21	+0,64	114,0
7. Меҳнат потенциали фойдалилиги, минг сўм (2қ : 4қ)	3,29	4,10	+0,81	124,6

КОРХОНА ИШ ФАОЛЛИГИНИНГ ХАРАЖАТЛАР (ТАННАРХ) ВА ДАРОМАДЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Ўзгариши (+, −)	Ўзгариш суръати, %
Мутлақ кўрсаткичлар				
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
2. Таннарх, минг сўм	4215,3	5198,3	+983,0	123,3
3. Соф фойда, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
4. Ялпи даромад, минг сўм	511,0	711,7	+200,7	139,3
Нисбий кўрсаткичлар				
5. Таннарх даражаси, % (2қ : 1қ × 100)	91,98	91,27	−0,69	99,2
6. Харажатлар фойдалилиги, тийин (3қ : 2қ × 100)	8,73	9,55	+0,82	109,4
7. Даромад даражаси, % (4қ : 1қ × 100)	11,15	12,50	+1,35	112,1
8. Даромадларнинг харажатларни қоплаш даражаси, (4қ : 2қ × 100)	12,1	13,7	+1,6	113,2

2.16. КОРХОНА БОЗОР ФАОЛЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир корхона бозор тизими субъекти ҳисобланади. Унинг фаолияти шу бозор тизимидаги ўрни ва фаоллигига боғлиқ.

Ушбу бобда қуйидаги масалалар кўрилади:

* Корхонанинг бозор тизимидаги ўрни
* Корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Корхонанинг хом ашё бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Корхонанинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари
* Корхонанинг истеъмол бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари
* Корхонанинг молия бозоридаги фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

КОРХОНАНИНГ БОЗОР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА БОЗОРДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ



Корхонанинг
— Иқтисодий мустаҳкамлиги
— Молиявий барқарорлиги
— Рақобатбардошлилиги

Унинг
— Бозордаги фаоллигига
— Бозор тизимидаги ўрнига боғлиқ

Бу жараёнлар корхона товарининг
— Сифати ва
— Нархида намоён бўлади.

КОРХОНАНИНГ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР

Ишлаб чиқариш воситаларини (ИВ) харид қилиш даражаси ($Х_{д.ив}$)

$$Х_{д.ив} = \frac{ХК^{Х}_{ИВ}}{ХК^{БР}_{ИВ}}$$

Бунда $ХК^{Х}_{ИВ}$ — харид қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг (Ив) ҳақиқий миқдори;

$ХК^{БР}_{ИВ}$ — бизнес-режада (лойиҳада, дастурда) кўзда тутилган ИВ нинг миқдори.

Корхона бозорга мос товарлар ишлаб чиқиш мақсадида ўз фаолиятини қайта реконструкция қилиш дастурини ишлаб чиққан. Шунга мувофиқ илғор технологияни жорий қилиш учун 15 та дастгоҳ сотиб олиш кўзда тутилган. Ҳақиқатда эса корхона ишлаб чиқариш бозоридан таҳлил даврида 13 та дастгоҳ харид қилди. Бу ҳолда зарур ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш даражаси 86,7% ни ташкил қилади:

$$Х_{д.ив} = \frac{13}{15} \times 100 = 86{,}7\%$$

Демак, ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари бозоридаги фаоллиги унча юқори эмас. Бу кўрсаткич одатда 100,0% га тенг бўлиши керак.

КОРХОНАНИНГ ХОМ АШЁ (ХА) БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР

Кўрсаткичлар:

- Хом ашё билан таъминланиш даражаси (ХАтд)
  - $ХАтд = \frac{\text{Ҳақиқий харид қилинган ХА миқдори}}{\text{ХАнинг бизнес-режадаги (БР) ёки лойиҳадаги миқдори}}$
- Хом ашёнинг сифатлилик даражаси (ХАсд)
  - $ХАсд = \frac{\text{Лойиҳада кўзда тутилган навдаги ХА нинг ҳақиқий миқдори}}{\text{БРда кўзда тутилган хом ашёнинг ушбу нав бўйича миқдори}}$

Корхонанинг кўзда тутилган дастури бўйича ўз фаолиятини мунтазам равишда давом эттириб туриши учун ҳисобот даврида 70,0 минг тонна олий навли хом ашё харид қилиши кўзда тутилган.

Ҳақиқатда у хом ашё бозоридан 75 тонна харид қилди. Шу жумладан, олий нав билан 58,0 тонна, I нав билан 10,0 тонна ва II нав билан 7,0 тонна. Бу ҳолда:

Корхонанинг хом ашё билан таъминланиш даражаси 107,1%ни

$$ХА_{тд} = \frac{75}{70} \times 100 = 107{,}1\%$$

Хом ашёнинг сифатлилик даражаси 82,9%ни ташкил қилади:

$$ХА_{сд} = \frac{58}{70} \times 100 = 82{,}9\%$$

КОРХОНАНИНГ МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар тизими

Иш жойининг (штатларнинг) таъминланиш даражаси (Ш.тд)	$Ш_{ТД} = \frac{X^{X}}{X^{Ш}}$
Малакали мутахассис ходимлар (ММХ) билан таъминланганлик даражаси (МХтд)	$МХ_{ТД} = \frac{МХ^{X}}{МХ^{БР}}$
ММХнинг таркибий тузилиши (МХтт)	$МХ_{ТТ} = \frac{МХ}{X}$
Меҳнат бозорида қабул қилинган ходимлар улуши (МБху)	$МБ_{ХУ} = \frac{МБ_{X} \times 100}{X}$

Бунда X^{X} — ишлаётган ходимлар сони ҳақиқатда;

$X^{Ш}$ — ходимлар сони штат жадвали бўйича;

$МХ^{X}$ — ишлаётган малакали ходимлар ҳақиқатда;

$МХ^{БР}$ — бизнес-режада кўзда тутилган малакали ходимлар;

$МБ_{X}$ — меҳнат бозоридан қабул қилинган ходимлар сони.

КОРХОНАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кўрсаткичлар тизими

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ИЧМ) ҳажмининг сотилиши бўйича шартнома (Мш) билан таъминланиш даражаси (Мшт)	$Мшт = \frac{Мш}{ИЧМ}$
Сотилган маҳсулотнинг (СМ) ИЧМдаги ҳиссаси (СМх)	$СМх = \frac{СМ}{ИЧМ}$
ИЧМнинг бозор талабидаги (БТ) ҳиссаси (ИЧМх)	$ИЧМх = \frac{ИЧМ}{БТ}$
БТнинг аҳоли эҳтиёжидаги (АЭ) ҳиссаси (БТх)	$БТх = \frac{БТ}{АЭ}$
СМнинг аҳоли эҳтиёжидаги ҳиссаси (СМаэх)	$СМаэх = \frac{СМ}{АЭ}$

КОРХОНАНИНГ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

$$СМаэх = \frac{СМ}{АЭ} = \frac{СМ}{ИЧМ} \times \frac{ИЧМ}{БТ} \times \frac{БТ}{АЭ}$$

$$СМаэх = У = X_1 \times X_2 \times X_3$$

Бунда СМ — сотилган маҳсулот;
АЭ — аҳоли эҳтиёжи;
ИЧМ — ишлаб чиқарилган маҳсулот;
БТ — бозор талаби.

Натижага омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан ҳисоблаш йўллари

$$\Delta У_{X1} = (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P) - (X_1^P \times X_2^P \times X_3^P)$$

$$\Delta У_{X2} = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P) - (X_1^X \times X_2^P \times X_3^P)$$

$$\Delta У_{X3} = (X_1^X \times X_2^X \times X_3^X) - (X_1^X \times X_2^X \times X_3^P)$$

$$\Delta У = \Delta У_{X1} \pm \Delta У_{X2} \pm \Delta У_{X3}$$

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ



III-бўлим

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Мавзунинг мақсади — молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўлларини, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилини ёритишдан иборат.

- Ушбу мавзуда қуйидаги масалалар кўрилади
- Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан кўчирма
- Акциядорлик жамиятларида даромадлар турларини аниқлаш
- Молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичларининг омилли таҳлили
- Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлиги



МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

Даромадлар

- Сотишдан олинган даромад
- Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар
- Молиявий фаолиятдан олиналиган даромадлар
- Тасодифий даромадлар

Фойда турлари

- Сотишдан олинган фойда
- Асосий фаолиятдан олиналиган фойда (зарар)
- Молиявий фаолиятдан олиналиган фойда (зарар)
- Тасодифий фойда (зарар)
- Солиқ тўланганга қадарги фойда
- Соф фойда

Рентабеллик кўрсаткичлари

- Барча активлар рентабеллиги
- Хусусий капитал рентабеллиги
- Сотилган маҳсулотнинг рентабеллиги
- Акциянинг рентабеллиги
- ва бошқалар (таҳлил мақсадига боғлиқ)

2-шакл

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Кўрсаткичлар	сатр рақамлари	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	харажатлар (зарар)	даромадлар (фойда)	харажатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	010	5728.6	x	6883.6	x
Қўшилган қийматдан олиналиган солиқ	020	x	799.1	x	831.3
Акцизлар	030	x	346.2	x	357.8
Сотишдан тушган соф тушум (даромад) (010-020-030)	050	4583.3	x	5694.5	x
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	x	3951.2	x	4841.7
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)дан олинган ялпи молиявий натижа (050-060)	070	632.1	85.4	852.8	
Сотиш харажатлари	080	x	67.0	x	98.3
Маъмурий харажатлар	090	x		x	80.0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромад ва харажатлари	100	31.3		37.2	
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (070-080-090-100)	110	511.0		711.7	

1	2	3	4	5	6
Бошқа олинган дивидендлар	125	3.5	x	4.7	x
Ассоциацияланган ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган заёмлар бўйича фоизлар	130	4.2		2.9	
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135		21.6		27.5
Валюта курсининг фарқи	140	5.8		7.1	
Бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатлар	145	79.3		93.2	
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ва зарар) (110+125 +130-135+140+145)	150	582.2		792.1	
Фавқулоддаги (тасодифий) фойда ва зарарлар	160	11.4		8.3	
Солиқ тўланишига қадарги умумий фойда (150+160)	170	593.6		800.4	
Фойдадан (даромаддан) солиқ	180	x	200.0	x	248.5
Бошқа солиқлар, тўловлар ва ажратмалар	190	x	25.6	x	55.7
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (170-180-190)	200	368.0		496.2	

КОРХОНАНИНГ ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ОЛГАН ДАРОМАДЛАРИНИ АСОСИЙ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръати, %
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум (Ят)	5728.6	6883.6	+115.5	120.2
2. Сотишдан тушган соф тушум (даромад) (Ст)	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
3. Сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижа (Ямн)	632.1	852.8	+220.7	134.9
4. Асосий фаолият молиявий натижаси (АФМН)	511.0	711.1	+200.7	140.6
5. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (МУН)	582.2	792.1	+209.9	136.1
6. Тасодифий фойда (Тф)	11.4	8.3	-3.1	72.8
7. Солиқ тўланганга қадарги умумий фойда (5қ + 6қ) (Яф)	593.6	800.4	+206.8	134.8
8. Соф фойда (Сф)	368.0	496.2	+128.2	134.8

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧ ТАҲЛИЛИ

Бундай кўрсаткич маҳсулот рентабеллиги (Рст) бўлиши мумкин:

$$Рст = \frac{СФ}{Ст} \times 100$$

Бунда:
Сф — соф фойда;
Ст — Соф тушум.

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади



$$Рст = \frac{Сф}{Яф} \times \frac{Яф}{Ямн} \times \frac{Ямн}{Ст}$$

$$У = X_1 \times X_2 \times X_3$$

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР УМУМЛАШГАН КЎРСАТКИЧИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ҲИСОБ — КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Занжирли алмаштиришлар	
			I	II
1. Соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши, % (8қ : 7қ × 100)	61.995	61.994	61.994	61.994
2. Ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижаларидаги ҳиссаси (7қ : 3қ)	0.939	0.938	0.939	0.938
3. Ялпи молиявий натижанинг сотилган соф маҳсулотдаги ҳиссаси (3қ : 2қ)	0.138	0.150	0.138	0.138
4. Маҳсулот рентабеллиги, % (1қ × 2қ × 3қ)	8.03	8.72	8.03	8.02

МАҲСУЛОТ РЕНТАБЕЛЛИГИ КЎРСАТКИЧИНИНГ 0,69% (8,72 — 8,03) ОШГАНЛИГИГА ҚУЙИДАГИ ОМИЛЛАР ТАЪСИР ҚИЛАДИ:

1. Соф фойданинг ялпи фойдадаги улуши жуда кам миқдорда, яъни 0,001% ўзгарган. Бу натижа ўзгаришига таъсир қилмаган:

$$8,03 - 8,03 = 0$$

2. Ялпи фойданинг сотилган маҳсулотдан олинган ялпи молиявий натижалардаги ҳиссаси 0,001% (0,938 - 0,939) камайганлиги натижани 0,01% камайишига олиб келган:

$$8,02 - 8,03 = - 0,01$$

3. Ялпи молиявий натижанинг сотилган соф маҳсулотдаги ҳиссаси 0,012% кўпайганлиги маҳсулот рентабеллигини 0,7% оширган:

$$8,72 - 8,02 = + 0,7$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$0 - 0,01 + 0,70 = + 0,69$$

2.2. КОРХОНАДА ФОЙДА ТАҲЛИЛИ

Мавзу мақсади — 1995 йил 1 январдан жорий қилинган харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан фойда кўрсаткичларининг янги тизимини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш усулларини, фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўлларини кўрсатишдан иборатдир.

Ушбу бобда кўриладиган масалалар:

- Корхонанинг молиявий манбалари
- Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш усули
- Соф фойданинг шаклланиш схемаси
- Фойда турларининг аниқланиш усуллари
- Фойда ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш усули



КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРНИНГ ЧИЗМАСИ



СОФ ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШ СХЕМАСИ

Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум

\- Шу сотилган маҳсулотнинг таннархи

= Сотишдан олинган ялпи фойда

\- Давр харажатлари

Сотишга, бошқаришга ва бошқа мақсадларга кетган харажатлар

\+ Бошқа операцион даромадлар

= Асосий фаолиятдан олинган фойда

± Молиявий фаолият натижаси (фойда+, зарар-)

± Тасодифий фойда (+) ёки зарар (-)

= Солиқ тўланганга қадарги фойда

\- Солиқлар

= Соф фойда

\- Тўланган дивиденд

Балансда кўрсатилган тақсимланмаган фойда

ФОЙДА ТУРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЧИЗМАСИ

Сотишдан олинган ялпи молиявий натижа (ЯМН) = Маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан келган соф тушум (Ст) + Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи (Тн)

Асосий фаолиятдан олинган молиявий натижа (Афмн) = ЯМН − Давр харажатлари (Дх) + Бошқа операцион даромадлар (Бд)

Молиявий фаолият натижаси (Мфн) = Молиявий фаолиятдан келган даромадлар (Мфд) − Молиявий фаолиятга кетган харажатлар (Мфх)

Тасодифий (фавқулодда) фойда ва зарар (Тф) (Тз) = Тасодифий даромад (Тд) − Тасодифий харажат (Тх)

Солиқ тўланганга қадарги умумий фойда (Яф) = Афмн ± Мфн ± Тф

Соф фойда = Яф - Солиқлар (С)
(Сф)

Тақсимланмаган = Сф - Дивиденд (Дв)
фойда (Тмф)

Ушбу чизмалардаги кўрсаткичларни бухгалтерия ҳисоботининг 2 шаклига асосан ҳисобот йилидаги ҳолатини аниқлаш усулларини кўриб чиқамиз:

Ст Тн
ЯМН (852,8) = (5694,5) - (4841,7)

Ямн Дх Бд
Афмн (711,7) = (852,8) - (98,3 + 80,0) + (37,2)

Мфн = Дб + Шк - Бтф + Вкф + Бмф
(80,4) (4,7) (2,9) (27,5) (7,1) (93,2)

Яф (800,4) = Афмн + Мфн + Тф
(711,7) (80,4) (8,3)

Сф (496,2) = Яф (800,4) - С (248,5 + 55,7)

Тмф (396,2) = Сф (496,2) - Дв (100,0)

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ АНИҚЛАНИШ ҲИСОБ-КИТОБИ

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суръати, %
1. Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум (қий-матга қўшилган солиқ ва акцизларсиз)	4583.3	5694.5	+1111.2	124.3
